

ЖУМАҚУЛ КУРБОНОВ

ЧОРРАХА


ТОШКЕНТ «МАҲНАВИЯТ» 2003

Кўлингизда Жумакул Курбоновининг «Чорраҳа» номли китоби.
Муалифи ининг китобини бундай номлашида чуқур рамзий маъно
бор. Йўллар туташган жой чорраҳа деб аталади.

Баҳорда айни тўл олишаётган пайтда Қаландар чўпонни йиги-
лишга чақиришади. Оқибатда отарда фалокат юз бериб, эндиғина
17 ёшга тўлган ўғли касалхонага тушиб вафот этади. Вилоятдан
қайтаётган хўжалик раиси бу машъум хабарни йўлда эшигади.
Машина бир томони қишлоқ, бошқа томони хўжалик меҳмонхо-
насига элтувчи чорраҳага етганда секинлашди. Үнгта инсонийлик,
чапга нафс йўли... Усмир йигит ўлимнига малум маънода сабабчин
бўлган раисининг қайси йўлга бурилишини эса китобини ўқиб
чиққач, билиб оласиз.

Ёзувчининг «Сени қўмсайман» номли қиссаси инсон тақдирини
инсоний муносабатлар ҳакида. Муаллиф қаҳрамонларининг пок
севгисини меҳр ва самимият билан тасвирлайди.

«Чорраҳа» Сизга яхши ҳамроҳ, зериктирмайдиган сұхбатдош
бўлиб қолади, деган умиддамиз.



Курбонов, Жумакул.

Чорраҳа: /Тўплам/. – Т.: «Маънавият», 2003. – 128 б.

ББК 84(5У)6

K 4702620204-16
M25(04)-03

©«Маънавият», 2003

* * *

Жумакул Қурбонов кўп йиллардан бери ижод қилади. Қатор ҳикоя ва қиссалари чон этилган.

Адиднинг янти асарларини қизиқиш ва қопикчиш билан ўқидим. Уларда реал, мураккаб ҳаётнинг акс-садоси кўриниб туради.

Жумакул Қурбонов ҳикояларида ўқувчининг қалбини ҳаяжонга соладиган, катта маънавий озик бера оладиган жиҳатлар кўп. Асар қаҳрамонлари ўз характерига, ботиний куч ва иродага эга бўлган ориятли кишилар. Ёзувчи уларни меҳр билан тасвирлар экан, қаҳрамонларининг қайғусию севинчини ўқувчи билан баҳам кўришга интилади. Бу эса ҳикоялар руҳиятидаги самимиятни ошириб, уларнинг ўқишли чиқишини таъминлаган. Ёзувчи асарларнда ҳаёт мантики билан ўз олдига кўйган бадиний мақсац мантикини бир-бирига уйғулаштириб, уларни бир меъерда ушлаб туради, ҳаёт воқеаларни шуичаки баёни қилиб кетавериш йўлидан эмас, уларнинг мазмун-моҳиятига тераи назар ташлаш ва тасвиrlашиб йўлішан боради. Табиий тасвирлар, жонли характерлар китобхонининг хотирасида узок сакланиб колади. Жозибали ва такрорланмас феъл-атворларга эта бўлгани қаҳрамонлар сиймосини, маънавий бойлигини ёритишга интилади, турли тоифадаги инсонлар характерини маҳорат билан тасвирлайди. Тўпламдан ўрин олган қисса изчил ривожланувчи, қизиқарли сюжети билан эътиборни тортади. Жумакул Қурбоновнинг таҳдид эшилаетган асарлари китобхонларимизда яхши таассусот қолдиришита ишонаман.

*Ўтқир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Халқ ёзувчиси*

СЕНИ ҚҮМСАЙМАН (қисса)

Редакциянинг нимкорони узун йўлаги охиридаги зинапоя олдида уч-тўрт шинаванда билан чекиб, кулишиб турардик. Шу пайт оёги узун, малласоч котибанинг чийиллаган овози эшитилди:

– Саломов! Сало-о-омов!! Сизни катта йўқлаяпти! Тез!

– Ана, навбат сенгаим етди! Чоп тезрок, бўлмаса минғилаб жонингни олади, – деди сигаретни паға-паға тутунга айлантирганча спорт шарҳювчиси, ўзиям спортчиларга ўхшаб юрадиган Ойбек, – сенга неча марта айтдим, олдин материални топшириб кўйиб кейин чеккин, деб.

Уларнинг ҳазил-хузул гагилари остида қабулхонага қараб кетдим.

– Келинг, ўтиринг, – деди муҳаррир Жобир ака ўз одати бўйича минғиллаган паст товушда. – Биласизми, шанба куни кимнинг юбилейи бўлади? – у катта кўзойнаги остидан бакрайиб тикилди. Жаҳлим кўзиб кетди. Нега эди шаҳарда ким юбилей ўтказса, албатта мен билишим керак?! Э, ўргилдим...

– Билмаіман, – дедим бир оз кўрсөрк оҳангда.

– Ана шунаقا, катта бир газетада маданият бўлимининг мудири! Кимсан халқ артисти Олимжон Ҳакимовнинг юбилейи бўлишини билмайди. Ҳолбуки, бутун республика унинг тўйинни нишонлашга тайёргарлик кўряпти. – У қониқиши билан ганирарди. Жобир аканинг феъли шунаقا. Уннингча, редакцияда ҳеч ким ундан ўтолмаслиги керак. Билимдаям, маҳоратдаям, журналистга хос тезкорликдаям! У ёш ходимларнинг шундай нозик жойидан ушлаб олиб кейин эзгилашни яхши кўради. – Шундай қилиб, бугун чоршанба, – соатига қараб олди, – соат ўн бирдан йигирма дақиқа ўтди. Олимжон Ҳакимов хақидаги материал пайшанба куни соат уч яримда столим устида бўлсни. Тушупарлими, ўрток Саломов?!

Мен бош иргадим.

– Мана унинг уй телефони. – У бир парча қоғозга шошилиб ёзилган телефон рақамларини берди. – Боринг, ишга киришинг.

Индамай кўлимдаги қоғозчани ғижимлаганича йўлакка чикдим. Энди шинаванда оғайниларим сигаретларини чекиб бўлиб, ҳаммаси ўз ўрнига кетганди. Тушликкача ҳали яrim соатдан кўпроқ вақт бор. Нима қылсам экан? Анави Олимжон Ҳакимов дегани юбилей қылмоқчи экан, сал олдинроқ хабар берса ўпкаси тушардими? Хонага кириб телефон гўшагини кўтардим. Жобир aka берган рақамларни истамайгина териб, кутиб турдим. У томондан бир аёл киши кўтарди.

– Ассалому алайкум, опа, менга Олимжон aka керак эдилар.

– У кишининг сал тоблари кочиб қолганди. Нима эди, зарурми жудаям?

– Мен газетаданман. Юбилейларига мақола тайёрламоқчидим. Агар бугун гаплашмасам, юбилейгача улгура олмайман.

– Ҳа, агар ундоқ бўлса, майли, ҳозир чақираман.

Телефон анчагина жим қолди. Бир оздан сўнг эркак кишининг овози келди:

– Эшитаман?

– Олимжон aka. Мен газетанинг маданият бўлими мудири Одил Саломовман. Сиз билан учрашмоқчи эдим. Нима дейсиз?

– Ҳа, Одилжон, сизнинг ўзингизни танимасам ҳам мақолаларингизни ўқиб тураман. Биласизми, янгангиз дўхтири. Озгина шамоллаб қолганимизми, кўчага чиқишига рухсат бермай кўйди. Уйда ётиб унинг нинасига бардош бериб турибман. Агар йўқ демасангиз уйга кела қолинг. Тушликни ҳам уйда бирга қиласамиз. Янгангиз хурсанд бўлади. Келаверинг, уйда гаплашшамиз хоҳлағанча.

У манзилини айтди ва тушликка келишни қайта-қайта тайинлади. Уйи редакциядан утча узок эмас, бор-йўғи уч бекат нарида экан. Мен кийиндим-да, ташқарига чиқдим. То унинг уйига боргунча ёзилажак мақола ҳакида ўйлаб бордим. Мен, албатта, мақолани бошқача ёзаман, унинг болалиги тўғрисида, унинг илк устози тўғрисида озгина ёзаману, колган ҳаммасига санъат ҳақидағи фикрларини бераман. Унинг ички дунёсини очаман, деб ўйладим. Э, йўқ, Жобир aka бунга кўнмайди. Мен сенга юбилейга бағишлиб мақола ёки сұхбат тайёрла десам, сен бир кучок алмайи-алжайи абстракт ғапларни олиб келибсан-ку, деб шовқин солади.

Шундай фикрлар оғушиша манзига етиб келганимни ҳам сөзмай қолибман. Каттагина нақшинкор дарвоза ёнидаиги кўнғирок тугмасини босдим. Ичкаридан аёл кишининг «ҳозир» деган овози ва шипшилаб юриб келаётган шиппак товуши эшитилди. Эшикни 45-50 ёшлар чамасидаги чехраси очик, хүсисурат аёл очди.

– Киринг, – деди у жилмайиб. – Олимжон акангиз сизни кутаятилар.

У чакконлик билан дарвозахонанинг ёнбошидаги уйга бошлади. Бежиримгина хонанинг бурчагида катта пианино, деворга турли мусика асбоблари осиб қўйилган, иккинчи бурчакда эса катта жавон китоблар ва фотосуратлар билан лиқ тўла. Диванда ёнбошлиб ётган ҳофиз мени кўриб очик чехра билан пешвоз чиқди.

– Келинг, Одилжон, келинг, – деди дилкашилик билан, кейин хотинига ўтирилди. – Гулсара, мана, шу уканғиз Одил Саломов бўладилар. Бизга ўхшаган артистлар ҳақида кўп ёзадиган киши. Эсладингизми, анави машхур ҳофиз ҳақида китоб ҳам чиқарганлар. «Юрак садоси» деган. Ана, жавондаги иккинчи қаторда турибди.

Гулсара опа жавондан қорамтири муковали китобимни олди.

– Ҳа, тўғри, Одил Саломов, – опа менга бир муддат ҳайрат ва ҳавас билан бокди. Кейин эса ўртадаги катта столнинг устига оппоқ дастурхонни ёзди. Бир зумда унинг устига дунёнинг нозу пеъматларини уйиб ташлади.

Олимжон ака мени дастурхонга таклиф қилди.

– Энди, Одилжон, аввал таом, баъдаз калом деган гап бор. Олдин чой-пой ичиб олайлик, кейин гаплашаверамиш-да, нима дедингиз?!

Биз бир пиёла чой ичмасимидан Гулсара опа лаганда буғи чикиб турган паловни олиб келиб қўиди.

– Оҳ, оҳ, бунинг хидидан тўйиб қолади-ку одам, – деди Олимжон ака хотинига қараб жилмайганча. – Энди бу ошдан олдин озроқкина олсак қандай бўларкан, хоним? Уйимизга шундай одам меҳмон бўлиб келса-ю, озроқ қўймасак яхши бўлмас.

Гулсара опа жавондан битта шиша ва чиройли қадаҳчаларни олиб, артиб-артиб столга келтириб қўиди.

– Қўйинг, Олимжон ака, менга тўғри келмайди. Ишдаман, – дедим-у, редакцияга маст ҳолда боришни ва Жобир аканинг жигибийрони чиқишини кўз олдимга келтирдим.

– Мен ҳам ичишга жа унчаям ишқибоз эмасман, ука. Кейин озиб-ёзуб бир келдингиз, тух сўйиб чақирасам келмайдиган одамсиз, қолаверса, бу ўлгурдан битта ичгандан кейин одам очилиброк сухбатлашади-да, нима дедингиз?!

Олимжон аканинг негадир ичгиси келаётгалини сездим ва унча қаршилик килиб ўтирмасим: «Нима бўлса бўлар».

Олимжон ака шишани очиб қадаҳларни тўлдириди.

– Қани олинг, ука, кечирасан, неча ёшдасиз?

– Йигирма тўққизга ўтдим.

– Ҳа, Одилжон, анча ёш экансиз. Ҳали бизга ўхшаб юбилейларнинг анчасини кўриб юринг. Одлик.

Гулсара опа чойнак күтариб кирганида биз анчагина кизишиб, ошни хам пакқос тушириб бўлғандик. Опа бир зумда ёшига хос бўлмаган чақонлик билан бўшаган идишларни йигиштириб олди.

Мен Олимжон аканинг қаерда туғилгани, қайси ўкув юртини тутатгани, қачон унвон олгани-ю, қачон лауреат бўлгани каби биз газетачиларнинг тили билан айтганда «факт»ларни ён дафтарчамга тушириб бўлғач, у билан бемалол сухбатлаша бошлидим.

Олимжон ака тоғ бағридаги олис бир қишлоқда туғилибди. Илмга чанқоқ, айниқса адабиётни яхши кўраркан. Шу орада мактабларига янги мусиқа ўқитувчиси келибди-ю, ундаги иқтидорни кашф этибди. Сендан катта ҳофиз ёки бастакор чиқади, дебди. Ўша мусиқа ўқитувчиси уни санъатга етаклаб олиб кирибди.

Олимжон ака ўрнидан туриб жавон ёнига борди ва ундан каттагина фотосурагни олиб менга узатди.

– Мана шу киши Шерали ака бўлади.

Мен фотосуратни олиб кўз югуртирдим. Фотосурат кўп йил олдин туширишгану кейин катталаштирилган шекилли, анчагина хира эди. Унда тор ушлаб турган Олимжон ака ва унинг ёнида кексароқ киши турарди.

– Шу одам менинг устозим бўладилар, – деди Олимжон ака бир оз маъюс тортиб, – беш йил бўлди вафот этганларига. У кишини биз Шерали ака дердик. Қишлоғимизда бир йилча мусиқа ўқитувчиси бўлиб юрганлар. Менга рубоб чалишни, қўшик айтишни сирларини шу домламиз ўргатганлар. Бу суратнинг тарихи қизиқ бўлган. Домла қишлоқдан кетаётib ўзларининг адресларини қолдиргандилар. Мен уни йўқотиб кўйдим. Шу билан ёшлиқ давримда домлани кидириб топмадим. Кейин бундан олти йил олдин чўлдаги туманга тўйга бордик. Саҳнага чиқиб қўшиқ айтиётганда, одат бўлиб колган, даврадаги одамларни кузатаман, уларнинг қўшикка муносабатини хис кириб туриб куйлайман. Бу сафар даврага кўз югуртираётганимда кўзимга бир киши иссик кўринди. Яна қарадим. У ҳам менга қараб турганди. Биринчи чиқишни тутатиб, саҳнанинг ёнидаги сўрига чиқиб бир пиёла чой ичганча ҳалиги одамга қарадим. У ҳамон менга қараганча хаёлга чўмиб турарди. Тўй хизматкорларида бирини чақириб уни кўрсадим-да, кимлигини сўрадим.

– Ха, Шерали домлами? У киши мактабда мусиқадан дарс берардилар, хозир пенсияда.

Эсладим. Бу одам ўша бизнинг Шерали домламиз эдилар.

Орадан шунча йил ўтиб кетибди кўришмаганимизга. Домла ҳам қариб қолибди. Шу пайт давра раиси яна навбатни бизга берди. Саҳнага чикдим. Энди мен тўйхонада устозим ўтирганини, энг яхши қўшикларимни айтишим кераклигини хис килдим. Биринчи, иккинчи қўшиқдан кейин давра жим бўлиб қолди. Юрардан айтаётганим таъсир килдими ёки қўшикларимнинг ўзи яхшимиди, билмайман, ҳар қалай иккинчи чиқишимни тугатаётганимда даврани қарсак босиб кетди. Тўй эгаси кўзларида ёш билан саҳнага чикиб келиб:

– Раҳмат, Олимжон ака, кўнглимдагидек қилиб айтдингиз! – деди ва елкамга чопон ташлаб, бошимга дўппи кийгизди. Шунда мен олқишлиарни босиб микрофондан шундай дедим:

– Азиз меҳмонлар, сиз чўлнинг одамларисиз, шу юртни яхши кўрасиз. Худди сиздек шу юрт менга ҳам азиз! – шунда олқишлиар ёғилди. Қарсаклар пасайишини кутиб турдим-да, яна галира бошладим. – Чунки шу ерда менинг устозим яшайдилар. Менга соғ чалишни, қўшиқ айтишни ўргатган одам сизнинг ҳам-қишлоғинги Шерали ака бўладилар. Ўйлайманки, бугунги қарсак, олқишлиарнинг ҳаммаси шу кишиники! – Энди ҳамма Шерали акага қараб қарсак чалишарди. Мен устозимни саҳнага тақлиф килдим. Домла кўзларида ёш билан қаловланиб қадам ташлаганча саҳнага яқин келдилар. Мен чопиб бориб домланинг қўлтиғидан олдим ва саҳнага кўтарилишига кўмаклашдим. Иккаламиз кучоклашиб кўришдик. Мен елкамдаги чопонни, дўппини олдим-да, домлага кийдирдим. Кийикчани белига айлантириб бояладим.

– Биз ўттиз беш йилдан бери кўришмаганимиз. Яхшининг шарофати деб тўғри айтишади. Мана шу тўй қилаётган укамизнинг шарофати билан ҳозир шу ерда яна дийдор кўришдик.

Яна қарсак, яна олқиши ёғилди. Домлани саҳнадан пастга, санъаткорлар ўтирадиган сўрига ўтқаздим-да, саҳнага чикдим.

– Устоз! – дедим Шерали акага ўгирилиб, – бугунги айтилациган барча ашуналарни сизга бағишлайман.

Кий-чув, қарсак-олқишлиар орасида торни олдим-да, мусиқани бошладим. Негадир қўшиқдан-қўшикка овозим очилиб, илҳомим жўш урар, тор ҳам ҳамишагидан кўра енгилроқ чалинар, мусиқа ҳам кўнглимдагидек чиқарди. Бугун қанча айтсан ҳам ҷарчамаслигимни хис килдим. Ниҳоят қўшикни тутатиб пастга тушиб, Шерали аканинг ёнига келдим. У ҳамон ҳаяжондан тит-парди.

– Бир кунмас бир кун топиб келишингни билардим. Сени биринчи бор телевизорга чиқкан кунингдан бошлаб ҳар куни

кутаман. Худога шукр, дийдорни киёматга кўймади. Беш-олти йил олдин шу туманга гастролга келганингни эшилдим. Барibir келади, деб кутдим. Йўқ. Келмадинг. У энди катта санъаткор бўлиб кетди. Мени унутиб ҳам юборган, деб ўйладим. Барibir кўнглимнинг бир четида йилт этган умид бор эди. Мана бугун учрашдик.

Ярим тунда шовкин-суронли тўй тугади. Мусиқачи йигитлар асбоб-ускуналарни йиғишириб машинага жойлай бошладилар ҳамки, бизнинг сұхбатимиз тугамасди. Шерали ака бутун ҳаётини айтиб берди. У бекорга бизнинг қишлоқда бир йил яшамаган экан. Етимликда тогасининг қўлида ўсган Шерали ака улғайиб бир амаллаб институтни тугатиб келиб мактабда ўқитувчилик қила бошлайди. Шу қишлоқда яшайдиган бир қизни севиб қолиб, аҳд-паймон қилади. Тўй килишга пул йига бошлайди. Шунда тоғаси билан маслаҳатлашади. У бунга қаршилик килмайди. Аммо янгаси, сенинг онанг ўрнидаман, мен айтган қизга уйланасан, зинхор унга эмас, деб туриб олади. Унинг нияти ёши ўтиб уйда туриб қолган синглисини Шералига узатиш экан. У эса бунга кўнмайди. Натижада икки ўртада учқун чиқади. Янгаси уни ўйидан ҳайдаб солади. Тоғаси ҳеч нарса қиломайди. Шерали эса ҳайё-ҳай деб йўлга чиқади ва бизнинг қишлоққа келиб қолади. Бир йилча у ерда ўқитувчилик, коровуллик, қишида гўлахлик қилади. Пул йиғади. Шу орада қишлоғига бир неча марта бориб ҳам келади. Охирги боришица қишлоқда сотиладиган бундайроқ ҳовли борлигини эшилади. У шу ҳовлини жамғарган пулига сотиб олади ва кўчиб ўтади. Шундан кейин ўша севган қизига тоғасини совчи қўйиб, мўъжазгина тўй қилиб уйланиб ҳам олади. Ҳаммаси ўз ўрнига тушиб, яна мактабда ўқитувчилик қилади. Бола-чақаси кўпаяди. То ёши элликка етганча кунлари бир ма-ромда ўтиб туради, аммо элликка етган йили катта ўғлининг армиядан ўлиги келади. Бунга чидай олмасдан хотини ҳам қайтиш қилади. Қизлари турмушга чиқсан. Катта ҳовлида бир ўзи сўппайиб қолиб кетади. Ича бошлайди. Ичиши пенсияга чиққандан кейин ҳам қолмайди.

Шерали ака ҳозир ҳам озроқ кайф қилиб ўтирганди. Тўй эгаси бизни ичкарига таклиф қилди. Шерали ака кирмади. Уйга кетаман деб оёқ тираб туриб олди. Тўйхонадаги йигитлардан бири уни кузатиб келадиган бўлди.

Шунда шофёр йигит ёнимга келиб карбюратор ишдан чиққанлигини, ҳозир жўнаб кетолмаслигимизни айтди.

– Сизлар бу кеча бизникида ётиб қоласизлар, эрталаб ҳаммасини созлаймиз, – деди тўй эгаси.

Биз ўша ерда тунаб қолщик. Эрталаб мен уйғонганимда уй эгаси билан шофёр йигит кайфиятлари чөф ҳолда кириб келишиши.

– Тузатдик, ака, – деди шофёр, – бемалол жұнайверсак бұлади.

Шунда кеча түйда сураткашлик қилиб юрган йигит күлида бир даста фотосуратлар билан келиб колди.

– Яхши, улгуриман, – деди у ҳали нами қуrimаган суратларни олдимга ёзиб қўйиб, – энди ака шу суратларингизнинг биринга дастхат ёзиб берсангиз.

Суратлар яхши ишланган экан. Мен шундан домла билан тушган суратимни ажратиб олдим.

– Ука, шу суратни менга беролмайсизми?

– Майли, bemalol, ўзи сиз учун олиб келдим-да.

Мен суратни авайлаб олиб, ён дафтарчамнинг ичига солдим. Кейин у кўрсатған бир-икки суратга имзо қўйиб бердим.

Жўнаш олдидан домланикига хайрлашиб учун кирдим. Нураб кетган ҳовлида Шерали aka гимирилаб юради. Мени кўриб пешвоз чиқди.

– Хайр, домла. Биз қайтамиз.

– Кирсанг бўларди, бир пиёла чой...

– Майли, бошқа сафар. Йўлдан қолмайлик.

– Майли, Олимжон. Яна учрашамизми, йўқми, омадингни берсин. Мен сенинг дуои жонингни қилиб юраман.

– Нега унақа дейсиз? Энди тез-тез хабар олиб тураман. Сиз хам йўлингиз тушганида кириб ўтинг.

– Энди мен у ёкларга боролмасам керак. Кўнглим сезиб турибди. Беш кутилигим борми, йўқми. Мени эслаб юрсанг бўлди.

Кўнглим бузилиб кетди. Домла мени бағрига босди.

Орадан олти ой ўтмай домланинг вафот этганилигини эшитдим. Жанозасига етиб боролмадим. Кейинроқ қабрига бориб дуо-фотиха қилиб қайтдим.

Олимжон aka фотосуратни авайлаб олиб ўз ўрнига жавонга кўяётганда унинг ёнидаги сурат пастга тушиб кетди. Олимжон aka уни эгилиб олди-да, бир муддат мени хам унугиб унга термулиб қолди. Кейин менга ўгирилди-да:

– Мана бу эса бизнинг ёшлигимиз. Ўша мусика билим юртими тутатаётгаңда практикага борганимизда тушганимиз, – деди ва менга суратни узатди. – Мана бу ўртадаги аёл Ойсара опа, маданият бўлими мудири эди. Унинг ёнидаги жиккак дўппили киши Акбар aka мусика раҳбаримиз эди. Буниси Латифжон, буниси эса Ойсара опанинг орқасида ғўддайиб турган йигит Бурхон. Орқадаги лўппи юзли қизчани танидингизми? Бу Зулфия Бобоеva, ху, машхур артистка?

Мен эсладим. Бир пайтлар унинг концертларига билет то-
пилмасди. У кунора радио ва телевизорда чиқиб хониш қиласди.
Унинг ажойиб овози бор эди. Энди эса кўринмай кетди. Ҳа,
ажойиб иқтидорли аёл эди ўзиям. Айникса, Олимжон ака билан
айтган ашулалари ҳамон машҳур. Бир пайтлар у Олимжон ака-
нинг хотини бўлган, кейин улар ажралиб кетгандар деган мишишар юради.

— Мана буниси, Зулфиянинг ёнидаги йигит менман, қаранг,
унча ўхшамайди-я?

Дарҳақиқат, Олимжон ака ёшлигида ҳозиргидек бараваста эмас,
озғингина, бўйи узун, хушбичим йигит бўлган экан. Сурат анча
олдин олинганидан бир оз сарғайиб, хиралашиб қолган бўлса
ҳам ёнма-ён ўтирган Зулфия билан Олимжоннинг кўзларидан ўт
чакнаб турганини илғаш мумкин эди. Дарҳақиқат, мишишлар-
да жон борга ўхшайди. Мен шу ҳақда Олимжон акадаи сўрадим.
У бир оз сукутга кетди ва секингина: «Бу ҳақда алоҳида гагла-
шамиз» деб қўйди.

— Мана бир оз ёшликни эсладик, келинг, яхшиси, энди ўша
пайтдаги битта қўшиғимни айтиб берсам, нима дейсиз?

— Бажоницил тинглайман, Олимжон ака, — дедим. Ҳақиқатан
ҳам Олимжон аканинг ширали овози, берилиб, юракдан айтиши-
ни хуш кўрадим.

— Биласизми, бу қўшикни билим юртида талабалик пайтимда
яраттанман. Практикага борганимда, ансамблда чиққанимда шуни
айтганман. Ўххў, бунга анча йил бўлиб кетди. Эслай олармикан-
ман.

У торни олиб бир оз жўрлади-да, бирдан ҷалиб юборди.
Мусиқа бир оз шўхчан, бир оз дардли, дарё тўлкинларидек
мавжланиб чиқарди. У қўшикни куйлай бошлади:

Осмонларга тикиб кўзимни,
Юлдузларга айтсам дилрозим,
Эшиитмаса юлдуз сўзимни,
Маҳзун бўлиб қайтса овозим,
Сени қўмсайман, ёрим, сени қўмсайман.

У қўшикни ҳамишагидек берилиб, юракдан айтарди. Тор-
нинг нолаларига жўр овози ҳам ёқимли чиқарди. Олимжон ака
қўшикни тугатиб, торни ўз жойига қўйди-да:

— Ҳа, Одилжон ука, сиз сабаб бўлиб ёшликни эсладим. Да-
рҳақиқат, шу қўшикни айтганда ниманидир қўмсайман. Балки,
ёшликними, ўша баҳордек шошқин даврларними, Зулфияними,
билмадим. Бу туйғу баъзан ичимга сиғмай кетади. Шундай пайт-

ларда ҳамма нарсани ташлайману хайё-хуйт деб болалик қишлоғимга. Тераклисойга жўнаб кетаман. Яқин ёр-дўстларнинг, қишлоқнинг дийдорига тўйиб қайтиб келаман.

Биласизми, ёшлигимдан адабиётга кизикқапман. Кўпгина кўшиқларимнинг матнини ҳам ўзим ёзганман. Бундан йигирма йилча бурун ҳаётимда илк синов, тушкунлик пайтлари. Оилам бузилган. Филармониядан хайдалган вакт. Ҳаммасидан қутулишни, бошимни олиб олис-олисларга кетишни истаб қолгандим. Шунда Матёкуб деган хоразмлик жўрам мени кўришга келди. Аҳволимни кўриб ачиниб кетдими, менга Кримга санаторияга битта йўлланма берди. Эртасига ёк самолётга чипта олиб мени кузатиб, ўзи яна Хоразмга қайтиб кетди. Кейинчалик билсан, ўзи учун бир амаллаб йўлланма ундирган, дам олишга бораётганда йўл-йўлакай мени кўриб ўтиш учун кирган экан. Менинг туришимни кўриб, ўз йўлланмасини менга бериб, ўзи яна Хоразмга қайтиби.

Шундай қилиб, мен йигирма тўрт кун Ялтада дам олдим. Шудавр ичида Зулфияни қандай топғапимни қоғозга туширдим. Курортга бориб ўрганмаганман. Колаверса, таниш-билиш им хам йўқ. Бир ўзим аламимни қоғоздан олиб туну кун ёзавердим. Кейин ўзим хам ўрганиб қолдим. Ёзганим сари енгил тортавердим. Иродам мустаҳкамланаётгандек, хали ҳаётим олдинда эканлигига ишониб боравердим. Дам олишнинг охирги куни уни ҳам ёзид тутатдим-да, руҳим енгил тортиб, қолғапини уйда ёзаман деб қайтдим. Шу орада ишим ҳам ўнгланиб кетди. Кейин концертлар, гастроллар, репетициялар, кани ёзишга вақт бўлса. Кораламаларим қандай бўлса шундайлигича қолиб кетди. Мана ўша ёзувлар. Зулфия ҳакида сўрацингиз, мана шу тўлалигича Зулфия ҳакида. Ўкиб чиқинг, сиз мугахассисиз. Кейин бирон нима дерсиз. Юбилейни ўтказиб олганимдан сўнг вақт топсам яна утириб ёзмоқчиман. Сизнинг маслаҳатингиз менга жудаям керак бўлади, Одилжон.

У қалингина папкани менга берди. Менга унинг нималарни ёзгани кизиқ эди. Икки машхур санъаткор тақдирларининг туашиган жойлари шунда битилган бўлса керак.

Мен хайрлашиб ўрнимдан қўзғалдим. Шунда Олимжон ака босмахонада тайёрланган, устига Олимжон аканинг тор ушлаб тушган сурати ва зарҳал ҳарфлар билан 50 раками туширилган таклифномани олиб, фамилиямни ёзди-да, менга узатди.

– Одилжон, мана қадрдонлашиб ҳам олдик. Албатта, юбилейда иштирок этинг, дўстларим қаторида, бўптими? Майли, хайр!

Гулсара опа дарвозагача күзатиб чиқди. Олимжон акани бўлса ўрнидан қўзгалишига рухсат бермади.

Редакцияга бормадим. Тўғри уйга бордим-да, эртага Жобир акага топшириш лозим бўлган материални тайёрлай бошладим; мақоланинг хеч бўлмаса ярминни тайёрламоқчи эдим. Жумлалар ўз-ўзидан қўйилиб кела бошлади. Мен ярим тунгача илҳом билан ишлаб, мақолани оқка ҳам кўчириб бўлдим. Сарлавҳаси эса ҳечам ёпишмасди. Мени редакциядаги ўртокларим «Сарлавҳа устаси» дейишар, ёзган мақолаларига сарлавҳа қўйиб беришини илтимос қилишарди. Мен теша тегмаган сарлавҳаларни топиб берардим. Бугун эса ўзимнинг мақоламга мосрок сарлавҳа тополмай гарант бўлаётубман.

Тоңгда уйқум ўчиб кетди. Кечаси ёзган мақоламни яна қайта ўкиб чиқдим. Баъзи жойларини эҳтирос билан ёзганимдан ортиқча бадиийлаштириб юборган эканман. Жобир ака ўқиса, сенга новелла эмас, мақола буюрганман деб минғиллашини хис қилдим-да, озрок таҳрир қилдим. Негацир сарлавҳа ҳамон топилмасди. Шунда хаёлимда ҳадеб айланётган, Олимжон ака куйлаб берган қўшикни эсладим. «Сени қўмсайман!» Мақолани шу ном билан атасам-чи?! Сарлавҳа мақолага ёпишди-қолди. Факат мақоланинг охирига шу сарлавҳани очиб берадиган жиндай гап қилса бўлди. Иш вактигача уни ҳам ёзиб тугалладим. Энди мақолани бемалол оқка кўчиришга берса ҳам бўлади.

Тушга яқин мақолани олиб, устидан кўриб чиқдим-да, тортмамга ташлаб қўйдим. Жобир ака берган муддатга ҳали уч соат вакт бор. Вактидан олдин олиб кирсам у яна бирон ишни бoshимга юклаб қўяди.

Олимжон ака берган папкани очдим-да, ўқий бошладим.

* * *

Баҳор охирлаган кунлар. Ҳаво қизиб борар, бундай пайтларда дим аудиторияларда маъруза тинглаш нақащар оғир эди. Борликни олов селига тўлдириб, кир-адирларда, йўл четларида кечагина кўм-кўк бўлиб яшина турган ўт-ўланларни қовжиратиб ёзнинг оловли кунлари яқинлашиб келарди. Богларнинг сояси, фавворалар атрофлари, дарё соҳилларини, айникса, дам олиш кунлари одамлар эгаллаб олар, ҳамма қандай қилиб бўлмасин, иссиқдан ўзини бир четга олгиси келарди. Биз талабалар эса, дарсдан бўшадик дегунча, Қашқадарёning янги кўприги ёнидаги сунъий кўлга югарардик. Роҳатижон сувда чўмилиб чиққач, соҳилдаги кумда кўмилиб ётиш мазза эди. Охирги курс бўлганимиз учун, маърузалар камайиб, шаҳар маданият уйида

ёки мусиқа мактабининг салқин концерт залларида амалий машгулот ўтказардик. Турли мусиқа асбобларидан тартибсиз чиқаётган, бир-бирига аралашиб кетиб, нималигини ҳам англаб бўлмайдиган оҳанглар ғашга тегарди. Аммо, мен рубоб чалишни анча ўрганиб олдим. Ўзи-ку билим юргига ўқишига келгунча рубобни яхши чалардим. Лекин, унинг нотадаги «сиrlари»ни ўқиш давомида ўрганиб шундай ажойиб оҳанглар чиқишидан ҳайратга тушгандим. Бўш қолдим дегунча рубобни қўлга олиб дилрабо куйлар, айниқса «Муножот»ни берилиб чалардим. Мактаниш эмас, яхшигина овозим бўлса-да, куйлар чалиш, оҳанглар сехрига маҳлиё бўлиб нимагадир ташна, номаълум кенгликлар сари интиладиган, узоклардаги қорли чўккиларга нигоҳим тушганда орзикиб кетадиган юрагимга таскин беришга ҳаракат киласдим.

Шундай күштарнинг бирида практикага йўлланма беришганда, нихоятда қувончим. Биринчидан, қайси туманга боришимиз ихтиёрий эди. Иккинчидан, шу баҳона анчадан бери соғиниб юрган қишлоғимиш кўриш, тоғлар бағрида сайр қилиб, болалик хотираларини эслаш ҳисси тинчлик бермасди. Дўстларнинг кўплари мени ўзлари билан кетишга ундашди. Дехконободлик Ашур кўп қистади. Лекин туманимизга бормасам бўлмасди. Марказда масъул вазифалардан бирида ишлайдиган акам «Практикангни шу ерга ол. Биз янганг билан дам олишга борамиз. Уйга қараб турасан» деганди. Бонка иложим йўқ.

Курдошларим билан хайрлашиб, ижара турадиган ховлига келдим. Уй эгалари кирк беш ёшлар атрофидаги узун бўйли эти суюгига ёпишган кўнгли очик Ҳамдам aka ва ундан саккиз ёшлар чамаси кичик, калта бўйли, семиз гавдаси кўйлагини тўлдириб турадиган, лўппи юзли хотини Фазилат опа ишдан қайтмабди. Икковлари ҳам ион комбинатида ишлашади. Гапсўз, қиликлари бир-бирига жуда ўхшайди. Ёлғиз кизлари Гулсара талаба. У мендан олдин уйга қайтибди. Водопроводда ювинаётган экан.

- Олим aka, қайтдингизми?! – деди негадир кулимсираб.
- Агар шу мен бўлсан, келдим, – дедим ҳазил аралаш, – табриклиашингиз мумкин. Кетяпман.
- Қаёқقا?
- Практикага.
- Бунча тез, – деди ўлкалагансимон, – қайтиб келарсиз, ахир.
- Албатта. Икки ойдан сўнг.
- Яхши.

Гулсара хомуш бўлиб колди. Аммо, менга билдирамаслик учун

юзини четга ўгириб, ҳосили энди пишиб келаётган олма дарахтига, ҳовли четида яшнаб очилиб, атрофга ёқимли хид таратиб туратиган гулларга тикилди. Гулсара ўрта бўйли, қорачадан келган, истараси иссиқ қиз. Ҳозир чеҳрасининг жиддийлашиб, чиройли чарос кўзларига маъюслик чўкканини хис қилдим. У бир пас менга қараб тургач, индамай ичкарига кириб кетди. Бу мени ҳайрон қолдирди. Бизга, хоразмлик дўстим Матёқуб иккимизга ажратилган ҳовли четидаги уйчага йўл олдим. Гулсаранинг бу ҳолатидан юрагим ғашлалиди. Нарсаларимни ҳафсаласиз йигиштира бошладим. Ўттан воқеаларни кўз олдимга келтирдим. Бунга энг аввало акам сабабчи эди. Нега кўпинча катталар укалар қалбидаги кечинмаларни сезмайдилар. Баъзан яхшилик деб ўйлаб ўта шафқатсизлик килишади?!

Бир йилча олдин билим юрти орқасидаги кўчада Орзи кампирникида ижарада турадир. Бу ерга бирдан акам келди. Ўзининг талабаликда тортган машакқатлари ёддан кўтарилиганми, туриш-турмушимиз ёкмабди. Афтини бужмайтирди. Кечкурун шаҳар четида жойлашган ўрмончилик хўжалигининг қалин боғлари ёнидаги ҳовлига – шу ерга бошлади. Ҳамдам ака ҳарбий хизматда, сўнгра институтгда акам билан ўқиган экан. Шу кунги меҳмондорчилик алламаҳалгача давом этди. Улар ўтган воқеаларни эслашар, хотираларга берилиб қизик жойига келганда ҳовлини бошига кўтаришиб қаттиқ кулишарди. Шундай пайтда мен уларнинг эсидан чиқиб кетаман. Бу орада қистов билан биринкита ашула айтдим.

– Абдусамад, уканнинг хониши зўр-ку, – деди Ҳамдам ака. – Келажакда дурустгина хонанда чиқадиган кўриннаси.

– Чиқсин-да энди, қачонгача марказдаги ҳофизларнинг оғзига қараб кунимиз ўтади, – деди акам кайф аралаш. – Эсингдами, ўзим ҳам бир қўшиқ айтишга тушиб кетсан, хонамиз деразасини қизлар босиб кетарди. Лекин мендан ҳофиз чиқмади. Балки, унда Сайёрага уйланган бўлармидим. Ҳозир шу ерда яшайди. Фарзанди йўқмиш...

Акам чукур хўрсиниб жим қолди. Ҳамдам ака елкасига турди.

– Билмай юрган эканмиз, юрагингдан урган экан-ку?!

– Аммо, – акам бирдан ҳушёр торти, – э, қўй, Ҳамдам. Энди бундай гап-сўзлар бизларга ярашмайди. Болаларимиз катта бўлиб қолди.

Ҳамдам ака алламаҳал бўлиб колгани учун хотинини чақиришга истихола қилдими, иссиқ чой олиб келгани ўзи қўзғалди. Биз анчагача жим қолдик. Бир вақт акам бошини кўтарди.

– Гап шу, бундан кейин Ҳамдам акангницида тураверасан. Бүш ётган уйлари күп. Гаглашдим. Уканғдан уйимни аярмидим, деди. Маъқулми?

– Билмасам.

Нима дейишимни билмай жим қолдим.

Шу тун ҳовли ўртасига қўйилган сўрида ётиб қолдик. Муз-дек салқин ҳаводан симириб нафас олар эканман осмондаги еуж-ғон ўйнаётган юлдузларга тикилиб уйқум қочиб кетди. Ҳар замонда дараҳтдан олмалар ерга тап-тап этиб тушарди.

Сўнгиз сўроклардан бошим ғовлаб ухлаб қолибман. Эртаси куни ҳамхонам иккимиз кўрпа-тўшак, лаш-лушларимизни кўта-риб кўчиб келдик. Матёқуб педагогика институтида ўқиди. Кўпинча дарсдан чикиб дархол ҳовлига қайтаман. Матёқуб кел-тунча дараҳт соясида рубобни тингирлатиб машқ қиласман. Сўнгра иккимиз китобни қўлтиклаб Қашқадарёниңг сўлим қирғонига йўл оламиз.

Олдинига ҳовлида Гулсара бор-йўклигини сезмай юрадик. У негадир бизлардан ўзини олиб кочарди. Бунинг устига ҳовлининг ўртасида эски девор бўлиб, уй эгалари билан бизни ажратиб туради. Ўртасида кичик эшикча. Бир куни дараҳт соясида янги ўрганганд қўшикни машқ қиласдим. Берилиб кетибман. Гулсаранинг дараҳт соясида омонат ўтириб қўшикни тинглаётганини сезмабман.

– Яхши айтар экансиз, – деди бир вақт жилмайиб. – Яна эшитайлик.

– Шунчаки машқ. Энди ўрганяпман.

– Бир қўшиқ бор, айта оласизми?

– Қандай қўшиқ?

– «Ўртар»ни.

– Нимага керак.

– Керак, – сўнг қўшиб қўйди, – «Ўтган кунлар» киносини кўрганман. Шу қўшиқ негадир қулогим остидан кетмай қолди.

У барибир қизариб кетди. Ўнгайсиз, жимлик чўкди.

– Рубобда яхши чиқмайди, – дедим оғир сукунатни бузиб. – Танбур бошқа гап. Ашулачининг дардчил овозига танбур оҳанглари мос келади.

Гулсара индамади. Шундай бўлса-да, қўлимдан келганча ҷалғим келди. Юрагимнинг қаериандир бир жўшқин хис оти-либ чикиб, ашулани айтиб юбордим. Кейин ўйласам, олдида балоғат ёшидаги қиз ўтирганда, ҳар қандай йигитнинг ҳам ички туйғулари, ғурури жунбушга келаркан.

Агар ошниклігім айтсам, күйіб жону жағон ўртар,
Бу ишқ қаррии баён этсам токи ул хонумон ўртар.
Кишига ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён,
Бўлиб бесабру бетоқат, юрак бағри чунон ўртар.

Ора-сира Гулсараға кўз ташлаб кўяман. У иялга икки қўзини
тираганича ерга тикилгаш. Хаёлидан шималар кечаяпти? Кўшик-
нинг сехри оҳанглари, унинг мусаффо қалбида ғалаён кўтараёт-
гандир. Ҳали севгига, бир кучга ташна юраги ором олаётгандир.

Кўшиқ иккимизнинг назаримизда тез тугаб қолгацек бўлди.

– Раҳмат, – деди Гулсара юлари яшиаб. – Айтмоқчи, томо-
ғингиз қакраган. Муздек чой бор.

У уйнига кирди. Дам ўтмай қўлида чойшак, пиёла билан қайт-
ди. Ёнинг кўйиб стулга чўқди. Биз анчагача сухбатлашиб ўтири-
дик. Дарсани Матёкуб қайти-ю, ширин сухбаг бузиди.

– Сизга ҳавасим келди. Доимо кизлар ённингизда парвона, –
деди у кулиб. – Биз бечораларга ҳатто юзини сенкил босганиям
қарамайди. Бахтига қарши курсимиздагиларининг деярли ҳаммаси
ўғил болалар.

– Мўйлов қўйни, – дедим ҳазнилашиб, – жуда ярашади.
Томошани кейин кўрамиг.

У ўзини шоп мўйлов билан тасаввур қилиди шекили, хоҳо-
лаб кулиб юборди. Мен ҳам қўшилдим. Бир оздан сўнг дарё
соҳилини жўладик.

Эртаси куни ҳам шу ҳолат тақрорланди. Мен манқ қилаёт-
ганди Гулсара кечапти жойга келиб ўтириди.

– Яна «Ўртар»ми? – дедим ҳазин аралаш.

– Бўйти, – деди у хиёл жијмайиб.

Оҳанглар кенинг оша яна парвозда бошлиди. Мен бу гал,
ниҳоятда берилб, юракдан куйлаётганимни хис қилидим. Кўзим-
дан ёш чиқиб кетди. Гулсара кўшикдан сўнг анчагача кўзғалма-
ди. Бир неча кун устма-уст бу воеа тақрорланди. Ўрганиб кол-
дим, Гулсара келини билан «Ўртар»ни бошлайман. Аммо, кей-
инчалик шунинг бишдимки, олдингицек берилб айттолмайтганди.
Назаримда, Гулсара ҳам бериллиб тингламасди. Бир нарсани ҳацеб
тақрорлайверсанг ғашга тегади. Баъзан номдор ҳофизларининг ҳам
халқ назаридан четда қолинининг сабаби шу бўлса керак? Оҳин-
ри бир куни Матёкуб шундай деб колди:

– Гулсара акли қиз. Ўйланмасапгиз кейин нушаймон қила-
сиз. Ўлай агар, унинг сизга кўнгли бор.

Нима дейишимни билмадим. Баъзан ўзимни тушунга олмай
қоламан. Уни ўйлаганимда юрагимда хис-хаяжон кўзғалмади.
Хоҳласам бемалол, юз-кўзларини, коматини томошна кила ола-

ман. Лекин, у билан сұхбатлаша бошласақ, гап ўз-ўзидан қуи-либ келаверади. Сұхбатта нүноклик килиб қолсам рубобни баҳона қиласаң.

Буни охири Матёкубга айтдым. У жиddий ўйлаб, кейин фикр билдири.

– Севолмасиз. Аммо, Гулсара сизни яхши күради. Дуруст-роқ қаранг, күзлари айтиб турибди. Сизни күрганда юзлари ёниб, галини йүқотиб құяди...

Деразадан ташқарига қарадим. Ҳеч ким йўқ. Гулсара нима қилаётган экан? Кетишимни эшлиб ўзгариб кетди. Демак, ростдан севади. Балки, олдин шундай бўлишини истамагандир? Юракка севма деб буйруқ бериб бўладими?

Менинг қўлимдан нима келади? Мажбур қилиб севолмай-ман-ку! Бунинг устига у қиз бола, дардини айттолмайди. Бир кун бориб, бепарволитим, оқибатсизлигим учун мендан нафратланиб, лъяннатлаб ўтмасмикин?

Йўқ. Тўгрисини айтиш керак. Балки, шунчаки ўткинчи хистайгулардир. Узок вакт кўришмасак унугилиб кетади.

Нарсаларни тайёрлаб қўйдим. Қизик, батамом кетаётганга ўхшайман. Қайтиб келаман-ку! Келиб яна бир ой туришим, диплом олишим керак. Унгача нима воқеалар бўлади? Айтмоқчи, Матёкубга хат қолдиришим керак. У бир ҳафтага жавоб олиб, уйига кетганди.

Ўтириб хат ёздим. Албатта боришини тайинладим. Қоғозни стол устида қолдириб, чамадон билан ташқарига йўл олдим. Худди шу вакт менинг чиқишимни пойлаб тургандек ичкари уйдан Гулсара чиқиб қолди.

– Хайр-матъурни насия қиласиз, шекилли, – деди ўзини зўрлаб бўлса-да, озгина шўхлик билан. – Индамай кетяпсиз, бўлдими, энди?

– Ҳозир аяга учрашмоқчи эдим. Икки ой кўз очиб юмгунча ўтади.

Охирги гапни Гулсарага атайлаб айтдиму, ўзимни ўзим сўқдим. Ундан кейин нима ўзгаради? Ёки тумандан бошка одам бўлиб кайтаманми? Гулсаранинг гапи хушимга келтирди.

– Яхши боринг. Дарвоке, тунов куни бир китоб олиб келгандим, менга жуда ёқди. Зериксанғиз ўқирсиз.

У шундай деб каттагина китобни қўлимга тутқазди. Раҳмат айтдиму, хайрлашиб кўчага чиқдим. Анча юргандан сўнг ортимга қарадим. Кўк эшик ёпиқ эди. Бекат томон жадал юриб кетдим. Баҳтимга шоҳбекатда туманимизга борадиган автобус энди жўнамоқчи бўлиб турган экан. Билет олиб ўриндиққа жойлашдим.

Бир оздан сүнг автобус икки томонига дараҳтлар экилгән кенг асфальт йўлда елиб борарди. Ёнимда яхшитина кийинган киз. Юзига разм солиб ўтиридим. Гулсара берган китобни ўқишига тушдим. Очик деразадан кираётган шамол автобус ичини анча салкинлатган. Күёш пешиндан оғиби. Энди иссиғи қайтмоқда. Йўл четидағи пахтазорда ғўзани сугораёттан сувчилар кўзга ташланди. Баъзан жўяклардан оқаётган сувда күёш «югуриб» қолади.

Китобни ёлиб атрофни томоша қила бошладим. Ҳамроҳимга ўғринча назар таштайман. У йигирма икки-йигирма уч ёшлар чамасида эди. Мендан анча катта. Қарға гулли атлас кўйлаги жуда ярашган. У ҳам йўлга ёлғиз ўзи чиқкан, шекилли. Автобусда йўловчилар бир-бирлари билан қаттиқ овозда гаплашиб бораётган бўлса-да, у китобга мук тушган. Муқоваси четига қараб танидим. Бальзакнинг «Горио ота»сини ўқимокда. Сезиб қолишидан чўчиб нигоҳимни олдим. Ҳаёлим бошқа томонга чалғиб кетди...

Мен бу йўлдан жуда кўп қатнаганман. Баъзан дилгир, баъзан қувноқ дўстлар билан автобусда чакчаклашиб ўтганимиз. Қишлоғимиз туман марказидан анча олисда, тоғлар этагида. Кўпинча акамникидан қайтаман. Қишлоққа бориш, тоғ йўллари бўлгани учун, ярим кунни олади. Йўловчи машина ҳам бўлмайди. Шундай бўлса-да, қишлоғимизни яхши кўраман. Болалигимнинг энг баҳтиёр дамлари шу ерда – сойликлар, даралар, арчазорлар орасида ўтди. Барча эркалигим, шодликларим, болалик ҳасратларим, орзуларим шу сойлар бағрида қолған. Булок, ирмок сувлари билан оқиб кетган. Катта кир устида уйимиз жойлашган, у ердан ҳаммаёқ кўриниб турди. Кейин Аҳмад пучукники, пастрокда ок уйли мактаб, сўнгра Набиларники. Ҳаммамиз балофатта етгунча, буғдой бошогидаги доналардек олдинма-кетин эдик. Қувончу ташвишларимиз бор эди. Кейин бу доналарни тақдир ҳар ёкка сочиб юборди.

– Азиз Тераклисой! Менинг мусиқага бўлган илк қизиқишим сенинг бағрингда уйғонган. Ҳозир усгозим деб эслайдиган Шерали ака бунга сабабчи эди. Ўшандা бешинчи ёки олтинчи синфда ўқирдим. Бир куни мактабимизга янги ўқитувчи келди. Унинг мусиқадан дарс ўтиши болаларда қизиқиш уйғотди. Бизда бу фандан ўқигувчи йўқлиги учун кўпинча директоримиз ёки адабиёт муаллими Собир ака номига дарс ўтарди. Янги муаллим Шерали ака эди. Унинг қаерданлиги, нима сабаб билан шундай чеккада жойлашган мактабга ишга келганилиги биз ўкувчиларни қизиқтирасди. У киши келиши билан мактабда жонланиш бўлди. Мусика асбоблари пайдо бўлди. Шерали ака ихлосманд ўкувчи-

лардан ёнига түгел мусыка асбоблари билан муомала килинши, ашупа айтишпи ўргата бошлиди. Бир йилга бормай мактабимизда дурустгина аңсабель ташкил этилди. Мен рубоб чалар ва қўшик айтардим.

Шерали ака бизларининг уйга яқин бўлган эски мактабининг бир хонасида турарди. Дарсдан кейин шу ерга югурадим. У киши менин кўярда-кўймай дастурхон ёзиғлик стол ёнига ўтказар, баъзан шаҳарга борганида олиб келашибган колбаса, яша аллақандай овқатларни кўярди. Емагунимча тиичимасди. Кейинчалик ойимдан сўраб мен ҳам ҳар куни муаллимга иссик нон, сут, катик олиб келашибган бўлдим. Қисқаси кишлонгимиз унга ёкиб қолганди. Биз у кишини яхши кўриб қолгандик.

Овқатланиб бўлгач, у киши рубобини қўлга олиб олдин роса ўйнатиб чаларди, ўзиям кўп куй-кўшикларни биларди. Чалмаган мусыка асбоби йўқ эди. Ҳаммасидан ҳам, айниқса, наийни берилаб чаларди. Сўнг хуморидан чикарди шекишли, менга ўргатарди. Шундай пайтда эшик, деразани болалар босиб кетарди. Улар Шерали аканинг ёқимли овозини, ўйноқи, баъзан дардли куйларини жим туриб тинглашарди.

– Тоғларни айланниб келамизми, – деб қолди, бир кун муаллим.

– Яқин кўринигани билан анча йўл, – дедим. – Дам олини куни бора қоламиз. Дацамининг отини миниб чиқаман.

Муаллим рози бўлдилар. Якшаба эрталаб тоғ орасига жўналилар. Синифдошим Наби ҳам бизга ҳамроҳ бўлди. Тушга яқин цараҳтлар ва ўтлар калини ўсган, шаркираб сув оқиб турган дарёлардан бирига етиб бордик. У киши бундай жойларга кам келган шекишли, табнатининг шу қадар гўзал, осудалигидан хайратга тушарди. Ўтлар ўсган ялангликка жой қилиб дам олишини бошлидик.

– Муаллим, уйингиз узоқдами? – сўрашим соддадиллик билан.

– Ҳа, жуда йирокда, – деди у маъюслик билан. – Қуёш ботган томонга қараб автобусда, машинада кетаверасан, кетаверасан. Эрталаб йўлга тушсанг кечқурун етиб борасан.

– Қишлоғингизни соғинмайсизми? – дедим муаллимни тинч кўймай.

– Соғинаман, аммо, йўл узоқлиги учун кам бораман, – деди чехраси очилиб, кўзлари чакнаб. – Бу яқин ўртада боролмасам керак. – Кейин ўзига ўзи сўзлагандек давом этди. – Қишлоғимиз жуда катта, болалар ҳам кўп. Эҳ, қанийди, инсон ўсиб үлғайгандага ҳам болалигингдай қашби соф, мусаффо бўлиб қолса... Лекин сен үлғайсанг, албатта қўшиқчи бўлишинг керак.

– Най чашыб беринг, – дедим у киши сукутта кетгана.

Муаллим най чалишга түшди. Ўзиям шундай оғир, мунгли күйин бошлациларки, ҳатто назаримда жилға ҳам оқишидан, да-рахтлар тебранишдан тұхтаб қолғандек туояды. Қалбіда дарди борлығини, бежизға бу жойларға келмагашынни орадан күп йишилар ўтгандан кейингина хис қылдым. Аммо, үшанды болалик тушунчам билан буни ағламасдым.

Шераш ака мактабда бир йылча ишлади, холос. Ҳамма хайроп эди. Лекин, менга кетишдан бир күн олдин шундай деди:

– Күшикчи бўл. Катта шаҳарларга бориб ўқи. Бир куни эсинита туписам излаб топарсан.

Манзилни ёзиб узагдилар. Дафтари мінг катта қишиб кўчпирб сандикқа солиб қўйдим. Кейинчалик унн ўйқотиб қўйдим...

Хаёл билан бўлиб автобусининг тебранишидан кўзимдаги китоб пастта тушиб кегди. Ҳамроҳим мендан олдин этилиб олаётган эди. Вараклар орасидан бир расм чиқиб қолди.

– Кўрсам майлими? – деди киз менга қараб.

– Майли.

У расмини қўлга олиб эътибор билан қарай бошлади. Кўзим тушиб ҳайратда қолдим. Бу Гулсара эди. Майин жилмайиб турибди. Қурнур, расмга яхши тушар экан.

– Чиройли экан, – деди қиз.

– Ҳа-да. Бўлмаса олиб қолармишдим.

– Каерда ўқниди?

Айтдим. Киз расмини қайтариб берди. Орқасига кўз юргутирдим: «Эсингиздан чиқиб кетмаслигим учун!» Ҷемак у китобни бекорга бермаган. «Вой айёр-ей». Бундан кейин нима бўлишини кўз олдимга келтира олмасдим.

Расм баҳона қиз билан ташишим. Исми Саодат, педагогика институтида ўқиркан. Ҳадемай манзилга етиб қолдим. У билан хайрлашиб бекатта етмай тушиб қолдим.

* * *

Тушликни қилиб келиб, япа ўқишини давом эттирудим. Бир пайт ўқишига бернилиб кетибман, котиба хонанини эсингини шарқлатиб очиб чиийлиди:

– Саломов, сизни катта чақирияпти, тез бўлинг!

Соатимга қарадим. Айтилган муддат бўлганди. Шошилмай мақолани олдим-да, секин мухаррирининг хонасига кирдим. Жобир ака, ҳаминагидай ўз ўршида, кўзойнагини буринига кўндириганича столининг устида уюлиб ётган қоғозларга кўз юргуриарди.

– Мумкиними? – дедим.

– Келинг, Одилжон, ўтиринг, – деди миннеллагапча. – Хўш, тайёрми?

– Ха, Жобир ака, тўртинчи бетга сурат билан берса саҳифани тўлдиради.

Жобир ака мақолани олиб, шошилмай хижжалаб ўқий бошлиди. Баъзи жойларига қалам теккизди. Бу унинг одатий касали. Ҳеч қачон бирорвонинг мақоласига қалам теккимаса туролмайди. Биз кейин навбатчига айтиб унинг «тахрир» қилган жойларини тузаттириб кўямиз. Нихоят, у ўқиб чикди.

– Бўлмайди, бадиийлаштириб юборибсиз. Тилини ҳам гажакдор килиш нима керак эди, ўзи?!

– Энди, бу нарса санъаткор ҳақида, бунинг устига юбилей мақоласи, шунинг учун бадиийликни кўтаради, менимча.

– Ха, шунака дейсиз-да, аммо, бизнинг газета – бу сиёсий нашр, тушундингизми?! Унга ҳар қандай олди-қочди кетмайди. Майли, ўртоқ Ашуроннинг ўзлари айтганлари учун, анави ҳофизингизнинг юбилейига мақола уюштиришни айтгандим. Юбилейи яқинлиги учун бунингизни бердирараман, аммо, бундан кейин мақола сўрасам новелла эмас мақола ёзиб келинг, бўлтими?

– Бўлти, – дедим, барибир мақола ўтганидан хурсанд бўлиб ўрнимдан турарканман.

– Манг, буни масъул котибга беринг тўртинчига бериб юборсин, анави масалчининг нарсаларини колдирисин, кейинги номерга берармиз.

Мен мақоламни олдим-да, масъул котиб Собир аканинг хонасига кирдим. Мухаррирнинг топширигини айтдим.

– Э, Одил, шу ишинг бўлмапти-да, мен домлага шу сонда масалларингизни чиқаряпмиз деб айтиб қўйгандим-ку... Шунингни озроқ қисқартириб беролмайсанми-а?

– Ҳеч иложи йўқ-да, Собир ака, юбилейга тузукрок килиб бериш керак-да, ахир.

– Ха юбилейми, майли, бир гап бўлар... Кўйиб кетавер-чи... Жа ёмон бўлса домлага икки кун кўринмай юармиз.

– Кейин, Собир ака, яна бир илтимос, Жобир ака тахрир қилган жойларини аслида колдириб берсангиз.

– Ха, шунака дегин, бунинг баҳоси қанча бўлишини билансан-а? – деди Собир ака ғиласай кўзларини қувлик билан сузганча.

Собир ака бунаقا ишлар учун ўзи ичадиган «сухой»дан унди-парди.

– Ха, биламан, розиман, эртага тушлиқда, – дедим мен ҳам унинг илмокли гапига жавобан.

Хонамга кирдим-да, Олимжон аканинг ёзувларини қолган жойидан яна ўқий бошладим.

* * *

Шу кеча анчагача уйкум келмади. Ўзимни мажбур қилиб ухламокчи бўламану, туткич бермас хаёллар яна олисларга бошлаб кетади. Кўз ўнгимда ширин хотиралар жонланади. Ҳеч адопи йўқ. Барибир эрталаб күёшдан олдин уйғондим.

Акам уйга тунда алламаҳалда келганига қарамай тонг билан туриб қаёkkадир кетди. Дуруст гаплаша олмадим. «Вакт топиб, қишлоққа бориб, бобойлардан хабар олиб келсанг бўларди», деди. Ўзим ҳам азиз Тераклисой сари учгим келарди. Аммо, туман маданият уйига учрашиб, жойлашиб олиш керак. Икки-уч кун кечикиб, гап-сўз бўлишга тоқатим йўқ эди. Яхшиси келгуси хафта охирида кетаман.

Япгам Фурқатни боғчага олиб кетди. Нонушта қилиб маданият уйига жўнадим. Эрталабданоқ кўчалар одамга тўлган. Ҳамма ўз ишига, ташвишига шошилади. Бир-бирлари билан кисқа-киска саломлашиб, олдинга интилади. Боечидаги ошхонадан овқатнинг хушбўй ҳиди димокқа урилмоқда. Қуёш оҳиста ётоғидан бош кўтарди. Борлик нурга тўлди. Даражтлар шоҳида кушлар нағма бошлади.

Маданият бўлимни мудирининг хонасига кирдим. Мудира опа жиккакина, бошига дўппи кийиб олган киши билан ниманицир қизгин мухокама қитарди. Афтидан иш режаси тўғрисида бўлса керак. Менга бир ўгирилиб қаради ва қўли билан стулни кўрсатиб «Ўтилинг» ишорасини килгач, гапида давом этди. Уларга эътибор бермаслик учун хонани кўздан кечирдим. Ҳашамдор эмас. Деворга икки-уч портрет осилган. Кун ботиш томонда иккита катта дераза очиқ. Енгил шабада кириб, пардани ўйнайди. Ниҳоят улар бир қарорга келишди, шекилли, менга эътибор қилишди.

– Хўш, хизмат? – деди мудира опа менга юзланиб. У ўттиз бен-кирқ ёшлардаги қорамагиз, барваста аёл эди. Лабининг четроғидаги холининг устидан икки-уч тук чиккан.

– Практикага юборишли, – йўлланмани узатдим.

– Ҳа, ўзимизнинг машшоқларданмисан. – Чеҳраси ёришли, – айтдим кўзимга иссик кўринисан деб. Танишиб олинглар, бу киши Акбар ака, сенга нима қилиш кераклигини айтади. Залга чиқинилар, болалар йигилиб бўлгандир.

– Опа, бояги гап нима бўлди, – деди Акбар ака бетоқатлик билан. – Ваъда бериб қўювдик-да. – Унинг гап оҳангига хушомад, ялтоқланиш сезиларди.

– Ҳозир иш қайнаган пайт. Тўйга рухсат йўқ, – опа чўрт кесди.

– Кагта әмас, – зорланди Акбар ака, – кечқурун, бирор биліб, билмай қолади. Ҳошим ака хурсанд қиласан деганди.

– Боринг, кейинрек галашамыз, – мудира опанинг бүтіругомуз бу тапи дағылар өткізу. Акбар ака иргіб туриб әшикка йүл олди. Индамай әргашдим. Опадан ҳайыншын, берухсат бирор иш қылмасынды, күп ишларини хушомад билеп битириншни англағандек бўлдим. Афтидан Акбар ака тўйда хизмат қилишга келишиб, олдиндан хизмат ҳақи олиб қўйгану эпди шуин ўйлаб типирчилаеттап эди. «Бирорга муте, мустақил иш қилишга журъатсиз одамлар қаердан пайдо бўлади?»

Залга кирганимизда икки йигит рубоб тинчиликлатиб турарди. Буш стулда доира. Улар менга «Бу ким бўлди?» дегандек ёвқараш қилишди. Саломлашыдик.

– Ансамблимининг яккахон ашулачилари Бурхонжон ва Латифжон. – Акбар ака ўз навбатида уларни менга ташниширди. – Бу йигит эса, – мени кўрсатди, – талаба. Бизга практикага келибди. Иш ўргатишимииз керак.

– Ашулаям айтасизми, ёки... – Бурхон – узун бўйли, озғини, соchlари тор нешанасигача тушиб турган йигит менисимай сўрока тутди.

– Мунча шошмасанг, – деди Латифжон деган йигит кулиб, – олдин танишиб олайлик. Сенга қолса олдин анкета тўлдириб, кейин шунга қараб муомала қиласан.

– Хечқиси йўқ, – Акбар ака тапга арапашади. – Ҳадемай, бу йигит хам ўзимизники бўлиб қолади. Айтмоқчи, қизлар қани?

– Ҳалима билан Санобар шу ерда, – деди Бурхон. – Саодат касал эмиш, Насиба келмайди.

– Бу қизлар хар куни бир қилинг чиқаради. Шу ахволда қачон концертга чиқамиз?

Акбар аканинг аччиғи чиқди.

– Юринг, нима иш қилишинизни тушунтираман. Унгача қолганлар хам келишади.

У менга юзланы. Изидан әргашдим. Заңдан чиқиб клуб ёнидаги Акбар аканинг хонасига кирдик. Деворга хар хил мусиқа асбоблари тартгисиз осилган. Баъзиларининг тори узилган, териси чўқкан, бужмайган, бузук. Акбар ака кўп тапи майман деган бўлса ҳам, роса ярим соат эзмаланди. Ваъз қилишиндан шу нарса маълум бўлдики, бу ерда қиласиган ишим хар куни тўртбеш соат хаваскор йигит-қизлар билан машқ қилишу жамоа хўжаликларига чиқиб, концерг қўйиш.

– Бурхондан эҳтиёт бўлган яхши, – деди овозини пасайтириб, – Ойсара опанинг жигари, ўзиям иккни-учта штатиншг мао-

шини олади. Ошага очик айтиш нокулай. Янги одамсан, огохлантириб қўйганим маъкул. Ҳар кимга оғзингиздан гуллаб юрма.

Бурхондан нега эҳтиёт бўлиш кераклигини барнир тушунмадим. Галини тугатиб, яна зачга қайтди. Энди ўн беш-йиғирма чоғли йигит-қиз тўпланибди. Машаният уйн директори ҳам Акбар аканинг ўзи экан. Учинг кўрсатмаси билан ҳамма жойини эгаллаши. Акбар ака ихтисосим қайси мусиқа асбобидан шигитни сўраб олгач, ўзининг рубобини келтириб берди. Мусикачиларга кўшилдим. Машқин бошлидик. Даастур асосида ракс, қўшиқиар ижро этилди. Акбар ака уста режиссёр ҳам экан. Тез-тез тўхтатиб хатомизни тўғрилаб борарди. Латифжон айникса, ашуланни яхши айтгар экан. Овози тиник. Фақат авжига келганда озгина қийналди. Репетиция билан вактнинг ўтганини ҳам сезмабман. Бир пайт Акбар ака баланд овоз билан эълон килиди.

— Энди талабаларни ашула эшитамиш, — кейин менга ўғиривди. — Ўзинин камтарликка солма. Вилоятда бўлган сағъат байрамида қатнашиб, кўпчиликиниң эсида қолгансан. Буни яхши бизнамиз.

Бу гапдан ҳанг-манн бўлиб қолдим. Акбар ака кулимсираб турарди. Демак, менин танийди, ҳаммасидан хабардор. Заҳдаги йигит-қизларининг ҳам диккати менда. Бурхон ашрайиб қолганини. Латифжон «Бошлани», дегандек бош силкиди. Шу далда бўздиши, қўлга рубобни олиб олдинга чиқди. Фазлиддин деган доирачи йигит ёшимга келди. Юрагимда озгина ҳаяжон. Ашулати бу ердагичарга маъкул бўларми кан? Лекин курур устун чиқди. Ўзинни босиб олдим. Нохунин маҳкам ушлаб, ўзим севган «Ёшиник сафоси» кўшигипни бошладим. Доира оҳангита мос ўйнай кетди. Рубоб бўзлар экан, кўз олдими хира туманик қоплачи. Аста-секини у таркалиб, қалбда сокин туйи кўзговчи маизара хосил бўлди. Ҳамма ёқин, кенг кир-ацирларини, сойларини турфа гуллар коплаган. Уларининг қирмизи косачаларини шудрини томчилари. Энди чиқаёттани күёш нури унда жилоланади. Гулнинг буогои силкинади. Томчиларни тўқишинига озгина қолган. Лекин, тўқишимайди. Япрокнинг четидан қайтади. Назаримда гулни енгил шабаша эмас, куйнинг оҳанглари тебратмокда. Бутун водий гулга, куйга тўлган. Оҳанг куш бўлиб зангори осмоша парвоз қилир, оқ каптарларга айланниб само бағрига сингиб кетинади. Улар яна наидо бўларди, яна синигиб кетарди. Гуллар тебранаяти, шабниам томчилари силкиниб, япроқ чегидан қайтади.

Севгилисини кутиб, фироқдан азоб чекаёттани ошиқ йигит наидо бўлади. Кўлидаги ашвойи гуллар эзилган. «Бизнинг гулхонимиз шима?» дегандек сўлиб ётибди. У эса ҳеч нарсани кўрмай-

ди, сезмайди, гулларни босиб, эзіб қирға қараб бормокда... Бирданига оқанғлар, оқ каптарлар, водий ҳам, йигит ҳам қаёққадир ғойиб бўлди. Кўз ўнгимда яна Акбар ака, йигит-қизлар пайдо бўлди.

– Зўр, – деди у елкамни қоқиб. – Бало экансан. Ўшандаям сенга қойил қолгандим.

Латифжон, бошка йигит-қизлар Акбар акага қўшилиб мени олкишлаган бўлишди. Ҳаяжондан терлаб, негадир улар орасидан нигоҳим билан Бурхонни изладим. Аммо, у йўқ эди. Томоғим қақраганини сездим.

Тушликка яқин кўчага чиқдик. Акбар ака Бурхон, Латифжонни олиб қолиб ниманидир маслаҳат қилишди. Богнинг ўртасидаги ошхонага борганимда Латифжон изимдан етди.

– Ўзи-ку яхши одам, лекин, шу қилиғи ёқмайди, – деди у сўрамасам ҳам, – кечқурун тўйга борамиз деб тикилинч киляпти.

– Бормайман деб очиқ айтинг.

– Шундайку-я, – деди Латифжон айтами, йўқми деб бир оз иккиланди. Сўнг:

– Рости, Акбар ака устозим бўлади. У киши қобилиятли мусика раҳбари. Қўлимдан етаклаб шу ерга олиб келган. Тўй-ҳашамга ўчрок. Баъзан ноилож бораман. Аммо, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор.

Латифжон ҳак эди. Кўшикчи учун тўй-ҳашамга югуравериш санъатни пулга сотиш дегани. Наҳотки, шуни Ойсара опа, Акбар ака тушунмайди. Балки, бошка сабаби бордир?

Латифжонга нима дейишни билмадим. Шу гаплардан сўнг унинг қалби тоза йигит эканлигини англашим. Унга нисбатан юрагимда илик бир меҳр пайдо бўлди. Овқатланиб бўлгач, у зарур иши борлигини айтиб уйга кетди. Мен кўчага чиқдим. Каерга борсам экан? Уйга оёқ тортмайди. Кун аста-секин қизиб бораётти. Биринчи кун таассуротларим: эрталабки учрашув, Акбар ака насиҳати. Бурхоннинг ёвқарали, Латифжоннинг кўйиниб айтган гаплари ёдимга келади. Маданият уйи ёнбошидаги боғни оралаб кетдим. Ўргадаги фаввора чиройли отилмокда. Хиёбондаги гуллар яшнаб турибди. Боғда одам сийрак. Кўча яқинидаги газ сув, газета дўқонидаги икки хотин иш йўклигидан эснаб ўтирибди. Бир пасда атрофни айланиб чиқдим. Кўнглим нимагадир интизор бўла бошлади. Ташналик билан олдинга интиларди. Фаввора ҳам, гуллар ҳам ташна қалбимга ором бермасди. Шу пайт боғ ўргасидаги радиокарнайдан кўшиқ тарала бошлади. Берилиб тингладим. Бу – кўплар севиб эшитадиган Ботир Зокировнинг «Бир оқшом» кўшиғи эди.

Бир оқшом, бир оқшом ёнимда қол,
Иккимиз сайр этайлик сохибжамол...

Мен күшикнинг узок давом этишини истардим. Лекин у дар-
ров тугаб қолди. Қизик. Яхши күшик доим киска туюлади. Бир
вақт марказий почта биноси олдига келиб қолибман. Оёкларим
бесиhtiёр ичкарига етаклади. Қўшни хонанинг эшигини очдим.
Деворда кўкрак бўйи баландда кичик тешикча бор эди. Унинг
нариёғида қулогига эшигтич тақиб олган қизча зўр бериб «Алло,
алло» деб кичкирарди. У тўсатдан мен томонга қайрилди. Кўзи
кўзимга тушди.

– Зулфия, – деб қичқириб юборибман.

У бирдан ҳайратда қолгандек кўринди. Сўнг қулогидагини
ечиб ўрнидан турди, якин келди.

– Салом, Олим ака.

– Салом, Зулфия. Ахволингиз қандай?

– Ёмон эмас, кунлар ўтиб турибди... – у тўсатдан жим қолди.

Биз бир-биримизга сўзсиз тикилдик. Қалбларда галаён бош-
ланганди. Лекин, анчагача на у, на мен гапиришга журъят қилол-
дик. Бизнинг танишганимизга бир йилча бўлганди. У ансамбль
ҳаваскорлари билан бирга билим юртимизга борганди. Зулфия-
нинг кўнғироқдек жарангдор овози бор экан. У берилиб кўшик
айтганда тингловчи ихтиёrsиз мафтун бўлиб қоларди. Унда биз
билим юртимиз боғида сухбат қуардик. Ёзда шу ерга ўқишга
келди. Саратоннинг қайноқ кунларида у билан кўп учрашдим.
Далда бердим. Лекин, у биринчи имтиҳондан йиқилди. Жавоби
ўқитувчига ёқмаган эмиш. Мен ундан имтиҳон олган ўқитувчи-
ни ҳам танидим. Ўта талабчан киши эди. Зулфиянинг кўзида
ёш билан туманга қайтиб кетишидан, унга ёрдам бера олмага-
нимдан ўзимни қаёққа қўйишимни билмасдим. Бир-биримизга
вазда бермаган бўлсак-да, қалбимида самимий, тиник меҳр аталь-
миш туйғу ётарди. Буни Зулфиянинг порлаб турган кўзларидан
сезардим.

Ўтган йили кузда вилоятда ўтказилган ҳалқ талантлари кўри-
гига учратиб қолдим. Тўлишиб, янам гўзал қиз бўлиби. Аммо,
сухбатлаша олмадик. Туманга хат ёздим, жимжит. «Унуган, ора-
мизда ҳеч нарса йўқ эди-ку». Зулфияни унда бутун вилоят би-
ларди, севиб тинглашарди.

– Качон келдингиз? – Зулфиянинг сўрови ҳушимга келтирди.

– Кеча. Сизни маданият уйида учратарман деб ўйлаган эдим.

– Анча бўлди, қатнамай қўйганман, – у негадир кўзларини
олиб қочди.

– Нимага? Сиз кўшиқ айтишни севардингиз-ку.

– Уйда ҳам айтавераман. – Унинг овози ўзгариб чикди, – ҳаммасидан кўнглим қолди.

– Тошкеитга, кўрикка таклиф қилинганди, бормадини из. Бу баҳт ҳаммага насиб қытавермайди.

– Билмасам...

Мен шу топда унинг елкалари тиграёттанини сезиб қолдим. Зулфия йиғлаётган эди.

– Сизга нима бўлди, Зулфия, – ихтиёрсиз елкасидан ушладим.

– Кўйинг, юнатманг, – деди йиғи араташ. – Сиз ҳали ҳеч нарсанн эшитганингиз йўқ. Менга осон эмаслигини билсангиз эди. Кўшик айтишни севаман. Жуда... Жуда... Хатларнингизни олган эдим. Лекин жавоб қилолмадим... Мен ёлғиз эдим. Тушунасизми, ёлғиз эдим...

У тешикчани ёниб кўйди. Кутилмаган ҳолатдан доңг котиб колгандим. Яхшиям бу ерда иккимиздан бошка ҳеч ким йўқ. Энди пима бўлади? Шу ҳолда қайтиб кетавераманми? Балки, Зулфия чиқар?!

Шу вақт тешик оркасидан Зулфиянинг овози эшитилди.

– Вакти келганд ҳаммасини айтиб бераман. Ҳозир шитимос, менга ҳалакит берманг...

Кўнглим хира, ташқарига чиқдим. Умримда биринчи марта бўлса керак, юрагим сиқила бошлиди. Хиёбонларни, боғларни узок айландим. Лекин, Зулфия кўз олдиндан кетмасди. Унга нима бўлди? Кандай воеа содир бўлган? Балки, майданият уйидагилар, Латифжон, Акбар ака, Бурхон билар?

* * *

Кунлар жуда секин ўтарди. Келганимга бир ҳафта бўлди. Аммо, бир йил ўтганга ўхшайди. Ҳаммасига ўзимни бу ерда ёлғиз хис қилишим, Зулфия билан боғлик воеаларнинг тагига етолмай азоб чекишим сабабчи эди. Латифжона Зулфия ҳакида сўз очгандим, «Ойсара опа, Акбар акалар яхши билади», – деди киска қилиб. Назаримда у тўғрисини айтишга журъат қилолмаётганди. Бурҳонни жиним сўймай қўйтан, гаплашмаймиз. У кейинги кунларда репетицияга ҳам яхши қатнашмайди. Акбар аканинг айтишича, Ойсара опанинг юмушлари билан бандмиш. Зулфия тўғрисида сўрашга Акбар аканинг холи учратадим. Бу орада туман марказидаги клубда, заводда концерт қўйдик.

Юрайим тўлиб кетганидан дардимни кимга айтишини билмасдим. Ёнимда Матёқуб бўлганида бошқа гап эди. Шу сабабли уйга

бориб, аламимни күшикдан олардим. Оҳантлар орасидан күзида ёш билан Зулфия чиқиб келар, ұша гашари қулоғым остида қатық жаралғларди: «Мен ёлғизман! Ёлғизман!»? Нега у ёлғиз? Тапта етиш керак. Зүйнини иккى марта сүроқлаб почтага бордим, иши келмади, – дейиши. Бу эса мени баңтар қийнарди.

Шундай күнларнин: бирнда боғдаги дүкөндөн янги журнал олиб, хиёбон четидеги скамейкага ўтирадим. Энди вараклаёттандым, бирор елкамга күлнин күйди, карасам, Бурхон! Ёкимсиз тиржайиб турибди.

– Бериліб ўқиётгап экаппарат-да? – деди түғрилшитин ҳам, киноялғитин ҳам биінб бўлмайдиган охангда, – кўнишиб қолдинизми?

– Нимага?

– Янги жойга. Аммо, сезиб юрибман, үзиптизни чеккага тортяпсиз. Болаларга кўшилмайсиз. Йоринг уйга борамиз.

– Кўйсангиз-чи, – дедим ундан кутулишин ўйлаб, – уйда нима бор. Боғининг салқин ҳавоси одамнинг баҳри дилини очади. Шу ерда ўтира қоламиз. Тушдан кейин яна репетиция.

– Жонга тегди, – деди Бурхон кўл сунтаб. Афтидан у кетинин хаёлига ҳам келтирмасди. – Хўжаликларга концерт кўйинига чиққанимизда эди, бир-икки кун ўйнаб келардик.

– Томоша кўрсатишга тез-тез чиқиб турамизми?

– Оздинларни яхши эди. Даладан бери келмасдик. Акбар ака ишга келди-ю, ҳаммаси тескари бўлятти. Ойсара онанинг иши йўқ.

– Кейинчӣ?

Бурхон ёнимга ўтириб олди. Унинг ганига қизиқиб давомини суриштиришм. Лекин у айттайми, айттайми деб бир оз иккилапиб тургач, ўрнидан турди.

– У ёғини кейин билаверасиз. Ким санъатни, ким отарни севади. Кетдинк. Айланамиз.

– Каёкка борамиз?

– Истасангиз дарё соҳилига.

Шу дамда ким билан бўлса-да гашаштим, салқин хиёбонларни, дарё кирғонини узоқ айлангим келарди. Бурхонин уччалик ёқтирмасам-да, беихтиёр унга эргашдим. Катта кўчага чиқиб Қашқадарё ёқасига йўл олдик. Бу ер, айниқса, ёз ойлари гавжум бўларди. Кичик бўлса-да, ларахтларни инхоя гда қуюқ боғини мижозлар эгаллайди. Туман маркази – бирор иши билан, бирор ўйнагани келади. Иссиқдан кутулиб, кунни салқин жойда ўтказганга нима етсин? Аммо, бу ерга келмаганимга анча вақт бўлди. Ҳозир ҳам дарё кирғони, боғ шундай сўлим, гавжуммикан?

Бурхон күлтүли, қизик ҳангомалардан гапириб, мендан кўра

күпроқ ўзи куларди. Почта биносига яқинлашдык. Зулфия ўтирадиган дераза қархисига келганимда негадир ҳаяжонлана бошладим. Наҳотки, ҳозир шу ерда менга кўзи тушган бўлса? Журъат қилиб деразага қарадим. Аммо у ердаги икки қиз ўз иши билан овора. Зулфия кўринмасди.

- Жуда қизиг-а, – деди у бир вақт тирсагимдан тутиб.
- Нима қизик?
- Ҳаёлингиз қаёқда? Афанди билан хотини, чўпон латифасини айтдим.
- Э, уми, жуда кулпили, – дедим, эшитмасам ҳам, – яна зўри борми?
- Зўридан кўпи борми... Бир куни Афандини десангиз, подшоҳ ҳузурига чақириб...
- Хаёлим тағин Зулфияга оғиб кетди. Ҳозир у қаерда экан? Уйдамикин? Ёки қачон... учрашиш насиб қилади?
- Анавуни қаранг, яхши нарса. – Бурҳон кифтимга уриб хаёлимни бўлди. Карадим. Тўрт-беш қадам олдинда бир қиз қора сумкасини ўйнатиб кетарди. Бурҳон уни кўли билан кўрсатиб гапини давом эттириди:
- Кўчамизда тураши. Отаси аракхўр. Онаси бузук. Ҳар куни тунда машина билан кимдир олиб кетади. Отаси буни кўриб турса ҳам ҳеч нарса деёлмайди. Кўрқади. Ичиб олиб, хўнг-хўнг йиғлайди. Аммо, қизи келишган-да.
- Бундай гаплар бизга ярашмайди, – дедим Бурҳонни гапдан ҷалғитиш мақсадида, – маданият уйида неча йилдан бери ишлайсиз?
- Уч-тўрт йил бўлиб қолди. Ойсара опа билан яқин қарин дошмиз. Ўзим асли шофёрликни тамомлаганман. Ашула айтиб юрганимни эшитиб ансамблга ўтказиб қўйди. Ҳаммаси жонга тегди.

- Кетмоқчимисиз?
- Қарши чўлига борсамми, дегандим. Айтишларича, шофёрлар кўп пул топишармиш. Бир-икки йилда машина олса бўлади, дейишиди.
- Машинани шунчалик яхши кўрасизми?
- Машинанг бўлса савобига ким етади. Ошна-оғайнинг кўп бўлади. Қолаверса, бирорта жононни миндириб юрсанг бундан ортиқ кайф-сафо борми?

Мен Бурҳоннинг бунчалик тор фикрлашини, пул, мол-дунё деса муккасидан ташлайдиган одамлар тоифасидан эканлигини ҳаёлимга келтирмагандим. У эса ҳамон ниманидир жаварарди. Гапига қулоқ тутдим.

– Оғиз кўпиртириб мактаганлари билан пулнинг ўзи оқиб келармиди? Тўғрими? Кеча-кундуз меҳнат қилиш керак. Мен эса, очик гап, қора меҳнатдан қўркаман. Ҳозир пул топишнинг осон йўлини топдим. Фақат, шерик керак.

– Хўш, нима экан?

У кулди.

– Айтсан шерикликка рози бўласизми? Даромади катта. Бир ёзда анча пул ишласа бўлади.

– Айтинг, балки маъқул тушар?

– Ўша куни машқ пайтида ашулангизни эшилдим. Тиник овозингиз бор экан. Лекин, уни бекорга сарфлаяпсиз. Ҳозир марказда тўй-ҳашам кўпайиб қолди. Бориб турсак куруқ қўймасди. Бу ёғини ўзимга қўйиб беринг.

Үнга нима деб жавоб беришимни билмай қолдим. Бурхоннинг мени боғдан излаб тоғгани, уйига таклиф қилгали ва ниҳоят холи жонимга қўймай, ёнимдан кетмаётганининг сабабини англаб етдим.

– Бундан кўра гадойлик қилган маъқул эмасми? – Бурхоннинг кўзига тик қарадим. – Сиздан бу гапни кутмагандим. Мақсадингизни Акбар акага айтинг. Шерик топиб беради.

– Кулок солинг, – деди Бурхон қўлимдан ушлаб. – Бир умр студент бўлиб юрмайсиз-ку? Уйланасиз, бола-чақа рўзғор ташвиши пайдо бўлади. Уй-жой қурасиз. Шунгаям пул керакми? Керак. Чўнтағингизда чақангиз бўлмаса яқин дўстингиз ҳам бурилиб қарамайди. Китобдаги гапларга учиб ҳаётингизни бехуда ўтказаяпсиз. Тўйда нота-пота, рамкага солиб айтиш шарт эмас. Овозингиз чикса бўлди. Одамлар кайф ичидা «Дод» деяверади.

– Сиз айтган ишни қилолмайман, – овозим дағал чиқди.

– Ҳамроҳ бўлмаслигингизни билувдим. – Бурхон қўлимни қўйиб юборди. – Ўзи-ку бир оғзим куювди. Мен аҳмок қиз болани шу йўлга соламан деб шарманда бўлганман.

– Ким эди у қиз?

– Эҳ, ҳозир вакти эмас, кейин айтаман.

Бирдан хаёлимга лоп этиб Зулфия келди. У бўлмасин тагин. Бурхондан кўл силтаб кетмокчи бўлиб турганимда шу гап мени ушлаб қолди. Сўраб кўрайчи, ростдаи ҳам Зулфия бўлиб чиқар? Бундай абллаҳлик унинг қўлидан келса керак. Лекин, нима деб сўрайман.

– Гапларимга хафа бўлманг, – деди бир вақт Бурхон. – Сизни синаш учун айтдим.

«Оббо, шайтон, панд еганида гапини никобламасин. Қани, бу ёғи нима бўлади».

Гап билан дарё сохилига келиб қолибмиз. Вакт тушликка яқинлапибди. Иссикнинг тафти кўтаришган дарёнинг нарни соҳилида пахта пайкаллари узок-узокларга чўзишиб кетган. Балзан далалар ўртасида баланд бўйли тут дараҳтлари бўй чўзган. Иккита универсал кўм-кўк деп гизда сузаб юргангага ўхшайди. Уларнинг оркасидан чаңг кўтаришади. У ер-бу ерда сувчилар кўриниади. Дарёда сув оз эди. Бу шундай ҳам тушунарли. Ҳозир ҳар томчи сув экиниларни сугоришга олиннаётган эди. Кўм-кўк уфкларга бокар эканман, хаёлимга келган фикрдан ўзим уялиб кетдим. Одамлар шундай иссикда куйиб-лишиб далада юрибди. Биз эса роҳат қилиб чўмишганни, оёқин узатиб дам олгани салқин жой излаб юрибмиз. Уларни куй-қўшинк билан кўнглини кўтариш, далда бўлиш қўлимидан келади-ку! Бунинг устига ҳар куни Акбар акапининг эски, патижа чиқмайдиган гаплари. Кечак маданият уйининг ойлик режасига кўзим тушиганди. Унда кўрсатилишича, шу ой ичидаги деярли ҳар куни пахтакорлар хизматидаги бўлишимиз лозим. Транспорт йўқ. Ёлни автобус ремонтда экан. Ансамблининг ҳалин яхши тайёр эмаслигини баҳона қилиб, марказдан чиқолмаймиз. Орамизда таланитли йигитлар, қизлар кўичилип. Акбар ака, Ойсара опа иссикдан кўркибми, хонасидан чиқмайди. Мен бу ерда гиммани ўрганаман?

Балки фикрларимни Ойсара онага айтсанмикин? Нима деб ўйлади. Келганинг бир ой бўлганинг йўқ, тинч юрсанг бўлмайдими, демасмиш? Йўқ. Олдига кириб буни айтиш керак.

Бурхонга ҳеч нарса демадим. У енгил хуштак чалиб ёнимда бораверди. Биз дарёда чўмилдик. Сув жуда оз эди. У гўёки, озлигига ўзи айбдордек, жилғача ларга ёпишиб, балзан кумлар орасида сингиб оқарди. Баҳорги тошқинлари, пишкириб оқинлари, ишончининг ўшлиги мисол олисда қолиб кетганди. Бурхон ердан том олиб, сувга қараб отарди. Тош или гаригидек сув юзида чиройли сакраб-сакраб кетмасди. «Шўп» этиб жойида қоларди. Доимо салқин бўлашган боғ қўйишида деярли ҳеч ким йўқ, дарёнинг салқини энди бу ерга етиб келолмасди. Чойхонанинг тагидаги ховузчага келиб қуйиладиган, сўнг йўлида давом этадиган шўх арикчаларининг ҳам энди уни учиб қолибди. Чойхонага кирганимизда, чойнак-пиёла, майда-чуйда сакланадиган пештахта устида чойхоначи мудрар, усти ёнилмаган қанд-курсларни ари талярди. У бизнинг шарномаизни сезиб эришибигина кўзини очди. Бурхонни кўриб ўрнидан турди.

— Э, жиян, келинглар, анчадан бери кўринмайсиз? Ўтириннлар, аччик чой дамлаб бераман.

– Салом тога, – деди Бурхон күл бериб кўришаркан. – Яхши юрибсизми? – кейин менга ўғирилди. – Бир жойда яшасак-да, анча вакт бир-биримизни кўрмаймиз. Иш кўп, хизматчилик.

– Биз айтган гап нима бўлди?

– Сизникини бажарамиз, – деди Бурхон пештахтага суюніб, – ўртогимни бошлаб келдим. Битмайдиган иш борми? Аччик чой дамланиг, отамлашамиз.

Чойхоначи калта, семиз кўлини чўзди. Кўришдик. Чойнакларни артиб тозалаб дамлади. Куюқ мажнунтой тагидаги сўрига янги баҳмал кўрпачалар, ёстиклар ташланган. Бир пасда дастурхонда помидор, бодриңг, канд-курс пайдо бўлди.

– Олиб туринглар, – деди чойхоначи. – Мен озгина ош қиласай.

– Биз кўп ўтирумаймиз, – деди Бурхон. – Қайтамиз, гап бор. Утиринг.

Тоғаси жойига чўкка тушди. Лекин тинчимади.

– Жиян, ҳашитидан бор, олиб чиқай.

– Кўйинг. Хозирча кераги йўқ. Қанча бўлса тўйда берасиз. Оддин бу укангиз билан танишинг.

Чойхоначи хўп-хўплаб, ўзини Карим деб танишитирди. Исиммни айтдим. Қолганини Бурхон кўшимча қиласди. Чой ичишига тундик.

– Дунёда яхши одам иккита бўлса, бири шу киши, – деди Бурхон, – бинта бўлса ўзлари. Отамдан ҳам афзал кўраман.

Карим ака бошини ирғаб маъқулади. У кирк-кирк беш ёшилар атрофида, корачидан келган ялпок юзли бақувват одам бўлиб, билаклари семиз эди. «Кўпинча қассоблар шундаи бўлади».

– Менга кўп яхшиликлар қилган. – Бурхон гапда давом этди.

– Айтган билан тамом бўлмайди. Анча бўлди, кичик тўйчамиз бор, ўтказиб бер, деб илтимос қилганди. Яқнида бўлачи, айтаман бирга борасиз.

– Келасиз, – деди Карим ака ҳам. – Ўзларидан қолар гап ўй. Ёлиз ўғил деб йиғиб юрибман. Бор-йўғимни тўқмоқчиман.

– Келамиз – хизмат қиласиз, – деди Бурхон. – Сизни курсанш қиласиз. Энди сувингизни опкелинг.

Карим ака лин этиб ўрнидан туриб чойхонага югорди. Бир пасда кўлида беш юлдузли шиша билан қайғди.

– Ўзиям энг азиз меҳмонимига асраб юрибман, – деди оғзиининг таноби қочиб. – Арманларинки. Бир мазза қиласайлик.

– Очманг, – илтимос қилдим Бурхондан, – хозир репетицияга борамиз. Акбар ака хафа бўлади. Кунам иссинк.

– Э, ўргилдим ўша куруквойдан. – Бурхон кулди. – Оз-оздан ичамиз. Карим акангиз хафа бўлмасин.

Хуллас, мен у дедим, Бурхон бу деди, шишани очди. Бир томондан Карим ака укажонлаб ялиниб ўтирибди. Мен шу пайтгача ўзимнинг кўнглим бўшлигидан азоб тортиб келардим. Бирор каттиқ илтимос қилса, йўқ дея олмайману, кейин жабрини тортаман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Узатилган қадаҳни олиб уриштирдим. Бараварига ичиб юбордик. Оғзим ёниб кетгандек бўлди. Карим ака узатган шириналикдан ғазак қилдим. Оғзимнинг ловуллаши қолди-ю, энди ичим ёна бошлади. Ичкиликни анчадан буён оғзимга олмагандим.

Карама-қарши туйғулар билан олишавериб чарчадим ва иккинчи қадаҳдаёқ хеч нарсани ўйламай қўйдим. Бунинг учун анча вактгача ўзимни кечира олмай юрдим.

* * *

Зулфия билан биринчи учрашувдан кейин сухбатлаша олмадим. Бир гал борганимда почтада йўқ экан. Дугоналари «Навбатга икки кундан кейин келади» дейишдан олдин бир-бирига маъноли кўз уриштириб олипди. Охирги марта борганимда ўзи бор экану иши кўплигини баҳона қилиб чиқмаци. Уни ўйлаган сайин юрагимдаги ўт шунча аланга олар, оқшомлари хиёбонларни узоқ кезар, юлдузлар билан сухбат қуардим. Бир куни кечқурун дарё сохилига тушиб қуёшнинг уфкка кизариб ботиб кетиши, юлдузларнинг чиқшини томоша қилдим. Рубобни кўлга олиб ўзим севган лирик куйлардан чалдим, кўшиқ айтиб дардларимни оҳанглар қатига яшириб боғлар орасига жимир-жимир оқаётган сувга сингдирдим. Даражтларнинг кўм-кўк барглари енгил шабадада менинг севги куйларимга ҳамдардек оҳиста тебранарди. Бирдан оҳанглар орасидан Зулфия яна кўзда ёш билан чиқиб келарди: «Ёлғизман, тезроқ келинг, менга мадад беринг. Нима қилай, айтинг?» – дерди. Баъзан у ёқимли жилмаярди. Қиқир-қиқир куларди. Биз сехрли олам қучоғида ширин сухбат қурамиз...

Клубга яқинлашганимда ичкаридан мусиқа овози ва Латифжоннинг кўшиқ айтиётгани эшитилди. У мумтоз ашуаларни чўзиб, маромига етказиб куйлашни яхши кўтарди. Ҳозир Навоий ғазали билан айтиладиган «Мискин»ни ижро этмоқда. Эшикни очдим. Зал бўш эди. Саҳнада стулларга қатор тизилиб ансамбль мусиқачилари машқ қиласарди. Мен уларга яқинлашганимда оғир баҳмал пардани четга суриб сахна орқасидан Акбар ака чиқиб келди.

– Бурхонни кўрмадингизми? – деди Акбар ака саломимга алик олар экан.

– Йўқ.

– Шу болага ҳеч тушуна олмай қолдим-да. Ишдан ўзини олиб қочяпти. Сўрасам ойлиги оз дейди. Ойсара опасига айтсин, кам бўлса кўшиб беради.

Акбар акага ҳеч нарса демай жойимни эгалладим. Унинг гап оҳангиди Бурхондан кўра Ойсара опадан норозилиги сезилиб турарди. Шу пайт Ойсара опа, унинг изидан яхши кийинган икки киши залга кириб келди.

– Акбар ака, машшоқларингиз тайёрми? – деди опа ёнидаги-ларни алпоҳида мулозамат билан ўтиришга таклиф қиласр экан.

– Бошлайверсак бўлади. Фақат Бурхонни кутяпмиз.

– У ҳозир келади. Мен бир иш билан жўнатгандим. Практикант бола қандай? Ўрганяптими? Лекин Шерқул Бобонорович, менга, яхши тарбиялайсизлар, деб қаттиқ тайнинлаб кетган.

– Дуруст, – деди Акбар ака, опани қанчалик ёқтирмаса-да, одатдаги мулойимлиги билан жилмайиб. – Асосий номерлардан бирини унга берсаммикан деб турибман. Менимча уддалайди.

Бу гапдан тенгдошларим олдида анча хижолат тортдим. Айниқса, опанинг амалдор акамни ўртага кўшиб гапириши, гап оҳангиди хизматдан кўра хушомац оҳангি борлиги ғашимни келтирди.

Хаёлимни Латифжоннинг қулоғимга пичирлаб гапириши бузди.

– Залдаги икки нотаниш кишини танимадилгиз чоғи.

– Йўқ.

– Тошкентдан телевизордан келишибди. Агар концерт номерларимиз ёқиб қолса ёзиб олишармиш.

– Зўр-ку. Қандай яхши. Аммо, ашулаларимиз ёқармикан?

– Ёқади, – деди Латифжон ишонч билан. – Ойсара опа буларни икки купдан бери меҳмон қиласди. Ўлибдими, ҳеч бўлмаса икки-уч номерни олишар.

Аммо, ёдимга яна Зулфия тушди. Аттанг, у бўлгандада бирга борармидик.

Бу орада Бурхон ҳам келди. У тез юрганиданми терга пишиб кетибди. Акбар ака кўл ишораси билан унга жойини кўрсатди. Бурхон доирани олиб мусиқачилар сафига кўшилди.

– Бошладик, – деди Акбар ака тантанавор оҳангда.

Шундай деб ўзи саҳнадан пастга тушди. Концерт бошланди. Кенг зал бўйлаб конферансъе киз – бадиий гилам тўкиш фабрикаси тикувчиси Шоиранинг кўнғироқдек овози жаранглади.

– «Баҳор вальси». Ижро этади ансамблъ.

Созандалар ҳаракатга келди. Хор жўрликда кўшиқ юқори пардаларга кўтарила бошлади. Ҳамма берилиб куйлар, мусиқа

оҳангларида кўшиқка мос ҳолда юкори пардаларга кўтаришлади. Унинг изидан яна бир неча кўшиқ ижро этилди. Кейин яккахон кўшикчиларга нафбат етди.

Концерт охирлаганда яна Шонранинг овози янгради.

– Энди нафбат ансамблиизинг ёш, умидли хонандаси Олимжон Ҳакимовга.

Мен яна ҳаяжонлана бошладим. Ойсара она, меҳмонлар, диккат билан кузатиб туришар, ҳар бир харакатимиз, ўзимизни тутишимиз улар назаридан четда қолмасди.

Доирани ўйнатиб Бурхон ёнимга келди. Ич-ичимдан ёмои кўрсам-да, индамадим. Ҳаёлим айтиладиган ашулада эди. Мен ўзим севган кўшиғим – «Ёшлик садоси»ни бошладим. Яна кўз ўнгимда тумашиб пайдо бўлди. Аммо у дарров тарқалиб оҳанглар яна қушлардек парвозда қила бошлади. Улар шунчалик кўп ва ранг-барангки, бутун оламни факат оҳанглар эгалаган. Иккинчи кўшиқ – «Юртим баҳори»ни апча шўх оҳангда куйладим. Учигчи кўшиқни тутатиб жойимга қайтдим. Концерт давом этди. Назаримда тайёргарлигини яхши эди. Факат қизлар жўрлигига айтилаётган яшса ярмига боргандга бузилганлигини ҳисобга олмаганда ҳаммаси маромида ижро этилди.

Концертдан сўнг қизини муҳокама бўлди. Меҳмонлар ютуқларимиз билан бирга камчиликларни айтишиб. Қизикқашлар машқ қилиш учун саҳнада қолди. Биз эса Бурхон, Акбар ака учаламиз унинг хонасига кирдик.

Акбар ака Бурхондан гина қила кетди. У ҳам қараб турмади.

– Илгариги раҳбаримиз яхши эди, – деди Бурхон қизиниб, – у борлигига вилоят кўригида биринчи ўриши олгаи эдик. Ҳатто Тошкентга йўлланма беришувди. У кетди-ю, ҳаммаси тескари бўляпти.

– Ҳа, унда бошқача эди, – деди Акбар ака ўзини босиб, – Зулфиядек талантли қизлар бор эди. Унинг ансамблдан кетишига ўзларинг сабабчи бўлдинглар. Яна уялмай галиришини қара, сенда умуман уят деган нарса бўлмаса керак. Энди шундай талантларсиз қаерга ҳам борардик. Биринчи галда бу ердан сени ҳайдаш керак. Аммо, Ойсара опа...

– Ўзим кетаман. Курук тинғир-тинғир жопимга тейди.

Акбар аканинг бу гапидан сўнг миямга бир нарса келиб урилди. Нахотки, Зулфиянинг ансамблдан кетишига Бурхон сабабчи? Қандай қилиб? Хозир ҳаммасини сўрайман. Айтмаса қўймайман.

Ташқарига йўпаиган Бурхоннинг изидан юргурдим.

– Ҳа, нима бўлди? – деди у менга қараб тиржаяр экан. – Муштлашмокчимисиз? Кўзларингиз бежо?

– Бурхон фақат тўғрисини айтинг, – иложи борича ўзимни босишга ҳаракат қилиб. Овозим бўғик чиқди, – Зулфиянга нима бўлиган?

– Э, шунга шунчами? Бўғти, юринг ҳаммасини айтгаман. – У кўлтиғимдан ушлаб олди, – тўғри, ўзимдан хам ўтган. Ойсара опа, таниш раҳбарлар, шундай қиласан деб туриб олди. Уларнинг гапини қайтариб бўлашини? Лекин, менинг тўғри тушунинг. Бироғта ҳақиқий дўстим йўқ. Ҳаммасини ўзимдан боздириб юборганман. Зулфияни яхши кўрардим. Биламан, сиз ҳам уни севасиз. Почтага бориб туришини издан хабарим бор.

Биз боғ ўртасига жойлашган ёзги эстрада биносининг орқасидаги ўриншикқа ўтирдик. Атрофда хеч ким йўқ.

– Олим, ажойиб йигитсиз, сизга ҳавасим келади, юрагини из тоза, – Бурхон жиҳдий гап бошлади, – кейинги пайтларда сал нарсанни ҳам ўзимга олажиман. Зулфия менин жуда ҳурмат киларди.

Бурхон ҳикоя қилар, ёлғон айтаётгани кўзларидан билиниб турарди. Менам ганини бўлмай эшлигтдим. Вокеа шуницай бўлибди. Зулфиянинг қўниқчилик маҳорати ҳамма ерда машҳур бўлаётган пайт экан. Туман маданият уйигиниң ҳаваскорлари вилоят ёш талантлар кўригига биринчи ўринни олади. Зулфияни эса «Она ср фарзандиман» ашуласи танитганини.

Ўтган йилнинг ёз ойи охирида туман раҳбарларидан бири гумбирлаган тўй қиласи. Ойсара опа, Бурхон Зулфияни алдаб-сулдаб тўйга келишга кўндиради. Ойсара опаям қараб турмайди. Тўй кечаси давра анча кизиганда Бурхон соз чалиб, Зулфия ашула айтиб ўртага кириб келишади. Ширакайф меҳмонларининг қийкириғи, дод-войлари авж олади. Шу ерда Зулфиянинг чапани акаси ҳам бор экан. У олдинига ашулага эътибор бермайди, ёнидаги кайф устида турган меҳмон кара, зап келиштан жони эканда, юр бориб пул қистирамиз дейди. У қанин деб ўтиришиб қарайди-ю, кўзларининг пахтаси чиқиб кетади. Бир зарб билан ҳамроҳини уриб ағдариб кўлида пул билан Зулфияга интилаётган одамларни ёриб ўтиб ютуради. Тўйнинг томонига чиқади. Зулфия ичкари уйга кочиб бекинади. Акаси Бурхонин роса савалайди. Айтишларича, шу кеча қаттиқ кўрккан Зулфияни «тез ёрдам» билан касалхонага олиб кетишади. Тузалиб чиққапдан кейин эса акасидан ҳайиқиб умуман ансамблга қатнимай кўялди. Ойсара опа орага тушиб, кечирим сўраб бу воеани босди-босди қилган, акасининг кўшигини олган дейишади. Аммо, Зулфиянинг ўзи ансамблга келишини хоҳламаётган эмиш...

Энди менига ҳаммаси аёп бўлди. Ўша биринчи учрашувимизда йифи аралаш, менинг ёлғизман, адаидим, яна қўшиқ айтишини

хохлайман деб турган маъюс чехраси күз олдимга келиб беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Мен унга ҳам осон эмаслигини, санъатни бутун борлиги билан севишини, лекин бу йўлда хеч ким унга ёрдам қўлини чўзмаётганини ҳис қилиб, уни жуда жуда кўргим, юрагимда тўпланиб қолган «дард»ларимни ҳикоя қилгим келарди.

Бир вакт карасам беихтиёр почта биноси олшига келиб қолибман.

– Зулфия, – дедим тешикчани очиб. У ростдан ҳам шу ерда эди. Менга кўзи тушди-ю, алланечук бўлиб кетди.

– Чикмайсизми?

– Бир оз кутинг, ҳозир навбат алмашамиз.

У дам ўтмай кийиниб чиқди. Салом-аликни унугиб бир-бири мизга узок термулиб қолдик.

– Мени сўраб келибсиз, дутоналарим айтди.

– Сизни кўргим келди.

– Мана кўрдингиз, айтинг, нима дейсиз, – унинг кўзида шўх бир учқун жилва қилди.

– Юринг бокқа бориб сұхбатлашамиз.

Яна боғда ўтирибмиз. Бу гал ёнимда Зулфия. Ҳаяжондан нима дейишимни билмай роса довдирадим.

– Бурҳон менга ҳаммасини айтди. Зулфия, сизда хеч қандай айб йўқ. Бошқа йўлга бошламоқчи бўлишган.

У гапларимни жимгина туриб эшитди.

– Яна ансамблга келсангиз, бирга бўлардик.

– Қандай бўларкин? – деди у хижолат ичиди. – Одамларга қараашга уяламан. Гўё ҳамма қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек.

– Сиз санъатни севасиз-ку?

– Ха, лекин...

– Истасангиз сизга ёрдам бераман. Ҳимоя қиласман.

У менга ялт этиб бокди. Чехрасида яна шўхлик ўйнади.

– Кимдан?

– Шу... Бурҳондан... Ўшандай ёмон одамлардан.

У менинг телба-тескари гапларимдан завқ олгандек жилмайди. Беихтиёр мен ҳам кулдим. Бу орамиздаги ўнғайсизликни кўтариб ташлагандек бўлди.

– Ўйлаб кўраман, – деди у, – балки борарман. Айтмоқчи сизнинг қўшиғингизни эшитдим. Менга ёқди.

– Қачон?

– Буниси энди сир.

Мен Зулфиянинг гулгун чехрасига, хумор кўзларига ташналик билан термулдим. Шу кўзларни, шу олмадек қизил ёноклар-

ни беихтиёр лабимта босиб узок ўпгим, күчгим келди. Лекин бундай киломадим. Унинг ўткир нигоҳи, нима ўйлаётганингизни билиб турибман дегандек довдиратиб «айб»имни фош қилиб ташламокда. Кўзларимни олиб қочдим.

- Зулфия...
- Галиринг.
- Бу окшом бўшмисиз?
- Нима қилди?
- Кинога кирайлик.
- Оббо, сиз-ей, дарров томошага бошлайдиган бўлдингизми?
- Энди...
- Тушунмадим... Майли, келаман.

Кулокларимга ишонмай қолдим. Мен ундан кескин рад жавобини кутгандим. Қувончдан шошиб қолдим. У мен билан илик хайрлашиб хиёбондан юриб кетди. Кузатишга улгура олмадим. Йўлак сўнгтида кўл силкитди-ю, қуюқ дараҳтлар оғушига сингиб кетди. Шу дамда ўзимни дунёда энг бахтиёр инсон санарадим. Ҳамма иш қўлимдан келадигандек мағур эдим. Қанийди тезрок окшом туша қолса...

Кинотеатр олдицаги майдонча окшом кўниши билан ёшларнинг севимли жойига айланарди. Улар бу ерда томоша бошлайтилганча сайр қилишар, сирли сухбат куришар, ора-сира кўтарилиган жуда нозик, кўнғирокдек жарангдор қизлар кулгиси тун сукунатини бузарди. Мен бу ерга кўп келардим, ёлғизлигимни эслаб юрагим сикилар, алам билан узоклашиб кетардим.

Мен илик севгининг кучини, азобию висол дамларининг унтилмас роҳатини биринчи бор шу ерда туйдим. Биринчи бор оламда шундай бир зўр куч борлигини, бунинг муҳаббат эканлигини хис қилдим.

Хиёбон узра «Ёшлик валси» янграр, мен Зулфияни кутардим. Ана у, ион лампаси ёғдуси таралган ялангликда пайдо бўлди. Юрагим орзикib кетди. Ранг-баранг нурлар унинг атлас кўйлагида ялтирас, кўз олдимда гўё одамзод насли эмас, эртаклардан хотирага сингиб қолган пари пайдо бўлгандек. Бир-биrimizning қўлимизни секингина сикиб кўйдик. Кўзлар тўқнашиб сўзсиз ўзлигимизни англадик. Ҳозир гап-сўз ортиқча эди. Нигоҳлар бир-бирининг сирини фош айлаб кўярди.

Фильм қизиқ экан. «Севги анатомияси». Гўё бутун залда фаяқат иккимиз бордек. Назаримда кино бир зумча тугаб қолгандек туолди. Уни қизгин мухокама қилиб анча йўл юриб қўйибмиз. Енгил шабада дараҳтларни сокин шовуллатар, юлдузлар ёлғиз-

ликдан инсонни кўз кисиб ёнинга чорланди. Қул ушлашиб бирга кетдик. Кўчалар чароғон, хиёбонлар сўлим эди.

- Бўлти, – деди Зулфия, – бу ёғига ўзим кетаман.
- Зулфия, – дедим шитижо билан, – яна озгина айланайлик.
- Йўқ, ҳар нарсанинг ҳам ози ширин бўлади. Хайр, яхши туш кўриб ётинг.

У кўлини хавода майин силкитди-ю, оҳиста югуриб кетди. Турган жойимда қотиб қолдим. Мен ҳалиям висолдан сархуши эдим. Бир вақт ўзимга келиб изимга қайрилдим. Аммо оёқларим бўйсунмасди. Ҳамма уят, андишани унуби Зулфиянинг изидан кетдим. Зулфия дарахтлар орасидан жадаллаб кетарди. Мени пайқамади. Кўчаларига бурилиб, кагта дарвозали ҳовли олдига етганда тўхтаб атрофга бокди. Эшикнинг ишқ этиб очилиб, ёнилгани эшигилди. Ҳаммаёққа жимжит тун сукунати чўқди. Мен ҳеч ёққа шошмасдим. Кўчаларни узоқ айландим. Янги чиккан ой, юлдузлар билан ширин сухбат курдим.

* * *

Бир пайт хонамга Ойбек кириб келди. Оғзида сигарет.

- Кетмайсизми? Ё, Жобир акантизга яхши кўришиш учун ярим тунгачаем ўтираверасизми? – деди ёйилиб илжайганча.
- Ие, вакт бўлгти-ку! Шошмант, ҳозир бирга чиқамиз.
- Мен шоша-пиша қофзларни йиғиштириб папкага жойладимда, кийиниб хонадан чиқдим.
- Кетдикми? – дедим Ойбек жилмайғанча, ташкарига чиқканимиздан кейин. – Ювишга!
- Нимани ювамиз? – дедим ҳайрон бўлганча. Яқин атрофда ювишга арзигулик иш бўлгани йўқ эди.
- Нимани бўларди, ҳозир янгиликни эшийтдим, терма жамоамиз малайзияликларнинг роса адабини беришинди. Тўрту бир! Шуни ювиласак бўлмайди-да!

Футболнинг ашаддий ишқибози Ойбекни тушунса бўлади. Бу ғалабадан у жамоа мураббийсидан кўра кўпроқ қувонарди. Эҳ, дунёда бундан кўра ҳам муҳим ишлар тиқилиб ётибди-ку!

- Биласизми, Ойбек, бугун менинг зарур ишим бор эди, хўп десангиз, ювишни эртага тушликка қолдирсан-чи? Эртага газета чиққанидан кейин Собир акага «ҳақ бераман» деб ваъда килгандим, шунга қўша қолайлик.
- Бирон нарсангиз чиқяптими?
- Ҳа, бир мақола, Жобир акадан зўрга ўтказдим.
- Барибир, бугун бўлса яхши бўларди, темирни қизигида бос дейдилар-ку! Майли, хоҳламасангиз зўрламайман.

– Бўлти, – дедим Ойбекка. – Эртагача.

Ойбек йўлнни шивохонага бурди. Мен эса бекатда туриб автобус куга бошладим. Кулоним остида Олимжон аканинг қўшини оҳанглари яиграй бошлади. Ҳа, Олимжон акага худо берган, унинг овози ҳеч кимда йўқ. Кўпчилик катта санъаткорларга тақлид қилиб юрадиган чала артистлар ҳам унга тақлид қилишолмайди. Чунки упинг овози, нозик қочнримлар ва мукаммал техника билан айтадиган кўшикларини унча-мунча сағъаткорлар ҳам ўхшатиб айтга олмайди. Шундай катта санъаткор, шунчалик одамохун камтар бўлса! Ўзининг ўёғи тенин йигитга шуичалик ҳурмат кўрсатса.

Менинг Олимжон акага ҳурматим ошиб борарди.

Тикилинч автобусдан тушиб тоза ҳавода туриб қолдим. Кейин секин-секин уйга қараб кетдим. Овқатни чала-чулпа еб, папканни очдиму ўқний бошладим.

* * *

Тунов куни Бурҳон билан учрашгацдим. Боғда, Карим аканинг чойхонасидағи ўзимни ўзим кечира олмаган учрашувдан сўнг уни қанчалик ёмон кўрганим билан клубда, машқ пайтида, бирга бўлишга мажбур эдим. Бунинг устнига кеча Зуифия билан боғлик воеани ўз оғзи билан айтиб бергач, нафратим ошиб кетди. Унга дуч келсан ўзимдан-ўзим титраб кетар, ғазабдан қалтирай бошлардим. Буни Бурҳон ҳам сезарди. Ўргамизда жанжаш чиқишидан чўчиримди, мендан иложи борича ўзини олиб қочар, машқ пайтлари мендан узокрокда, бир чеккада ўтиради. Охири Акбар aka очигини айтди:

– Ораларингдан гап қочдими? – деди Акбар aka негадир кулиб. – Жўжахўролар. Сизларга жанжашни ким қўйибди. Ундан кўра янги кўшик ўрганинглар.

– Бурҳон доира чалса ашула айтмайман, – дедим бу ганига чидаёлмай.

– Нима, сени кўшик айтди, леб Бурҳонни ансамблидан ҳайдайлиқми? – деди бу гап Акбар aka жиддий тусга кириб. – Сен кўп ўтмай бу ердан кетасан. Практиканг тамом бўлади. У эса қолади. Ишляяпти. Маош олади. Тушундингми? Газабни ичга ютишни ҳам ўрганиш керак. Буям курани.

– Уни ўзингиз ҳам ёмон кўрасин. Лекин, Ойсара опадан кўрқиб галира олмайсиз.

Акбар аканинг тагларини бир чимдим аччиним чиқди. Оғзимга келганини айтиб юбордим. Акбар аканинг бундан қитик пати кўзгалиб кескин жавоб қилишини куттандим. Аммо, у яна сингил кулди. Насихаг оҳангига сўзлай бошлади.

– Бирорни ёмон кўраман деб кек сақласак, яна унисини яхши кўраман, деб лозим бўлмаса ҳам бошини силайверсак иш бўладими? Бу жамоа. Яхши кўрасанми, ёмонми, келишиб ишлаш керак. Вазифа шу. Бурҳонга келсак, унинг ансамблда ўрни бор. Доира чалади. Унчалик номдор бўлмаса ҳам қўшиқ айтади. Дутордан тортиб гижжаккага чалишни билади. Орамиздан бирорнинг бетоб бўлиши, иши чиқиши бор. Шундай пайтда у тўғри келганини қилиб кетаверади. Бу ер мардикор бозори эмаски, ҳар қандай одам ярайверса. Ойсара опа раҳбаримиз. Бошлиқ бўлгандан кейин нима деса ҳаққи бор.

Бу гапларга карши хеч нарса деёлмадим. Бир томондан олганда Акбар акаям ҳақ эди. Демак, лозим пайтда сабр қилиш, газаб-нафратни ичида саклашниям билиш керак. Лекин, Акбар аканинг Бурҳонни минг ёмон кўрганидаям Ойсара опага бир оғиз карши гапира олмаслиги, қайтага унинг олдида ипакдек эшилиб кетишини ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмас, ҳазм қилолмас эдим. Бошим гувиллаб кетди. «Бор-еј менга нима, билганини қилмайдими!» деб қўл силтаб ташқарига чиқиб кетдим. Орқамдан Акбар ака насиҳат қилиб қолди.

– Бошинг ёш ука. Турмушда ҳали нимани кўрибсан. Худа-бехудага ҳовлиқмай босиклик билан иш кўришни ҳам ўрганиш керак. Эх, ёшлар, ёшлар. Бизлар сизлардек пайтимизда...

Қолганини эшитмадим. Бошим оккан томонга юриб кетдим. Бирдан ёдимга Зулфия тушди. Кўнглим ёришиб кетди. Кечаги учрашувни кўз олдимга келтириб, ширин бир хисдан энтиқдим. Ҳозирги гаплар ёдимдан чиқиб кетди.

Бугун гарчи Зулфиянинг навбати эмаслигини, унинг уйда дам олаётганини билсам-да, почта биносига қараб кетдим. Залга кирдим. Тешикчадан ичкарига қараб қизларга жилмайдим. Улар мени кўриб сирли кулишди. Ҳатто, дадилроқ бирори «почча келинг, чой куйиб берайми?» деб тегажоклик килди. Қолганлари унинг гапидан ошкора хохолаб кулишди. Уялиб, изза бўлиб залдан отилиб чиқиб кетдим. Барibir анчагача қизларнинг кулгиси қулоғим остидан кетмади. Бунга сайин ич-ичдан севинар, мазза қилардим... Боғни айланиб яна клубнинг ёнига келиб қолибман. Ҳалиям кетмаган экан шекилли, ичкаридан Латифжон чиқиб қолди.

– Сизни кўрганим яхши бўлди-да, – деди у хурсанд бўлиб, – боя индамай кетиб қолибсиз. Қандай топсам деб бошим котиб турганди.

– Тинчликми?

– Кечкурун бир жойга боришимиз керак.

- Дунёнинг нариги чеккасига десангиз ҳам кетавераман, – дедим кайф қилган кишидек.
- Нима бало, ичиб олганмисиз? – Латифжон ҳайрон бўлиб, чакнаб турган кўзларимга, қизарган юзимга қаради.
- Ха, ичганман, жуда хурсандман, – дедим бадтар авжига чиқиб, – хозир десангиз ҳам боравераман.
- Ҳазиллашманг, Олимжон. Жиддий гап. Борсак яхши бўларди.
- Каердалигини айтинг-да, – дедим ниҳоят ўзимнинг ҳазиллашётганимни билдириш учун, – фақат бориш керак дейсизу охирини айтмайсиз.
- Тўйга, – деди Латифжон лўнда қилиб.
- Тўйга? Жиддий айтяпсизми? Энди шу етмай турувди.
- Охиригача қулоқ солинг, дўстим. Биз ашула айтмаймиз. Убу ишларга ёрдам берамиз. Тўй эгаси акамнинг қалин оғайниси бўлади. Эртароқ бориб қарашинглар деб тайинлаганди.
- Унчалик бўлса майли, мен ўйлабманки...
- Фақат бу эмас, биздан бошқа ҳам хизматчи кўп. Энг асосийси тўйга ... келади.
- Латифжон ҳамма ёқда маълуму машхур номдор хонанданинг номини тилга олди. Мен бу ҳофизнинг лирик қўшикларини жуда ёқтирадим. Телевизордан чиқишиларини севиб тинглардим. Аммо, ҳеч қачон учрашмагандим. Шунинг учун севиниб кетдим. Ҳаёл курсин, яна дарров Зулфияни эсладим. Эҳ, қанийди, ёнимда бўлсайди, бирга борардик деб орзу қила бошлидим.
- Борасизми? – деди Латифжон ҳаёлимни бўлиб.
- Албагта бораман, – дедим.
- Латифжон тўғри айтган экан. Тўйхонада хизматчилар ҳатто, бир-бирига ҳалақит берар даражада кўп эди. Бу балки, тўй эгасининг тумандаги обрўли ташкилотлардан бирида масъул вазифада ишлётганлигидан ёки қариндош-уруғи кўплигидандир. Шундай бўлсаям Латифжон «биз келдик» деб бир-икки кўриниш берди. Столларни тузашга кўмаклашган бўлдик. Мен тамоман ҳайратда қолгандим. Умримда биринчи марта бундай катта тўйни кўришим эди. Ҳали кеч кириб қоронги тушмаган, чироклар ёқилмаган, меҳмонлар келиб жойларини эгалламаган бўлсада, тўйхонанинг ҳайбати босарди. Узун тортилган стол-стуллар, тумандаги марказий боғнинг ярмича жойни эгаллаганди. Беш юзминг одам кетар-ов, деб ҳаёлдан ўтказдим. Латифжонга секин айтгандим, олдин кулди, сўнг шивирлади:
- Содда экансиз, дўстим. Энг камида бир ярим-икки минг одамга мўлжалланган. Ўзимиznинг эски клубга беш юз томоша-

бин сиғади. Бу ер ундан тұрт мартта катта. Күряпсіз-ку, тұрдағы жойнинг ўзига іоз әлілкі одам кетади.

– Шунчалик катта түй қишлиш шартми?

– Бұям бир ном чиқаарға-да.

– Түйга майда-чүйдани қаердан топади? Қаша ичкілилік, гүшт...

Латифжон тағип күлди. Овозини пасайтириб деди:

– Бундай одамлар топади. Сизге ёлғон, менға чин, бир кунда үйнегінде минг сүм кириб турмаса уйқуси келмайды. Бир гал акам гапириб берганды, оғзым очилиб қолган...

Күп үтмай Латифжон ишга алаҳсіб кетди. Мен ҳамон анграйғанча түйхонаны томоша қилардым. Машхур артист келади, деганича бор экан. Түйхона атрофига гүлдор, рәнги күзни оладиган гыламтар илишип давра қишинди. Эллиқдан зиёд гылам кетдіёв. Симларға катта-катта ҳар бири бизнинг киңкішіндең күштегі міздек жойнин ёритгандыған лампалар қатор илинди. Давраппинг ўргасыда аңча баланд қилиб катта сақна ясалибди, уч-тұрт ансамбль бемалол концерт күйса бұлады. Кеч киаралып барча столлар ноз-неъматлар билан лик тұлды. Бу ерда тұрт-беш хил ичкілиліктардан ташқары колбаса, гүштінг исталған тури бор эди. Ҳатто, меваю узумларға жой торлық қилиб, уларни кейинрок, жой бушаганда күйіб чиқаған бұлишди.

Оқшом түшди, лампалар ёқилди. Атроф сүтдек чароғон булиб кетди. Электрнинг ўтқир ёғдуси хатто күзни қамаштиради. Беш-олти жойға баланд симёғочшар устига үрнатылған радиокарнайдан янграётған құшық кулокшының қоматға келтирады. Охири микрофончи йиғиттә айтиб рациоппинг овозини сал пасайтиришди. Нихояғ бириң-кетін мемлекеттік кириб кела бошлағанды.

Давраға ишлар тугаб биз Латифжон билан нима қишини мизни билмай турғандык, кайвоншылардан бірови оёқ остида күн үралашмасын дедімі, чеккағағы столшардан бириңнинг четінде үтириши мизни айтиб қолди.

– Бу ердан артистни яхшы күролмаймиз, – дедім Латифжонға.

– Ҳозирча үтириб турайлық, кейин сақнага яқыншыдан жой топаман, – деді у билағонлық қилиб.

Түй бошланиши вақты белгиланған соатда давра мемлекеттік кириб келді. Мен даврага күз югуртирудым. Шунчалик күп одам йиғилганини ilk бор күришін әмасми, ҳамон хайратта тушардым. Даврағайлар ғала-ғовур қишишар, кулишар, тохо уларнинг шовқиншін мусиқа охандары босиб кетарди. Яна түйнинг бошланишини, номдор хонанданинг тезрок келишини

шитиқлик билан кутардилар. Аксига олиб у кўринмасди. Одамлар бетоқат бўла бошлади. Машхур қўшиқчиларга ҳавасим келарди. Нотавон кўнгил улардек даражага етишин қалдан орзу қиласам-да, хеч маҳал бундай бўлишига кўзим етмас, тасаввуримга симасди. Кандай қилиб машхур бўлинни сирлари ҳакида беҳудага бош котирадим. Бу дардларимни эса, афсуски хеч кимга, ҳатто Зулфияга ҳам айта олмасдим. Журъат қиломасдим. Булар ҳали ўзимдек жуда йўр ҳаёллар эди. Буният учун кулги бўлиш ҳам ҳеч гап эмасди. Аслини олганда ҳам ким болаликдан машхур бўлишини ўйламайди дейсиз. Бундай одам бўлмаса керак. Лекин, ҳамма ҳам машхур, таникли шахс бўлавермайди. Бу жуда оз кишиларга насиб килади. Ҳамма гап шунда.

Мен ҳозир келишини ингизорлик билан кугаётгани қўшиқчининг кўп ашуаларини билардим, тақлид бўлса ҳам, қўлдан келганча айтиб юрардим. Баъзан ўртоқларим яхши чиқяпти, деб макташарди. Аммо, ўзингниг ашуланг бўлганига не етсин. Минг келиштириб айтганинг билан у бирорини-да, деб афсусланардим. Ҳаммацан кўпроқ, мени бу хонанданинг саҳида ўзини тугиши, ашула айтиш ўйлари, ўй-фиркалари, одамлар билан мулоқоти кизиктиради. Яна хурсанд бўладиган томоним, ҳали ёш бўлсам-да, ўзимниг ҳам икки-учта қўшиғим бор эди. Уларни куйлаганимда бенхтиёр жўшиб кетишмани, тингловчиларини ҳам завкланиб, яйраб кегишлиарини ҳис қилар, бундан ором олардим. Шу қўшикларимни машхур хонандада ҳам лоақал бир марта эшишиб кўришини, баҳосини, каму кўстини айтишини жуда-жуда хоҳлардим. Шундай имконият бўлармикан? Қанин эди, бунга имкон бўлса, балки Латифжон ёрдам килар?

Унга томон карадим. У бетоқат бўлаётгани, мен сингари ўйларни бошдан кечираётганини ҳис қилиб, хеч нарса демадим. Давра ҳамон шовқини қилар, хонандани кутарди. Яқинимиздан у ҳақдаги гап-сўзлар қулоқка чалина бошлиди. Бенхтиёр эшигидим.

- Қаршида концертда экан, тугатиб келармиш.
- Бошқа тўйга кегиб қолмасмикан?
- Содикжонининг яқин талиши экан. Бораман деб ватъда қилибди. Албатта келади.
- Бизлар тўй қисак қанча билан келади?
- Икки-учни белга туғиб қўявер.
- Йўғ-ей.
- Ҳали сеп нима деб ўйловдинг, ўзнимизнинг туманцагилар кўзини бақрайтириб беш юз сўрайди. Бўлмаса айтган қўшиғи-

нинг маъноси йўқ. Тошкентдек жойдан келишининг ўзи бўладими.

– Олмахон арабларнинг тўйидан бир ҳалта пул йиғиб кетганишиш.

– Шунчалик бўлса бола-чақанинг ризқини қийиб, хофизга пул бериб ўтирумайман. Магнитофонни қўяман, ўтказаман.

– Одамлар кулачи-да.

– Э-э, кулса-кулаверсин. Тўй меники.

– Сен шундай дейсану, оғайни, биттаси ўртага чиқиб бақириб турмаса тўй-тўйдек бўлмайди. Аслида артистни ўзимиз айнитиб юборамиз. Ялиниб-ёлвориб олиб келамиш. Улар бунга сайин таранг қиласди. Қани, ҳамма магнитофон билан тўй қилсин-чи, юз сўм дессанг ҳам келади. Буларам лўлидай гап. Лақиллатиб пулингни олишни билади. Яна ўйинчи дегани бир бало. Ўн сўм кистирсанг ноз қилиб бошини олиб кочади. Қизталоклар, каттасига ўрганган.

– Энди артистнинг ҳаммасини лойга корманглар. Уларнинг орасида ҳам инсофли, пулга сотилмайдигани кўп. Битта-иккита-си отарга чиқиб, ҳаммасини ёмонотлиғ қиласди. Наманганда бўлганимда Шарафиддинни одамлар мактади. Мактаганича бор экан. Ана камтарлик, ана хурмат, ана одамларнинг яхши кўриши.

– Ҳа, у зўр. Бизларам эшитганимиз.

– Бу кечикаяпти. Тезроқ бошлансайди, у келгунча ўзимизнинг болалар айтиб туришсаям бўларди...

Бу гурунгни Латифжон ҳам эшитдимикан, дея унга қарадим. Тирсагидан секин туртдим.

– Мабодо келажакда таникли қўшикчи бўлиб кетсангиз ҳам шу гапларни унумтманг, – деди у ярим жиддий, ярим ҳазил билан.

– Бўпти, – дедим мен ҳам ҳазиллашиб.

Гапимиз узилди. Шу пайт давра ўртасига маҳалла оқсоқолларидан бирор чиқиб, артистнинг озгина кечикишпини, кечани бошлийвериш мумкинлигини айтиб, давра раисини тайинлаци. Сўнгра микрофон давра раисининг қўлига ўтди. У озгина даромад қилиб гапирди. Шеър ўқиди. Хуллас, ейиш-ичиш бошланиб кетди.

– Сизга қайсинисидан? – деди Латифжон шишани кўрсатиб.

Ичмаслигимни айтдим. У қўймади, энди бола эмаслигимни, бемалол ичаверишим лозимлигини таъкидлади. Стаканларга оқидан кўйди. Кўнгли учун озгина ҳўплаган бўлдим. Уям кейин кўп кистамади. Кимдир ўртага чиқиб ашула айта бошлади. Одамлар кўп эътибор қилишмади. У машхур эмасди-да. Менга овози танишдек туюлди. Бурилиб қарадим.

Не кўз билан кўрай-ки, бу Бурхон эди. Латифжон зийрак йигит экан, менинг қандай аҳволга тушганимни сезди.

— Парво қилманг, — леди бепарво қўл силтаб. — Баъзан тўй-пўйга чиқиб туради. Ойсара опа юборади. Минг ёмон кўргани билан баъзан Бурхондан Акбар ақаям олиб туради.

Таъбим тиррик бўлса-да, Латифжоннинг гагларини мулоҳаза қилиб кўриб, тўғри деб топдим. Хўш тўйга чиқаяпти, санъатни пулга сотаяпти, деб айтганим билан бирон нарса ўзгариб қоладими? Ёки Бурхоннинг ёқасидан олайми? Ундан кўра «билганингни кил» деб бепарво қўл силтаган маъкул эмасми?!

Шундай қарорга келиб, Латифжоннинг фикрига кўшилдим. Аммо, кейинчалик бундай қилиш нотўғри эканлигини, виждонли, санъатни севадиган, қадрлайдиган киши бизлардек қўл силтаб кетавериши ёмон оқибатлар келтиришини ҳозирча мен билмасдим. Давра ўртасида одамларни масхара қилгандек бўғик овозда Бурхон ашула айтар, қайсиdir таникли хонанданинг машхур қўшифини майиб-мажрух қилиб кўйларди. Шундаям мирикиб тинглайдиган, дод деб олкишлайдиган одамларнинг даврада борлиги менга алам киларди. Бироқ буниси ҳам ҳолва экан.

Салдан кейин даврага қошу кўзи попукцеккина, кўхлик, шунга яраша дид билан кийинган ўйинчи қиз югуриб чиқди. Қўлларини чаккон ҳаракатга келтириб оёкларини бир-бир авайлаб босиб раксга тушди. Даврада жонланиш бошланди. Одамларнинг икки кўзи шу ёқда бўлиб қолди. У кўзимга иссиқ кўринди. Қаерда учратганимни шунча ўйласам-да, эслай олмадим. Латифжондан сўрадим.

- Бизларданмас шекилли?
- Қайдам, танимадингизми?
- Йўқ.

— Яккабоғлик машҳур раккоса Санамой-ку. Бурхонга оз-моз танишлиги бор. Ўзиям кўпроқ ундирасан деб ялиниб-ёлвориб, тўйнинг таърифини келтириб зўрга олиб келган бўлса керак. У ҳар ким билан тўйга боравермайди. Зўррок, ўртага чикқанда ҳалқ дод деб кийкирадиган артистлар билан юради.

Мен Латифжоннинг изоҳидан сўнгтина Санамойни вилоятдаги концертларда бир-икки бор кўрганимни эсладим. Санамой ўйиннинг фирибини хўб олган экан, чиройли, бежирим ракслар билан бир пасда даврадагиларни сеҳрлаб ташлади. Бурхонам дардли қўшиқлар айтишни бас қилиб ўйинчининг ҳаракатига монанд хонишларга зўр берди. Санамой меҳмонларда илиқ ҳислар уйғота олгани, мафтун қилганини ўзиям сезди чоғи, «асосий

мақсад»га ўтди. Энди давра ўртасида ўйнашни бас қилиб меҳмонларни оралаб кетди. Аввало, тўрда, «президиум»да савлат тўкиб ўтирган пўрим кийипшилари билан бошқалардан ажраби турган тўй эгасининг азиз меҳмошлирига дуч бўлди. Кошини қоқди, иягини ишлатди. Кўкрагини чиройли силкитди, хуллас, бисотида бор, кўп марталар синаган хунарини кўллади. Баъзиларининг чўнтагидан қизил ва кўк қоғозлар чикмагунча муком қилиб тураверди. Бир хиллар тўй эгаси хурмати, баъзи меҳмонлар бойваччалиги туғиб, яна бирорлари ўйинчининг сурбетлигидан энсаси қотиб чўнтак ковлашга мажбур бўлди. Бир меҳмон чап қўлида ўнталикни ушлаб туриб, ўнг қўли билан стаканини тўлди-риб Санамойга узатди. Ичмай қайтариб берса керак деб ўйловдим. Қайда бир кўтаришда стаканини бўшатиб эгасига узатди. Газак ҳам қылмай пулни чангалашиб нари кетди.

У дақика ўтмай қўлица тўпланиб қолган пулларни оху юриш билан Бурхонниң костюмининг ён чўнтагига тиқиб қолар, бунга сайин Бурхон авж қиласади. Ўнталик, йигирма бешталиклар худди оҳангарбо билан тортгандай одамларининг чўнтакларидан чиқиб, Санамойнинг қўлига йиғилиб қоларди. Дод, қийқириклар авжига чикди. Бизлардан сал парида ўтирган уч-тўрт меҳмон яна баланд овозда барадла гурунг бошлади. Сухбат мавзуси бу гал Санамой ҳақида эди.

– Курғур, яхши ўйнашти. Баланида бор-да.

– Пул учун балиқ кабоб бўлган экан. Сўмни кўрсатсанг нима қиликлар килмайди.

– Э, бу артист деганинг ҳаммаси пул бандаси. Худо кўрсатмасин, бундайларга яхши ҳак берсанг тўй тутул азадаям ўйнашдан тоймайди.

– Саксон-юз сўм учун ойлаб тер тўкамиз. Ойлик маоти билан бола-чақани бокамиз. Бундайлар бир кечада сен билан мендайнинг йилда ишлаганимизни топади. Шуларга пул берадиган ноёнларининг кўплигидан куйиб кетасан-да, биродар.

– Бели оғримай, қўли қабармай топади-да. Қийналиб топиб юз жойдан туғиб ишлатса-ку билади шунинг қафрини.

– Кўйинг, ўйлаб бошингизни оғритиб нима қиласиз, бадтар бўлсин. Қали, олдик. Тўйи бўлаётган йигитчаларам эсон-омон ўсиб улғайиб яхши одамлар бўлсин...

Машхур хонандасининг кечикканидан Бурхон ва Санамойниң пул учун шунчалик паст кетиб бачканга қиликлар кўрсатнишидан энсам қотиб, кайфиятим бузилиб, еган-ичганим ўзимга татимай ўтирган эдим. Орадан ўн дақиқалар ўтгач, иш бугуслай тескарисига, балки менинг фойдамга айланиб кетди. Бизларнинг шу ерда

үтирганимизни кимдир күрган экан. Түй эгаси ашулани яхши айтади, чакыринг деб шипшибди. Хизматчи йигитлар йўқ деганимизга ҳам қарамағи икки қўлтиғимиздан кўтариб судрагашек бўлиб олиб чиқиб кетишиди.

— Энди бўлар нин бўлди, — деди Латифжон Бурхонини торини менга узатаркан. — Олдин сиздан. Бир жуфт айтгамиз. Кучинизни кўрсатинг. Қўшиқ айтиши қандай бўлишиши, айникса, Бурхон кўриб кўйсин.

Бу гап далда бўлдими, горни далил қўлимга олдим.

— Доирани олиб якни келинг, — дедим Бурхонга жўрттага.

У индамай айтганимни бажарді. Латифжон аккордеонни қўлига олди. Сахна ўртасига чиқиб ашулани бошлаб юбордик. Шунча одамнинг салобати босдими олдинига овозим қалтираб чиқди. Латифжон яна дадил бўлинг деб шивирлади. Сўнг ўзимни тугиб олдим. Биринчи ўзимнинг қўшиғимини — «Ёшлик садоси»ни айтдим. Ашула тугар-тугамас даврани қарсак босиб кетди. Шу ишом бердими, иккичисига таклид бўлса-да, тўйга кечикаётган машҳур хонанданинг қўшиғини бошладим. Айтган сайин овозим ўз-ўзидан очилиб кетди. Кўз олдимга Зулфияни келтирардим. Давранинг бошида бизларни томоша қилаётган хотин-кизлар орасида уям бор. Икки кўзи ёниб, борлиғи қулоқка айланаб қўшиғимизни эшиitmокда, завқ олмоқда. Бу қўшиқларим сен учун, Зулфия!

Шу пайт кутгилмаган воеа рўй беди. Янги учинчи қўшиғимни энди бошлаган эдим ҳамки давра ўртасидаги йўлакдан торини кўтарганча сахна томони келаётган таникли артистни кўриб қолдим. Дарҳол ашулани тўхтатиб сахнадан туша бошладим. Одамлар унинг келаётганини кўриб ўриндан туриб кетди. Қарсак чала бошладилар. Аммо кутгилмаган воеа юз берди. У аниқачои ёнимизга келиб қолганди. Бизларни сахнадан тушгани қўймади. Ўзи ҳам ёнимизга чиқди. Микрофонни қўлиша олиб бир дақика сукут килиб — шовкиппинг босилнишини кутди. Қарсаклар тишб аста-ескин шовкини пасайди, инҳоят жимлик чўқди. Шундан сўнгтина машҳур хонанда ним жилмайганин кўйи ширали овозда гапира бошлади. Сўзлари кўрғониндай миямта ўрнаниб қолди.

— Ассалому алайкум, хурматли меҳмонлар, — деди у. — Аввалин кечикканим учун сизлардан узр сўрайман! Йўлда бир ташнишмизнинг бетоб онасини кўриб чиқдик.

Одамлар яна қарсак чалиб юборишиди. Бу унинг одамийини учун олкиш эди. Санъаткор сўзида давом этди. Қарсаклар босилди.

– Бу тўйда мен эмас сизлар меҳмон. Чунки мен Содикжоннинг институтда бирга ўқиган дўстиман. Демак, тўйда мен хизматда, сизлар иззатда. Тонпача, меъдангизга ургунича хизматингиши киласман.

Яна олкиш, яна унинг сўзи.

– Кутилмаган бир гапни айтсан. Мен шу хонадонга кириб дўстимни табриклаб, давра томон кела-келгунча қулогим радио-карнайда бўлди. Кимдир менинг қўшиғимни жуда ўхшатиб, ҳатто, ўзимдан яхши қилиб айтиётган экан. Бундан жуда севиндим. Билсан, у мана бу йигит экан.

Санъаткор мени қўрсатди. Қўлимни олиб самимий кисди. Даврани қарсак босди. У гап бошлаганида яна шовқин босилди.

– Энди шу йигитдан бир илтимос қилсан. Укам исмингиз нима эди?

– Олимjon, – дедим мен ҳаяжонланиб.

– Олимjon, менинг торимни олиб ўзининг қўшиғидан, бирорникидан эмас, ўзиникидан битта айтиб берсин. Ҳақиқатан ҳам менга шогирд бўладиган, келажакча балки мендан ўтадиган овози бор экан. Шундан сўнгтина навбат менини. Сизлар нима дейсизлар?

– Тўгри, майли айтсин, – деган овозлар эшитилди. Мен шошиб қолдим. Санъаткор қўлимни яна самимий кисди.

– Айтинг, қўрқмай, – деди далда сифатида.

Канчалик ҳаяжонга тушмай, ўзимнинг учинчи чала қолган қўшиғимни бошдан бошладим. Хонанданинг ялтираб, жўр турган нафис тори енгил харакат билан садо берар, борган сайин овозим енгил ва табиий чиқарди. Ҳеч зўриқмасдим, гўё қўшиқ юрагимдан оқиб чиқарди. Мен сезмасдим. Санъаткор эса саҳнанинг четида жилмайган кўйи эшитиб турарди. Назаримда қўшиқ тез тугагандай бўлди. Олқишлирдан сўнгтина ўзимга келдим. Миннатдорчилик билдириб торини узатарканман, у охиста шундай деди:

– Мен кутганимдан ҳам яхши айтдингиз. Тошкентга борганда албатта излаб топинг. Филармонияда бўламан.

Саҳнадан тушиб тўғри келган жойга ўтирдим. Одамлар сурилиб бизга жой беришди. Санъаткор қўшиғини бошлади. Одамлар ҳамон менга караб-караб кўйишар, бундан бадтар ўнғайсизланардим. Кувончдан қулогимга ҳеч нарса кирмасди. Миннатдор нигоҳим билан хонандани кузатардим. Уям ҳар замонда мен томонга караб кўз кисиб қўярди. Бундан бадтар ҳаяжонга тушардим...

Бу оқшом ҳаётимда Зулфия билан учрашувдан сўнг энг баҳтиёр дамларга айланиб, бир умр ёдимга муҳрланиб қолди.

* * *

Бутун эрталаб клубда күтпілмаганды Зулфия пайдо бўлди. Ҳа, ҳатто ўша ширин сұхбатимиздан сўнг ҳам уни келади деб ўйла-магандим. Назаримда Зулфия кириши билан кенг зал бирдаи нурга тўлиб кетгандек туюлди. Унинг ташрифи ўртамиздаги сирли ва сеҳрли ришталарни мустаҳкамлагандек. Клубдагиларнинг хай-роилигини айтмайсизми?! Акбар ака унга қараб бир зум котиб қолди.

– Зулфия қизим, ростдан қайтиб келдингими? – дея олди. – Сенинг қўшиқни, бизни ташлаб кетишингта ҳеч ишонгим кел-масди. Мана, айтганим келди.

Ойсара опа уни хонасига чақириб, бир оз ўпкалагач, насиҳат қилган бўлди. Нима бўлганида ҳам бошлиқ-да!

У Бурҳонга залда дуч келди.

– Салом бердик, – деди Бурҳон тиржайиб, – хуш келибсиз, хоним.

Зулфия унга бир дам тикилиб қолди. Бурҳоннинг рангизи-башарасига қадалган ўткир нигоҳларида «Сенда йигитлик ғуури бормикан?! Мол-дунё учун хамма нарсадан кечиб юборасан, паст-каш» деган маънони уққандай бўлдим. Зулфия мардона юриб ёнимга келди. Бурҳон мулзам бўлиб қолди. Бу воқеани сахна орқасида Акбар ака кузатиб турарди. Чехрасида кинояли табас-сум ўйнади.

– Олим ака, – деди Зулфия овози титраб стулга ўтирар экан, – қўшиқни соғиндим, тўйиб кетдим. Нима бўлса бўллар дедиму келавердим. Ҳали уйдагиларнинг хабари йўқ. Акам жуда кат-тиққўл. Агар билиб қолса...

Зулфиянинг эҳтиросли сўзлари қалбимда аксланди, ҳаяжонга тушдим.

– Кўркманг, яна ҳаммаси олдинидек бўлиб кетади. Кўрдин-гизми, келишингиздан Акбар ака қандай хурсанд бўлди.

– Мени киниск кўйарди. Ўша воқеа... Бир неча марта уйга бориб акамдан қагиқ илтимос қилганди, кечирим сўради. Унда кўзимга ҳеч нарса кўринмасди.

Акбар аканинг «Ҳамма жой-жойига ўтсин» деган буйруғомуз сўзлари эшитилиб, сұхбатимиз чала қолди. Бунга ачинмадим. Зулфияга тезрок навбат келиб қўшиқ айтишини интиқ кутардим. «Унинг жўшкун қалбларга ғалаён соглувчи овози яна кенг зал бўйлаб янграйди». Зулфиям, ўзингният, қўшиғингният соғинган-ман, азизам, куйлай қол.

Олдинги воқеаларга қарамай, Акбар акани шу куни яхши

кўриб қолдим. У кўп чўзиб ўтиrmadi. Зулфиянинг куйлашга муштоқлигини, ҳаяжондан қизарған кулчадек юзлари, кўзларидан сезди шекилли, бир-икки номердан сўнг унга «айтасанми?» дегандек маъниоли қаради. Зулфия дарров тушуни, бош силкиди. Акбар аканинг кўрсатмасидан сўнг созандалар ҳаракатга келди. Мусиқа оҳангларига Зулфиянинг ёқимли овози аста-секин уланниб, кўшилиб кетди. Ашуланинг курдатли оҳанглари гоҳ шалола бўлиб қуйлади, гоҳ юлдуз бўлиб порлаб ёнита чорлайди. Баҳорнинг шўх ирмоқчаларига айланиб пастга отиласди. Ҳамма ҳайратда! Наҳотки, қўшиқни Зулфия, шу нозиккина, кўзларни порлаб турган қиз айтмоқда?! У юкори пардаларда ёниб куйла-моқда. Оҳанглар залга сиймай, очик деразалардан атроғига тара-лади. Назаримда ҳозир зал ҳатто, катта деразаларгача томоша-бишлар билан тўлиб кетгандек бўлди. Улар Зулфиянинг қўшинни-га маҳлиё, куй тугаши билан зални гумбирлатиб уни олқишли-шади, саҳнадан кетгани қўйишмайди. Зулфия кейинги қўшиқ-ларниям ёниб айтди. Ҳамма унга ҳам ҳавас, ҳам андак гайирлик билан қараётгандек туюлади. У жойига ўтириши билан Акбар ака менга навбатни берди. Ҳайрон қолдим: «У Зулфияни севи-шнимни билади». Зулфиянинг шу ердагини, қўшиклари далда бўлши-ми, бутун ўйларим, севги куйларимни қўшиқка солиб унга ҳа, факат унга изҳор қила бошладим. Зулфия бу қўшикларининг ўзига аталганини сезиб, ҳаяжон ичида эди...

Боғининг сўлим хиёбоnlарини сайр килиб яна ўзимиз севгани хилват скамейкаса ёнма-ён ўтирибмиз. Қуюқ дараҳтлар орасида-ги радиокарнайдан іёё биз учун берилаётгандек лирик қўшиклар тарафидан. Висол завқидан мастмиз. Сўзлар ортиқча. Зулфиянинг иссиқ кафти чўғга айланиб қўлимни куйдиради, ёник қалбимга ором беради. Беноён зангори осмон, майнин шабадада тинчи бу-зилаётгап япроқлар, қушлар, кўқдаги қуёш, бутун борлиқ қўзи-мизга чиройли, жозибали туюлмоқда, очилиб ётган ранг-баранг гуллар факат Зулфияга аталган. Севгимиз хақида оламга жар солгим келади.

Тушдан кейин яна клубга қайтдик. Севги шаробидан сар-хушмиз. Оламда биздан-да шодмон одамлар йўқ. Зулфия Бур-хоннинг ўткир, аламли қарашларига эътибор бермайди. Кизлар билан сал нарсага очилиб-ёзилиб кулади. Акбар ака, Латиф-жон унинг дадиллиги, олдинги Зулфия эмаслигига ҳайрои қол-гандек.

Шу куни менда яна нафрат кўзғаган бир воқеа содир бўлди. Бурхон Ойсара онанинг хузурига кириб, Зулфиянинг клубга фа-кат мени деб келганини, муҳаббатимиз тўғрисида ўзидан яна ал-

ланималарни дидир күшиб-чатиб гапириб берибди. Муносабатимиз шу ҳолда давом этаверса, Зулфиянинг ёмон йўлга кириб кетишини, практикант боланинг, яъни менинг уни алдаб яқишилатиб кетишимни тушунтирибди.

Ойсара опа унинг гапларига ишонади. «Бўлти, жамоа бўлиб икковини мухокама қыламиз. Кўзларини мошдек очиб қўямиз». Сўнтра босиклик билан ўйнаб, мулоҳаза қилиб кўрган бўлса керак, Бурхонга «ҳаммасига ўзини сабабчи бўлдинг, яна бирорларни ийбаг қиласан, гап ташийсан, қачон бу килигинг йўқолали» деб уни ҳайдаб чикаради. Ойсара опаннинг котибаси етказган бу хабар тезда ҳамманнинг қулоғига етди. Бурхон уларнинг нағратини қарашларига дош беролмай қаёққашир гумдан бўлди. Шу воқеадан кейин унда йигитлик ғурури деган нарса асло йўқлинига ишондид.

Кейинги пайтларда ўз ишига анча жонкуяр бўлиб қолган Акбар ака бошчиллигида «йигитлар» ўйинин машқ қилаётган эдик. Қизлар залда кутиб туришар эди.

— Сизни бошлиқ чакирияти, — деди котиба қиз келиб. — Дарров борар экансиз.

Чиқаётган эдим Зулфияга кўзим тушди. Унинг юзидан «нимага чакираётган экан?» деган саволни уқдим. Қизларга создирамай кўзимни қисиб, бепарво қўлимни силтаб кўйдим. У жилмайди.

Мен кирганимда Ойсара опа тик турганча котиба қизга нимадир айтиб ёздиради. Хурматини жойига кўйиб аста салом бердим.

— Ҳа, сенмисан, — деди энди кўраётгандек ўтирилиб юзимга тикиларкан, — ўтириб тур, гап бор.

У сўзини якунлар-якунламас тўрдаги стол четига турган кўкиш телефон устма-уст жиринглади. Опа қўлидаги қофозини ёнига кўйиб, шошилиб борганча трубкани кўтарди.

— Алло эшитаман, — деди мулойим овозда. — Э, Нормурод Диёрович, сизмисиз? Ассалому алайкум... Қулоғим сизда. Узимиз ҳам режалаштириб кўйганимиз. Бугун-эрта чикмокчи бўлиб турибмиз. Лекин, автобусимизнинг мазаси йўқда. Яармикаи... Бензин масаласи... Катта шундай дейдими? Хўп-хўп, иложини қилиамиз. Майян, саломат бўлинг. Қайтиб келгандан кейин даражит қиласман. Албатта, хўп...

Она трубкани шақишилатиб жойига кўйиб, котибасига:

— Сен чиқиб залдан хабар олиб кел, қизлар нима қилишяни. Акбар акани айтиб юбор, — деб буюорди.

Хонада иккимиз қолдик. Она ўзининг юмшок креслосига чўкди. Кейин қўлини калит олиб, уни стулга уриб-уриб ган бошлади.

– Чакирганимнинг боиси... Мен Зулфия билан муносабатларингни эшийтдим, ҳамма хабар топибди. Ҳам уйдагилари билса... Унчаликка бормас. Лекин, акаси сал нервиннийрок. Ўзинг яхши ўйлаб кўрдингми?

– Нимани? – дедим, ҳеч гапдан хабари йўқ одамдек.

– Зулфия билан муносабатларингни. Икковинг ҳам жуда ёшсанлар. Бу нарсаларга сал эрта эмасми? Оқ-корани тушуниб қолдинг. Аканг эшитса хафа бўлади.

Карасам опа гап оҳангидан «Нимага унинг бошини айлантириб қолдинг, Зулфияни тинч қўйсанг бўларди» демокчи. Афтидан, у бизларнинг атрофимизда гап-сўз кўпайиб ўзига ҳам гап тегишидан, амалидан чўчирили. Шуни англадим-у, дадилроқ гапиришга ҳаракат қилидим.

– Опа нима десантиз денг-у, лекин уни яхши кўраман. Зулфия ҳам мени... Қайтгач, ўзим тушунтираман. Ҳеч қандай гап-сўз бўлмайди.

– Зулфия қобилиятли қиз. Ансамблимизнинг обрўйи у билан. Яна ундан айрилиб қолмайлик, деб ўйлајпман-да, – опа энди бир оз юмшаб гапирди. – Сенгаям ишонаман, ёмон оиласдан чиқмагансан. Акангнинг обрўйига путур етмасин дейман. Эргага колхоз-совхозларга концерт қўйгани чиқамиз. Бир ҳафтага. Ўзларингни яхши тутиб юринглар. Оғзига кучи етмаган одамлар бор.

Ойсара опанинг насиҳатларига тўйиб, кўнглим ғаш ҳолда хонасидан чиқдим. Залга киришим билан Зулфия ялт этиб менга қаради. Кўзларида «нима гап, тинчликми?» деган ифода.

– Айтарли ҳеч нарса, – дедим ёнидан ўта туриб, факат ўзи эшигадиган оҳангда, – концертта чиқар эканимиз. Яхши тайёрланнинглар деди...

Мен ўшанда бир нарсани кўп ўйлардим. Сувдек оқиб бир яrim ой ўтиб кетди. Практиканинг саноқли кунлари қолди. Концертдан қайтишимиз билан билим юртига жўнаш лозим. Зулфия бу йил Тошкентга ўқишга бориш орзузида эканини айтганди. Кейинги такдиримиз нима бўлади? Олдинда бизни қандай воеалар кутмокда?

Шуларни эсласам юрагим сикилиб кетади... Қани эди Зулфия билан умрбод бирга бўлсак. Буни Зулфияга билдириласликка ҳаракат қилардим. Ёз ойларининг яна бир узун куни тез ўтиб кетди. Шу тун алламаҳалгача хаёл суриб ухлай олмадим. Зулфия билан кейинги такдиримиз ҳакида гаплашиб олишни ўйлардим. Кўзим уйқуга илингандা нохуш туш кўрдим. Кенг водий эмиш. Биз Зулфия билан кир-адирлар бағрида сайр қилиб юриб-

миз... Шодмиз, сал нарсага қах-қах уриб кулармишмиз. Кучогимиз гулга тўлиб кетган. Мен уни гул аралаш бағримга босар эмишман. Димоғимга бир ёқимли ҳид урилар эмиш. Кутилмаганда водий устини қора булат қоплаб олди. Момақалдиrok гумбирлаб, шаррос ёмғир күя бошлади. Иккимиз бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб шу югурар эмишмиз, кани энди бирор пана жой топилса. Ҳамма ёқ яйдоқ киру адир. Роза юргурган эмишмиз. Охири чарчаб ўтириб қолибмиз. Ёмғир эса ҳамон аёясиз қуярди. Танамизни музлатади. Қора булатларнинг адоги йўқдек.

Шу ерга келганда совқотиб ўйғониб кетдим. Ноҳуш туш таъсирини қувшиға уриндим. Бироқ у миямга михланиб қолгандек кўз ўнгимдан сира нарн кетмасди...

Эрталаб клубга келганимда ҳамма йигилган экан. Ҳар доим бузилиб ремонтда ётадиган автобусимиз, бугун оёққа турғач, Акбар аканинг айтишича, чўлда ташкил этилган совхозга жўнар эканмиз. Зулғия билан бопп иргаб саломлапидик. У дугоналари даврасида гул-гул очилиб турарди.

Нихоят йўлга тушдик. Қуёш эрталабдан қиздира бошлади. Автобус деразасидан юзимга иссиқ шамол урилиб нафасими қайтарарди. Кўп ўтмай буғдой ўрими кетаётган ғалла майдонлари бошланди. Саратон селида буғдой майсалари сап-сариқ бўлиб пишибди. Автобусда ҳазил-хузул, ашула, кулги тинмайди. Файратимиз ичга сиғмасди. Бугун Акбар акаям очилиб кетган. Унинг ташаббуси билан қизлар бор овозда «Таманиноларингдан» деб номланган ашулани бошлишди. Қизларнинг ингичка, нозик овозлари автобус деразасидан чиқиб узок-узокларга эшитиларди. Йўл чеккасидаги йўловчилик бизга қўл силкиб қолишарди. Ўйин-кулги билан манзилга етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Қаттиқ шамол, чанг аралаш гармсел эсади. Бизни қарши олган партком секретари норози ҳолда бопп чайқади.

– Ҳосилни анча қайтариб ташлади. Икки кундан бери шу ахвол. Кун бўйи эсиб, кечқурун бир оз тинади.

Автобусдан туша солиб совхоз клубига жойлашиб олдик. Ҳеч кимнинг ташқарига чиқиб яшгигина кийим-бошини чангга белагиси келмайди. Мен иссиқ бўронда далада юрган одамларни ўйлардим. Шундай пайтда шамолда пана жойга бекиниб олганимизни эслаб, ҳавонинг айниганига худди ўзимиз сабабчикдек туолиб кетарди. Бир пайт кулоқларнинг ичигача чангта тўлиб кетган совхоз директори идорага келиб қолди.

– Хуш келибсизлар, – деди кулимсираб. – Биз бу бўронларга

ўрганиб кетганимиз, ҳар йили ахвол шу. Ҳозир одамларнинг юрагига ашула сиғармикан? Ҳамма ғұза ташвиши билан овора.

– Қайтайликми? – деди Ақбар ака.

– Кечгача күтнілар-чи! Ҳаммага хабар қылғын чиқамиз.

Директор жұнаб кетди. Биз бир-биirimizға тикилғашта қолдик. Йўқ, кечга бориб бунинг акси бұлды. Шамол тинди. Одамлар узок вактдан бүөн клубда әркінн ўтириб томошта күрмаган, шекилли зал тұлиб кетди. Үзиям қарсак устига қарсак. Аллама-халғача томошта күрсатдик. Қизлар ўйнайвериб сұлайиб, ашула-чиларимиз ҳам چарчади. Шундай бұлса ҳам жуда хұрсанد әдик. Ұша кеча совхоз мемонхонасида тунаб қолдик.

Зулфиянинг ёноклари чүл шамоли ва иссиғидан қорайған. Құзимга янада жозибали күришади. Шу күнларнинг узок давом этишини истардим. У саңнага чиққанида олқыш устига олқыш ёғыларди. Бундан рухланиб, жүшиб күйлайди.

– Зулфиянинг шаполаңек жүшкін овози бор. Олдинлари бунчалик берилиб күйламасди, – деди Ақбар ака ёлғыз қолтанимизда. – Шу овозини сақтаб қола олса ундан ажойиб қүниқчи чиқади.

Ич-ичимдан севинаман. Қизлар орасыдан ғигохларим билан уни қидириб топаман. Ана у, дугоналарига нимапидир ҳикоя килаяпти. Юзлари яшнаб кетган. Қизлар қиқир-қиқир кулишарди. Сүнгра улар құли билан мени күрсатишарди. Зулфия бир кизаради-ю, шодон жилемяди.

Район марказынга қайтдик. Иккі кун дам берилди. Зулфия бишан илик хайларларым азиз Тераклисойға бориб келдим.

Қайтган күнимок Зулфияни күриш умидида клубға келсам, котиба қызы хат чиқарып берди. Бу күтилмаганда Гулсарадан зди. Қизиқиб очиб ўқидим. «Салом, Олим ака! Зерикмаяпсизми? Нега ҳеч хат ёзмайсиз. Ўрганинг ёлғызликдан қийналиб қолди. Дадам сизни күп сүрайди. Ўрганиб қолибмиз... Үқишлирим жойида, марказий касалхонаца практика ўтаяпман. Бошқа нимани ҳам ёзиш мүмкін. Тезрок қайтинг. Самимий салом ила Гули».

Хатни китоб орасыга қўйиб, кутубхонанинг ўкув залига кирдим. Бу ерда машғулотлар ҳақида «Кундалик» ёзишим керак зди. Гулсаранинг мактуби менди ўзим ҳам аңграб етмаган түйғу үйғотди. Нима деб жавоб ёзай? Бу ердаги бор гаиларни, Зулфия билан муносабатларимизни ёзиб юборайми? Балки, шунда яхши бўлар. Аммо, бундай қилишга журъатим етмасди.

Хаёлларни кувиб «Кундалик»нинг чала жойларини ёзишга киришдим. Кун эрта пешиндан ошганди. Ўкув залида мендан

бошқа ҳеч ким йўқ. Очик деразадан кирган шамол дарпардаларни ўйнайди. Бир пайт деразага бурилиб клуб ёнидаги ҳайкалчалар ёнига келган Зулфияга кўзим туиди. У фаввораларининг чиройли отилишини томоша қилгач, шу ёкка йўналди. Дам ўтмай эшикда пайдо бўлди.

– Салом, – унинг қўлни қўйиб юбормадим. У юзини четга буриб жим қолди.

– Ёзаётган экансиз, халақит бермадимми? – деди ниҳоят, – Қачон кайтасиз?

– Икки кундан кейин, ўтиринг.

Бир-биrimizga қарама-карши ўтирдик. Меңдаги ҳаяжон унга ҳам ўтган. Нафис матодан тикилган кўйлакда у ниҳоятда гўзал кўринарди.

– Зулфия, – дедим ҳаяжонда. – Сиз... Сиз бундан кейинги тақдиримиз ҳакида қандай ўйлайсиз? Яна қаерда учрашамиз?!

– Бу йил қандай бўлмасин ўқишга киришим керак, – деди у гапларимни эшитмагандек. – Олим ака, хозирдаш хаёлни бўлишининг нима кераги бор. Ҳали ёшмиз-ку. – Бу сўзларни тутнилиб, тўлқиншаниб гапирди. – Ўқишишгизни давом эттигрмайсизми?

У ҳак эди. Билим юртига бориб имтиҳонларни топширгач, дипломни олиб институтга борсам бўларди.

– Озигина ушланиб қоламан. Унгача сиз имтиҳонларга тайёрланасиз.

– Шундай қўлсам бўлади.

– Зулфия, у ерда ҳам бирга бўламиزمи?!

– Албатта.

Ёшлик куйн янграрди. Қалблар севги торини чертарди. Мен яна интизорлик билан унинг қўлларини кафтимга олдим. Юзларига, кўзларига термулдим. Бир-биrimizни сўзсиз тушундик. Ўзимни туголмай елкасидан қучдим. Лоларанг ёноқларига лабим тегди. Зулфия ожизгина қаршилик қилди. Ёниб кетдим...

Деразадан Бурхоннинг шу ерга келаёттанини кўрдим. Изимдан пойлагандек юриши ғашимни келтиради.

– Опа ўйўлашти, – деди юзларини китобга яширган Зулфияга ёқимсиз тикилиб.

– Нима дейди?

– Билмадим. Тез келсин, деди. Анча ахтардим.

Нарсаларимни стол устида қолдириб, Бурхоннинг изидан Ойсара опа хонасига кирдим.

– Кел, ўтир, – деди у юмшоклик билан. – Демак яқинда шаҳарга кайтасан. Шуашайми?

– Ҳа.

– Ўқиши тугатиб қаерга бормоқчисан? Яхшиси ўзимизга келсанг-чи. Ўрганган жойинг. Ҳафа қилмаймиз. Яхши маوش ҳам тўлаймиз.

Дипломни олгач, институттаги кириш ниятим борлигини айтдим. У бир оз ўйланиб қолди.

– Тўғри қиласан, – деди нихоят, – мабодо ишлашга хоҳишинг бўлса, бемалол келавер.

Биз унинг хонасида анчагача сухбатлашиб ўтиридик. Опа насиҳат қилган бўлди. «Оқ йўл» тилади. Раҳмат айтиб ўқув залига қайтдим. Бурҳон ҳеч қаерда кўринмасди. Унинг йўклигидан севиниб ичкарига кирдим. Зулфия кундалигимни вараклаб ўтиради. «Гулсаранинг хатини ўқиган бўлса-я!» Миямга шу фикр урилди. «Қандай хаёлга боради». Нега йиртиб ташламадим? Ҳа, у мактубни ўқиган.

– Яхши синглингиз бор экан, – деди у жилмайиб, – тез-тез хат ёзиб турадими?

– Йўқ, – дедим нима дейишни билмай, – бу биринчи хати. Ўларида ижарада турамиз...

Сездим. Зулфия ҳеч нарсани сезмагандек бепарволик билан жилмайган бўлса-да, мактубдаги сўзлар уни бошқача ўйлашга мажбур қилар, шубҳасини оширади. Гапларим ўзимни оқлаётгандек, айбимни, ўтмишимни яшираётгандек бўлиб туюлаяпти-микан унга?! Бу воқеадан изтиробга ботиб нима дейишумни билмасдим. Аслида олдинроқ унга ҳаммасини айтишим керак эди. Ишонарди. Энди ишонмайди. Хатдаги сўзлар ўжарлик билан мени масхара қилаётгандек раксга туша бошлади. Зерикмайсизми? Нега хат ёзмайсиз... Дадам сизни кўп сўрайди... Ўрганиб қолибмиз... Тезроқ қайтинг. Наҳотки энди ҳаммаси тугади? Зулфия мендан юз ўғирди. Иродасизлигимнинг жазосини тортаман.

Дераза олдига бордим. Богни кузатган киши бўлиб анчагина турдим. Аслида ҳеч нарсани кўрмасдим. Ҳаёлим Зулфияда эди.

– Уйга кетаман, – деди у анчадан сўнг.

Тилим котиб соқов бўлиб қолгандим.

– Кузатиб кўяман, – дедим зўрга. Овозим бошқача чиқди.

– Ҳоҳишингиз...

– Кетдик, – дедим зўраки.

Биз қуюқ дарахтлар соя ташлаб турган ўйлакдан секин одимлаб кетдик. Энди сўз тополмай қийналардим.

Орқамиздан Зулфияни аллаким чақирди. Баробар ўгирилдик.

– Опам, – деди Зулфия шивирлаб. Унгача опаси етиб келди. Не кўз билан кўрайки, у туманга келишимда автобусда менга

ҳамроҳ бўлган Саодат эди. Мен уни қанчалик тез таниган бўлсам, у ҳам тушунди.

– Салом, Олимжон, – деди у кулиб, – мана учрашдик ҳам...

– Албатга, – дедим довдираб. – Одам одам билан учрашади-да.

Зулфия иккимизга ҳайрон бўлиб қараб қолган эди. Кутгилмаганда Саодат унга силтаб-силтаб гапира бошлади.

– Эргалабдан йўқолиб кетасан? Элга шарманда бўлиб кўзинг очилмадими?

– Опа, – дея олди Зулфия зорланиб.

– Уйга бор. Онам кутяпти. Сенга тўрт кишининг олдида ба-кириш бўлса.

Унинг энг нозик қалб торларига тегиб кетишига мен чидаёлмадим.

– Зулфия қандай гуноҳ қишли? Нега таъна қиласиз?

– Бўлмаса гуноҳ сиздами? – У кескин ўгирилди. – Рости Олимжон, меп сизни бундай аҳволда учратишмни ўйламагандим, истамасдим ҳам. Фойибона бўлса-да, хурмат қилардим. Энди... энди хафа бўлманг...

Мени доғда қолдириб улар илгарилақ кетишиди. Алам қила-ди, ҳатто, кетишида одаммисан деб бир оғиз таскин берувчи сўз ҳам айтишмади. Индамай бурилиб кетишиди. Қалтакланган ки-шидек беҳол бўлиб қолдим. Қалбимни нимадир сиқиб, зирқи-раб оғрий бошлади. Мен шундагина муҳаббат қалъасини озгина бўлсада, шубҳа, ишончсизлик, гумон емиришини билиб қолдим. Зулфияда нима гуноҳ? Саодатда-чи? У энди бориб автобус-даги воқеани оқизмай-томизмай айтгиб беради. Бўлган гапни очик-оидин гаплашиб олишим керак эди. Мен вактни чўздим, ўзимни ожиз сезиб хаёт тўлкинлари ихтиёрига ташлаб кўйдим.

Орадан икки кун ўтди. Яна Зулфия келишидан умидвор бўлиб клубга бордим, боғларни кездим. У келмади. Почтага боргандим, ишдан бўшаб кетди, дейишди. Шу куни менинг номимга хат келди.

Ҳа, бу ундан. Титроқ кўним билан очдим.

«Олим ака, нега мени алдадингиз, – деб бошланган эди мак-туб. – Илгарироқ очик айтсангиз бўлмасмиди?

Опам менга ҳаммасини гапириб берди. Шу куни баҳтсиз тақ-диirimни карғаб аччиқ-аччиқ йиғладим. Биласизми, мен... мен сизни севар эдим. Сиз бу ерга келгач, ёлғизлигим билинмай кетди. Клубга факат сизнинг маддингизга таяниб боргандим. Лекин, сиз... У кунлар алдоқчи экан. Бекорга кувониб юрган эканман. Ҳаммаси сароб экан. Менга халақит берманг. Тинчимни бузманг...»

Бокка оқшом түшиб қолған эди. Түрли рангдаги неон лампаларининг ёғудуси сўлим хиёбонларни чароғон этганди. Бөглар ўртасидаги кўл сувида жилваланади. Даражат барглари бетиним силкинади. Сув юзаси оҳиста чайқалади. Шунда нурлар бирбирига қоришиб кетади. Кечки сайрга чиққан йигит-қизларнинг ора-сира шўх кулгилари эшитилади. Радиокарнайдан қувноқ вальс садолари янграйди.

Кўл ёқасида хаёл суриб ўтирадим. Оқшом гўзаллиги, хиёбонлар сўлимлиги менинг ўзига мафтун этолмас, ғарнеб бўлиб туюлар, хижронзада юрагимга таскин беролмасди. Мусиқа оҳанглари орасидан қулоғимга тошдан тошга ўйнаб оқаётган булоқчаларнинг шўх «қикир-қикир»лари, қизларнинг нозик кулгиси, Зулфиянинг дардли сўзлари эшитилгандек бўлди. Алам билан ўрнимдан туриб кетдим. Лабларим пичирлади.

– Қайлардасан, менинг Зулфиям? Қайлардасан? Жавоб бер!

Талабалик йилларимнинг гоҳ дилхуш, гоҳ дилхуп дамларини бошдан кечирар экалман, ҳаётимнинг бунчалик бўлнишини ўйла-магандим, наҳотки энди Зулфиядан ажраб қолсам??

Ўша воқеалардан кейин бутун олам кўзимга қоронғи бўлиб шахарга қайтдим. Ойсара опа, Акбар ака, Латифжон, Бурхон ва бошқа дўстлар, таниш-билишларининг самимий кузатиб қўйганини эслайман. Уларнинг юрагида меҳр-муҳаббат уйғота олганим, ўзимгаям кадрдан бўлиб қолганини англадим. Юрагимнинг бир парчаси шу ерда, Зулфия билан қолаётганидан кўзларимга ёш қалқиди.

Ховлига кирсам, баҳтимга Гулсаранинг ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Унга салом бердиму негазир бўшашиб унинг олдида туриб қолдим. Гулсара ҳар бир ҳаракатимни кузатиб турарди. Ташибишланиб ёнимга келди.

– Сизга нима бўлди, Олим ака? Практикангиз яхши ўтдими?

– Ҳаммаси ўтди, ўтиб кетди, – дедим дадилроқ бўлишни ўйлаб. – Гулсара биз гаплашиб олишимиз керак.

– Нимани?

– Олдин мана бу омонатингизни олиб қўйинг. – Унга жўнаётганимда берган китобини ва расмини, хатини узатдим. – Булар кўп нарсаларга сабабчи бўлди. Такдиримни ўзгартириб юборди.

– Нималар деяпсиз, Олим ака? Гапингизни тушунмадим.

– Ҳозир тушунасиз. Сиз ақули қизсиз, Гулсара. Сўзимни тўғри англагандирсангиз менинг у ёқда... Зулфия деган қизни севиб қолдим. Уям мени... Биз бир-биримизсиз яшай олмаймиз. Аммо, сизнинг мана бу расмингиз, хатингиз унда шубҳа уйғотди. Менинг алдаб,

лақыллатиб, юрибди деб ўйлади. Мен нодон, иродасиз Зулфияга түғрисини айғолмадим. Журъатсизлик қилдим. Мен сизни жуда жуда хурмаг қиласан. Лекин...

— Мендан нима истайсиз? Шу гапларни айтиш учун келдигизми?

Гапларимни жим тинглаб турған Гулсара бирдан жунбушга келди. Мени ҳайратда қолдириб ўзининг расмини шартта-шартта йиртиб ташлади. Оргик, бу ерда туролмаслыгини сездими, кўзинда пайдо бўлгани ённи қўли бишап яшириб ҳовли ичкариси-га югуриб кетди. Қалбим вайронага, бўшиликка айланиб, жойимда анча вакт ўгириб қолдим. Гулсара яна чиқармикан деб умид қилдим. У кўринмами. Аламим бадтар ортди. Дафъатан ёдимга «Ўрттар» тушди. Ахир, бу қўшиқин Гулсара яхши кўрарди-ку. Юрагимга фақат шу ашула таскин берадигандек югуриб ичкарига кирдим. Рубобни олиб чикиб, дараҳт соясинга ўтирганча қўшиқин бошладим.

Агар ошиклигит айтсан, куйиб жону-жаҳон ўрттар,
Бу ишк сиррини баён этсан токи ул хотумон ўрттар.
Кишига ишк ўтидин заррае етса бўлур гирён,
Бўлиб бесабру бетоқат, юрак бағри чуноп ўрттар.

Берилиб айтганимдан кўзимда ёш пайдо бўлганинни сездим. Шундагина Гулсаранинг мени қаттиқ севиничига ишондим. Ахир, уни печа маротаба кутиб олганиман, кузатиб келганиман. Севин изҳор қилишимни кутмоқдами? Бунга жавоб сифатида... Йўқ. нима бўлганида ҳам Гулсара мени тўғри тушуниши керак. Агар, ақсли қиз бўлса... Йиғлаб енгил тортар. Ўзини босиб олгач тани гаплашармиз.

Рубобни ичкарига кўйдиму кўчага чикиб кетдим. Қашқадарё соҳиllibарини, боғларини узоқ кездим. Ҳамон бир қарорга келолмай дайдиб юрибман. Тўсатдан миямга бир фикр келди. Тошкентга жўнайман. Зулфияни топаман, бор воқеалини оқизмай-томизмай хикоя қиласан. Агар юракдан севса, гапларимга ишонар. Биз қайта туғилгандек бўлиб яна топишамиз. Бу воқеалиар севгимиз синови бўлиб колади...

* * *

Мен Олимжон аканинг ёзувлариини ўзимча қисса деб атадим. Киссани шу кечадаёқ ўқиб тутатдим. Эртагаб ишга боргандза биринчи қилган ишнам эрталабки ҳали бўёғи куримаган газетани варакладим. Кечаги мақолам газетанинг тўргиничи бетини тўядириши керак эди. Йўқ! Унинг ўрнига битта ҳажвия ва уч-тўртта

кичик масал ва Ойбекнинг терма жамоанинг малайзияликларни тўрту бирга ютгани тўғрисидаги ховлиқмарок хабари берилганди. Нима гап бўлди экан?! Шошилиб Собир аканинг хонасига кирдим. Собир ака хурсанд. Димогида мингиллаб ашула айтанича макет чизарди.

– Собир ака нима гап, нега менинг мақоламни бермадиниз?

– Ука, худо деган одамман-да. Домлага вაъда бериб кўйиб, энди нима қиласман деб тургандим. Шунда Жобир ака телефон килиб қолди. Мақолани берманг деди. Чунки юбилей қолдирилибди. Унинг ўрнига масални, хажвияни беринг деди. Домланинг иккита масали тайёр эди. Жой кўплигидан яна иккитасини ҳам тердириб бериб юбордим. Шунда ташкарига чиксам, Ойбек жўранг озроқцина отиб олиб ўтиб кетаётган экан. Нима гап десам биз ютдик дейди. Кейин мен шуни тезда инфомрация қилиб бергин, тўртинчи бетнинг бўш жойи бор, бериб юборамиз дедим. Шундай қилиб бир бало қилиб тўртинчини тўлдирдик...

Менга бу гапларнинг қизиги йўқ эди. Нима бўлди экан... Тинчликмикан... Хонамга кириб телефон гўшагини кўтардим-да, Олимжон аканинг телефон ракамини тера бошладим. Уёқдан узун-узун гудокдан бошқа ҳеч нарса келмасди. Гўшакни жойига қўйдим. Сигарет тутатдим. Нима бўлди экан? Нега юбилей бирдан қолдирилади? Жавобсиз қолаётган саволлар миямда айланади. Чиқмаган жондан умид деб яна ракамни териб кутиб турдим. Бу сафар кўп кутмадим. Бир йигитнинг овози келди.

– Алло, – дедим шошилиб. – Кечирасиз Олимжон аканинг ўйими, бу?

– Ҳа, шундай, нима дейсиз?

– Менга Олимжон ака кераклар, редакциядан Одил Саломовман.

– Дадам уйда эмаслар. Касалхонадалар, мазалари қочиб қолди. Ойим ҳам ўша ердалар.

– Қайси касалхонада, манзилини беролмайсизми?

– Кардиология диспансерида.

– Бўлти раҳмат.

Трубкани қўйдим-да, яна ўйланиб қолдим. Барibir саволларимга жавоб ололмадим. Бориб кўриб келсан-чи. Нима бўлганини шунда аниклардим. Олимжон аканинг қиссаси солинган папкани қўлтиғимга кистирганча эшикни қулфлаётганимда коридорда Дилдора кўринди.

– Салом Дилдора, каттангиз кўринмайдими?

– Йўқ, кандай яхши, тушликкача келмаса янайам мазза бўларди!

– Каттангиз тушликкача келиб колиб мени сўраса мен шу

ерда эдиму, икки дақиқага цехга тушиб кетган эканман, бўпти-
ми? – дедим унга кўзимни қисганча.

- Эвазига-чи?
- Эвазигами, қайтаётганимда битта шкалат кўтариб келаман.
- Алдайсиз! – деди лабини чўччайтириб.
- Йўқ, бу сафар алдамайман.
- Яхши, кўрамиз.

Кардиология диспансери бизни уйимизнинг шундоқкина якинида, бор-йўғи нариги кўчанинг бошида жойлашганди. Диспансерга кириб борганимда соат эрталабки тўққиздан ошиб колганди. Коридорнинг бошланишига кўйилган столда нималарнидир ёзиб ўтирган ҳамшира йўлимни тўсди. Мен унга Олимжон Ҳакимовни кўришга келганимни айтдим.

– Анави артистми? Йўқ, унга кириш мумкин эмас! – деди ҳиссиз ва совук оҳангда.

– Опажон, илтимос, бир кираману кўриб чиқаман, икки дақиқага рухсат бера қолинг.

- Йўқ, мумкин эмас! – тўтиқушдек такрорлаци ҳамшира.

– Бўлмаса бош врач қаерда, унга учрашаман, – дедим мен ҳам бир оз овозимни кўтариб.

– Нима ишингиз бор бош врачда, у киши ҳамма билан ҳам учрашавермайдилар. Тушундингизми?! Энди бу ерни бўшатиб кўйинг, ҳозир Аброр Азимович тушадилар, одам тўпланиб турганини кўрсалар мени уришадилар.

– Билиб кўйинг, синглим, мен биринчидан ҳамма эмасман. Иккинчидан у киши билан учрашишга менинг ҳаққим бор. Учинчидан сиз келган одамлар билан сал маданиятли муомала қилинг, тушунарлими, – дедим мен ҳам бўш келмай.

Шу пайт зинапоядан соchlарига оқ оралаган, барваста, оқ халат кийган ва тилла гардишли кўзойнаги ўзига ярашган киши тушиб келди.

– Нима гап? Нима шовкин? – у ҳамширага савол назари билан каради.

– Бу киши тўполон қиляпти, Аброр Азимович. Олимжон Ҳакимовни кўраман дейди, мумкин эмас десам, бўлмаса бош врачни кўришим керак, дейди.

– Хўш, нима гапингиз бор, менга, мен бош врачман. Исмим Аброр Азимович.

– Мен редакцияданман. Одил Саломов, – дедим мен ҳам ўз навбатида ўзимни таништириб. – Олимжон Ҳакимовни кўришим керак десам, бу хоним рухсат бермаяпти, шунга сизга учрамоқчи эдим.

Газетанинг помини эшитиб бош врачанинг ранги бир ўзгарди. Кейин ёнгинамда турган ҳамширага ўқрайиб қаради.

– Сиз иккинчи бу ерда турмайсиз, – деди қалтираб турган ҳамширага кескин ва паст овозда. – Менга бош ҳамширани чакириб беринг. – Кейин менга ўтирилди. – Юринг Одилжон, коридорда гаплашиб бўлмайди-ку, ахир.

У мени иккинчи қаватдаги кабинетига бошлаци. Каттагина кабинетнинг четига қўйилган иккита креслонинг бирига ўтиришга таклиф қилди ва иккинчисига ўзи ўтириди. Бир инёла чой қуиб узатди.

– Аброр Азимович, нима гап, тинчликми? Олимжон акага нима бўлган?

У ҳаммасини сенга айтаверсам бўладими, дегандай менга синовчан тикилиб турди.

– Сиз унинг кими бўласиз?

– Ҳеч кими. Аммо, яқин дўстни бўлиб қолишини истардим.

– Бўлмаса сизга айтаверсам бўлади. Унинг юраги ишдан чиқкан. Инфаркт. Иккинчи инфарктни бошидан ўтказди. Организми кучсиз. Тез орада учинчи марта инфаркт ҳам бўлиши мумкин. Мен ана шундан кўрқаяпман. Лекин, Одилжон, бу гап бизнинг ўртамиизда колсин-а. Аммо, хотини тилла аёл экан. Мана шу аёлнинг эвазига яшаяпти. Бечора врач экан. Туну кун бошидан кетмади.

– Ахволи қандай?

– Ҳозирча яхши. Ўзини бир оз тузалганцек ҳис қиласяпти. Шундай ўнгланиб кетса, қани эди. Аммо, мен ҳозир айтганимдек, агар учинчи инфаркт... тамом деяверилг.

– Кириб гаплашибсам бўладими?

– Майли, сизга рухсат бераман. Уни кийнаб кўйманг. Яхши, хурсанд қиласиган гаплардан гапиринг.

У мени Олимжон аканинг палатасига бошлаб борди. Ичкарига кирганимизда Гулсара опа Олимжон акага кошикда шўрва ичираёттан экан. Улар иккаласи ҳам менинг бу орга келишимни кутмаган бўлсалар керак, бир зум менга ҳайрон қолиб тикилишици.

– Қалайсиз, энди Олимжон, – деди Аброр Азимович унинг томирларини ушлаб кўраркан.

– Кечагидан анча тузалиб қолдим. Раҳмат, Аброр ака, – деди Олимжон ака хаста товушида.

– Бўлди, гапириманг, уринманг. Раҳматини эса Гулсараҳонга айтинг. Бўлтими!

Аброр Азимович Гулсара опага товук шўрванинг сувидан тез-тез ичиришни тайишлади. «Юракка қувват бўлади». Кейин Олим-

жон акага «ҳаммаси яхши бўлиб кетади» дегандек дўстона кўз қисди-да, менга кўп ўтиранг деб чиқиб кетди.

— Олимжон ака, тузук бўп қолдингизми? Нега бирдан бунақа...
Унинг ўрнига Гулсара оға жавоб қилди.

— Кеча кечқурун яхшигина ўтиргандик. Бир пайт вазирликдан кимдир қўнғироқ қилди. Юбилейни оркага сурин тураркан сиз, бошликлардан бири ҳали юбилеј ўтказишга эртамасникин деган фикрни айтди, дебди. Олимжон ака трубкани ранги оқарганча қўйиб мендан чой сўради. То чойнак олиб келгунимча бу ахвол... Ҳамма дўстларга таклифнома тарқатилган. Ҳамма тайёргарлик қўрилган. Икки кун қолганда тўхтатиб қўйилса... Бу нарса Олимжон аканинг юрагига ёмон таъсир қилди...

— Э, кўйинг Олимжон ака, буларнинг бари ўткинчи. Энг асосийси бу соғлик. Соғликни асранг. Ҳали кўп юбилеј ўтказасиз, худо хоҳласа.

Олимжон ака жилмайиб қўйди.

— Биласизми, Олимжон ака, қиссангизни ўқиб чиқдим, — қўлимдаги папкага ишора қилиб, — унча-мунича ёзувчиман деб кўкрак кериб юрганлардан яхши ёзибсиз.

Гулсара оға сухбат Олимжон акага ёқадиган мавзуга ўзгарганидан, хотиржам бўлиб чиқиб кетди.

— Одилжон, бу ёзувлар мана шу саитъат деган қисматнинг бошланиши хақида, — Олимжон ака қийналиб гапиради. — Ҳамма нарсанинг бошланиши яхши кечади. Худо якунни ҳам берсин экан-да. Мана касалхонада ётибмиз. Ҳали биз тенгилар ўйнаб-кулиб юрибди. Юракни бериб қўйган эканмиз-да.

— Олимжон ака, кўйинг бунақа гапларни, икки кун ёғасизми йўқми, эртага яна тузалиб саҳнага чиқиб кетасиз. Шунга тушкунликка тушниш шартмикан? Ундан кўра қиссанинг иккичи қисмини қачон ёзасиз? Китоб қилиб чиқарса бўладиган нарса экан.

— Энди, Одилжон, кўнглимни кўтарганингиз учун раҳмат. Сизни биринчи кўрган кунимок кўнглимга ўтиришгансиз. Киройи ўғлиниг бўлса шундоқ йигит бўлса, деб айтганиман Гулсарага. Иккинчи қисмга келсак, энди мен ёзолмасам керак, дейман, агар сизга мъакул бўлган бўлса, балки сиз ёзарсиз. Балки китоб қилиб чиқарарсиз. Худо шу кунларга етказса, канийди.

— Олимжон ака, мен буни албатта китоб қилиб чиқартираман. Ишонинг!

— Раҳмат Одилжон. Кўнглимни анча кўтарданингиз...

Шу пайт палаганинг эшлиги очилиб Аброр Азимович кўрниди.

— Одилжон, юринг энди. Олимжон Ҳакимовни ҳам анча чар-

чатиб қўйдингиз. – Кейин Олимжон акага қараб. – Сиз энди дам олинг.

– Бўпти Олимжон ака, тезроқ тузалиб кетинг, – дедим хайрлашарканман.

Икки кундан кейин совук шум хабар эшилдим. «Олимжон ака оламдан ўтиби». Юрагим музлаб кетгандек бўлди. Дарҳол диспансерга Аброр Азимовичга сим қоқдим.

– Ўша мен кўрқкан нарса юз берди. Учинчи инфаркт. Хеч нарса килолмадик.

Тушга яқин Олимжон акани қабристонга кузатдик. Тумонат одам. Ҳамма ўзи севған санъаткорининг тобутига хеч бўлмаса бир марта кўлини теккизишга харакат қиласи. Қабристонга кузатиб бораётган одамларнинг олдида тобут лопилаб боряпти.

Ҳа, Олимжон ака ўлди. Энди унинг кўшиклари етим қолди. Ҳа, ундан юзлаб кўшиқ қолди. Кўшиқ айтавериб, айтавериб ўзи ҳам кўшиқка айланди-ю, учди-кетди. Юраклар бўм-бўш бўлиб, хувиллаб қолди, энди.

Олимжон ака тоғда туғилган. Ўзи ҳам тоққа ўхшарди. Тоғнинг ёнида турганингда унинг юксакинги билинмайди. Қўл чўзсанг етадигандек, кирдек, оддий тепадек бўлиб тураверади. Ундан узоклашаверсанг, унинг нақадар улуғорлиги, бўй-басти намоён бўлади. Олимжон акадан узоклашган сари унинг нақадар улуғорлигини, иқтидорини ва одамийлигини хис қилдим.

Унинг юбилейи кейинроқ, унинг ўзисиз ўтказилди. Кўплаб шогирдлари унинг кўшикларини, унга бағишланган кўшиклини айтдилар. Казо-казолар чикиб маъруза қилдилар. Уларнинг орасида юбилейни ўтказишга қаршилик қилган ўша катта амалдор ҳам бор эди. Менинг ёзилган мақолам газетада чоп килинди.

Китобни тайёрлаб нашриётга топширдим. Дарров ҳомий ҳам топилди. Китобнинг илк нусхаси қўнимга теккан кун ўзимни бир қарзимни узгандек ҳис қилдим. Уни авайлаб папкамга солдиму қабристонга жўнадим.

Қабристон жимжит. Дўппайган қабрлар, темир панжараю мармар тоштахталар орасидаги кичкина йўлакдан Олимжон аканинг қабрини излаб топдим. Мармар тоштахтага унинг туғилган ва вафот этган йили ёзилган, нигоҳлари маъюс Олимжон аканинг сурати туширилганди. Суратга бир муддат термишиб турдим. У худди тирикдек эди.

– Мана, Олимжон ака, мен келдим. Ўша ваъдамнинг устидан чиқдим. Мана китоб ҳам чиқди.

Китобни авайлаб папкамдан чиқардим. Худди Олимжон ака

кўриб тургандек, китобнинг муқовасини қабртошга қаратиб қўйдим. Дуои фотиҳа қилиб энди туроётгандим орқадан аёл кишининг йўталган товуши келди. Шошиб китобни папкамга солдим. Аёл тўппа-тўғри мен томонга келаётганди. Кора кийилган аёл тўладан келган, 45-50 ёшларда эди. Юз-кўзида ёшлик гўзалиги асоратлари сақланиб қолган. Танидим, бу ўша машхур артист Зулфия Бобоева эди.

Мен турдим. Унга жойни бўшатиб бердим. У ёшли кўзлари билан менга «Мени кутиб туринг» дегандай ишора қилди. Мен секин-секин юриб қабристондан чикдим. Дарвоза олдида сигарет чекканча уни кутдим. Бир вақт опа дарвозадан чиқиб кела бошлади.

— Мен сизни танидим, — деди опа паст овозда, — сиз Одил Саломовсиз. Олимжон ака ҳақида ёзган мақолангизни ҳам ўкиб чиқканман. Менга ёқкан. Эҳтирос билан ёзган экансиз. Тўғри қилгансиз. Олимжон аканинг ўзи ҳам эҳтиросли одам эдилар. Кўшикларни ҳам шундай кучли эҳтирос билан айтардилар.

Биз опа билан сұхбатлашиб автобус бекатига келиб қолдик.

— Кўлингиздаги ҳалиги китоб қанақа эди? — сўради опа.

Мен қанчалик яширмай барибир опа уни кўриб қолган экан-да.

— Бу Олимжон аканинг кигоби. Ўлими олдидан ваъда бергандим, шуни китоб қилиб чиқараман, деб. Бугун шуни бажардим. Шунга келингандим, бу қабристонига.

— Ҳа, билмаган эканман, Олимжон аканинг ёзишини. Тўғри мен у одамни бутунлай тушунмаган эканман. Энди тушунаяпман кимлигини. Кеч, энди кеч, — деди у маҳзун қиёфада, — майлими, бир кўрсам?

— Майли, бемаюл, — дедим китобни узатаётиб. — Бу сизга.

Шу пайт автобус келиб тўхтади. Опа билан хайрлашдимда, автобусга чиқдим. Автобус деразасидан Зулфия опа бекат ўтиргичига суюнгандча китобни берилиб ўкиётгани кўриниб турарди.

Орадан уч ё тўрт кун ўтди. Навбатчи эдим. Олиб келинаётган саҳифани пешма-пеш ўкиб, тузатиб бериб турибман. Бош қашишга вақт йўқ. Шу пайт эшик кучсизгина тақиллади.

— Кираверинг, — дедим ўрнимдан қўзгалмай, саҳифага мук тушганча, — эшик очик!

— Ассалому алайкум, Одилжон халақит бермадимми, ишлатётган экансиз.

Не кўз билан кўрайки қаршимда Зулфия опа турарди.

— Келинг, келинг, Зулфия опа ўтиринг. Мен хозир.

Коридорга чиқиб, Ойбекни чакирдим. Унга менинг зарур ишим

чикқанлигини, менинг ўрнимга саҳифани ўқиб туришни илтимос килдим-да, қабулхонага кириб Дилдорага бир чойнак чой дамлаб беришни сўрадим.

Кайтиб кирганимда Зулфия опа столга тирсагини тираганча хаёлга чўмниб ўтиради.

– Сизни ҳам ишдан қолдиридим-да, Одилжон.

– Э, опа иш бўланеради-да. Нима, сиз кунда келяпсизми бу ерга.

– Одилжон, бу китобни ўқиб чикдим, уни чиқартириб тўғри килгансиз. Олимжон аканинг хотирасинга яхши иш бўлнибди. Китобни ўқиб бўлгандан кейин сизга миннатдорчиллик билдириб кетай деб кириб келавердим.

– Раҳмат, опа, – дедим Дилдора қўйиб кетган чойнакдан бир гиёла чой қуийб онага узатар эканман, – бу айбга буюрмайсиз Зулфия опа, Олимжон ака билан нега ажрашгансизлар?

Саволим ўринсиз бўлдими, опа бир муддат жим бўлиб қолди-да кейин:

– Бунинг тарихи узун Одилжон, вақтингизни олиб қўймасми-каиман?

– Э, йўқ, вақтим бемалол.

– Олимжон ака билан институтиниг охирги курсида турмуш курганимиз. Кеийин иккаламиз ҳам филармонияда ишлай бошладик. Концерт, репетиция, гастрол. Бош қашиншга вакт йўқ. Олимжон ака мусиқа билимдони эди. Менинг оҳангга тушмаётган овозимни нотага қандай туширинин ўргатарди. Янги шеър ёки мусиқа басталашми ҳаммасини зўр шавқ билан қиларди. Иккаламиз тезда машҳур бўла бошладик. Жўр бўлиб айтган цуэт кўшикларимизни тингловчиликлар зўр олқиш билан кутиб олишарди. Гуллар ёғилиб кетарди. Бир пайт бўйимда бўлиб қолди. Менга шу ҳаёт ёқарди. Болалик бўлиб ўйга қамалиб қолиши, маълум муддатга саҳнадан ажралиб қолиш мени даҳшатга соларди.

– Одидириб ташлайман, – дедим бир кун Олимжон акага.

– Йўқ, – деди у. – Эсон-омон тугиб олганингдан кейин болага ўзим қарайман. Сен бемалол қўшиғингни айтиб юраве-ришинг мумкин.

Мен унинг қўймаслигига ишонч ҳосил қилганимдан кейин таниш дўхтирга бориб болани яширинча одидириб ташладим. Олимжон ака буни эшитгандан кейин тўполон кўтаради деб ўзимча унга тайёрланиб юргандим. Йўқ индамади. Бир оғиз ҳам галирмади. Фақат азиз нарсасини йўқотган одамдек чўкиб қолди. Шу билан орамизга совуқчилик тушди. Мен Олимжон акага

кундан кун бегона булиб бораётгандим. Мен энди бошқа бастакор билан ишлай бошладим. Бизнинг яратган қўшикларимиз оммавийлаша бошлади. Бу орада Олимжон ака ҳам бир талай янги қўшиклар яратди. Энди унинг қўшикларида маҳзун оҳанглар кўзга ташланар, ўзи ҳам дардли куйларди. Бу тингловчинларга хуш ёкарди. Ҳудди мусобақалашаётгандга ўхшардик. Ҳозир тан олиб айтаман, унинг қўшиклари менинкига қараганда анча мукаммал эди. У қўшик айтиш техникасини ҳам пухтароқ эгаллаганди. Менинг камчиликларимни овозим ёпиб кетар, мен барча олқишини овозим орқали олардим. Шу орада Олимжон акани ёшлар мукофотига тавсия этишди. Ҳамма унинг шу мукофотга энг лойик номзод деб билишарди. Аммо, менинг анави лаънати бастакорим эса мукофотини берувчи катта амалдорнинг таниши чиқиб қолди. У йўлини қилиб шу мукофотни менга олиб беришга ҳаракат қилишини айтди. Мен бошида қўнмадим. Кейин мукофотдан сўнг очиладиган шухрат эшиклари тўғрисида вайсади. У мени авраб кўпидирди. Мукофотни ўша йили мен олдим. Кўпчилик филармониядаги Олим акапинг оғайнилари мен билан алоқани узишди. Биз эр-хотин ўргасида энди чукур жарлик пайдо бўлганди. Мен бу ишим учун ундан кечирим сўраганимда, у бепарво кўл силкиди:

– Мен олдим нима-ю, сен олдинг нима? Лекин анивушинг ҳаром иш қилди. Шунга аччиним чиқали. Шусиз ҳам сен шу мукофотга лойиксан-ку. Бугун бўлмаса эртага олардинг.

Шунда Олимжон ака менинг мукофот олганимни кўролмаянти деб ўйладим. У кўзимга совук кўриниб кетди.

Бастакор айтганидек, мукофот менга шухрат эшикларининг барчасини очиб берди. Чет элга сафарлар, энг яхши залларда концерт. Куинора радио-телевидениеда чиқишлир. Томошибинлар, гуллар, дастхатлар. Назаримда мен катта, машҳур санъаткорга айланиб қолдим-у, Олимжон акага ўхшаганилар ўртамиёна ҳофиз бўлиб юраверади. Бастакор менга ҳар куни Олимжон акани ёмонлайди. Ўзича ғўлдираб сўқади. Олдин эримни сўкканда қулогининг ташига тарсаки тортиб юборгандим. Аммо, мукофотни олиб берганидан кейин мен унинг олдида муттаҳам бўлиб колгандим.

Бир куни бастакор мени уйига таклиф қилди. Шу ерда репетиция қиласиз, деди. Дарҳақиқат, филармонияда янги қўшикни репетиция қилиш қийин эди. Шовқин, одамлар кўп, тинч ишлаб бўлмайди. Олимжон акага айтмасдан уникига йўл олдим. Хонасига киришим бўлан сездим – у репетицияга эмас, зиёфатга тайёрланган экан. Стол устида ноз-неъмат, узун чиройли шишада

ичкилик. У хушомад билан ўтиришга таклиф қилди. Нима бўлса бўлди, дедиму у узатган ичкиликни ҳам ичиб юбордим. Аъзойи баданим ёпиб кетгандек бўлди. Кейин бир оз кайфиятим кўтарилиди. Даидиллашдим. Кейин яна бир қаша ичдик. Хуллас, мен масти бўлдим-қолдим. Мен бастакорнинг шилқимлик билан елкамга қўлинини ташлаганини, юз-кўзимдан ўпа бошлаганини гирашира эслайман. Эрталаб кўзимни очсан унинг кўйнида ётибман. Шу пайт эшик тақиллади. У бориб очар-очмас ҳонага ўклек учуб Олимжон ака кириб келди. Мен қотиб қолдим.

– Мана шуларнинг эвазига у сенга мукофот олиб берган экан-да?! – деди у заҳархандалик билан. – Билиб кўй, бугундан бошлиб сен менинг хотиним эмассан!

У шаҳд билан орқага қайтди. Эшикка сұяниб нима қилишни билмай қалтираб турган бастакорга еб қўйгудек тикилди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. Ҳозир уриб юборади деб ўйлагандим. Йўқ, Олимжон аканинг асаби мустахкам экан. Урмади. «Садқаи одам кет» дегандай нафратомуз қаради-ю, чикди-кетди.

– Одам эмас, бу ҳаївон экан-ку, – унинг кетганига ишонч хосил қилгандан кейин чийиллади бастакор, – агар қўлинни теккизса қамоқда чиритардим.

Энди менинг борадиган жойим йўқ эди. Ҳаммаси тугагани яхши бўлди. Бўлмаса юрак ҳовучлаб яшаш жонимга тегиб кетгайди.

Икки кун бастакорнинг уйидан чиқмай ётдим. Філармонияга бориш, у ерда Олимжон аканинг кўзига кўзим тушишидан чўчирдим. Учинчи кун бастакор янги гап топиб келди: Олимжон акани ишдан бўшатишибди. Юқорида ишлайдиган ошнасининг ёрдами билан Олимжон аканин кетказишига эришибди. Олимжон ака бир ойча кўринмай кетди. Кимdir қишлоғига қайтиб кетди, кимdir касалхонада даволанаётган экан, деди. Орадан бир ойча ўтиб Олимжон ака қайтиб келди. Энди у бошқа Олимжон эди. Ишга ҳам тикланди. Ўзиппинг яшти, энг сара қўшикларини томошабиннларга тақдим этди. Пластинка чиқарди. Телевидениеда тез-тез кўриниб қолди. Хуллас, келаси йилги мукофотни Олимжон ака олди. Кейин уйланди. Ўша Гулсара деган қизга. Олимжон ака шуҳрат чўққиларига кўтарилиб борарди. Шунда мен бу чўккидан қуладим.

Баҳор охирларида қаттиқ шамоллаб қолдим. Ўтиб кеташи деб юравердим. Кейин ангинам шишиб кетди. Овозим мутлақ чиқмай қолди. Дўхтирлар ангинани операция қилиб олиб ташлаймиз деб айтишибди. Кўндим, аслида кўнмаслигим керак экан. Улар ангинага қўшиб менинг овозимни, шон-шуҳратимни олиб

ташлашди. Шу билан мен оддий Зулфия бўлиб қолдим. Баста-корга оддий Зулфия керак эмас эди. У худди кераксиз нарсани ахлат қутига улоқтиргандек мени ҳам улоқтириб юборди. Мана энди қариягман. Суянчигим йўқ. Мен ўша биринчи фарзандим-нинг уволига қолдимми ё Олимжон ақадай тилла одамнинг қадрига етмаганим учунни билмадим...

Мен Олимжон акани севардим, у ҳам мени севарди. Карийб йигирма йил бир-биризига бегона яшадик. Барибир мен унга талпинардим. Уни кўмсадим. У ҳам шу ҳолга тушган бўлса керак. Бир куни кўчада кетаётгандим. Машина сигнал берди. Карасам Олимжон ака!

– Зулфия!!! – қичкириб юборди у.

Мен ҳам чопиб бориб унинг бафрига ўзимни қандай отганимни билмайман. Бир пайт ўзимга келиб унинг қучоғидан чикдим.

– Сизни соғингандим, – дедим.

У иғдамади. Киприкларидан ёш томчилади. У кўзёшини яшириш учун нарига ўтирилди. Эшикни ёпди-да, машинасини юрпизиб кетди. Мен унинг ортидан қараб қолавердим.

Шу пайт эшик тақиллади. Эшикдан Ойбек қўлида янги чиккан саҳифани кўтариб кирди.

– Узр, сухбатнингизга ҳалақит бердим, – деди у шангиллаб, – ўртоқ навбатчи, мана бу саҳифангиз тайёр бўлди бир қўл қўйиб берсангиз.

– Бўлти раҳмат, Ойбек. Қўйиб кетаверинг, ўзим цехга тушибириб бераман.

– Нима қиласардингиз овора бўлиб, бизга ўхшаган чаққон ютурдагингиз борлигида, – деди-ю, шараклаб кулғанча чикиб кетди.

– Одилжон, сизни ҳам анча ишдан қолдирган кўринаман. Сизга мана буни олиб келгандим. Олимжон аканинг биринчи пластинкаси. Балки эшитиб кўрарсиз, – деди опа сумкасидан кичиккина грампластиинкаши олиб узатди.

Ишдан кейин уйга келиб пластинкани радиолага қўйдим. Олимжон ака ўз Зулфияси билан сени қўмсайман кўшигини айтарди:

Осмонларга тикиб кўзимни,
Юлдузларга айтсам дилрозим,
Эшитмаса юлдуз сўзимни,
Махзун бўлиб қайтса овозим,
Сени қўмсайман.

Тоғларга мен дардларим айтсам
Эшитмаса бу соқов тошлиар

Булоқ узра ўтириб бехол
Булоқ каби окса күзёшлар
Сени құмсайман.

Саҳар чоғи тонғ шаббодаси
Сочтаримни силаса секин,
Мафтун этиб баҳор-келинчак
Адирларга ёйғанда сепин
Сени құмсайман.

Хижроинингта чидай олмай, ох,
Фарёд уриб сиқыса қалбім
Сенға атаб айтғанда қүшиқ
Оҳангларга түкилса қалбім
Сени құмсайман.

ХИКОЯЛАР

ЧОРРАХА

Вилоят марказидаги йигиндан қайтаётган Қаландар чўпонни директорнинг шоффёри Ўрлбой нақ эшигининг тагига тушириб кетди. «Бир мазза қиссин» дедими ўзиям қишлоқнинг кўчасига киришлари билан йўлда учраган одамларни баҳона қилиб, машинасининг ёқимли мусикадан иборат сигналини босиб-босиб чалди. Сўнг четга қочганилардан завқланиб, Қаландар чўпонга караб оғзининг таноби кочиб, ишайғанча шанниллади:

— Қорабоғликлар кимни олиб кетаётганимни билиб қўйсинда. Сиз кимсиз Бойназар Холмуродовични юрагининг тўридан жой олган чўпонсиз-а. Каттамиз ҳамма илғорларниям шундай хурматлайвермайдилар. Ё бир ўтказиб қўйганингиз борми?

— Билмасам... — деди Қаландар чўпон унинг каттасидай беписанд. Оғзининг бир четидан кетаётган галидан энсаси қотиб. — Бирорни иззат қылган ёмонлик кўрмайди. Бойназар ака тушунган одамда. Бекорга сени ҳайдовчи қилиб юрибдими?

Ўрлбойга мақтov ёки. Баҳтар овозини баландлатди. Сўнг мотор товушини босиб шанниллади:

— Худо хоҳласа бу йил ўғлимнинг тўйинга бош-кош бўлмоқчи. Аслини суриштирсангиз, Бойназар ака менга амаки чиқади. Отамиз билан у кишининг пацари бузрукворлари бир оғадан тарқаган экан...

Одам зоти мақтовга ўч. Танасида ҳаво бор-да, ўйлади Қаландар чўпон. Бир оғиз гап билан осмонга чиқиб кетди. Дунёда манфаат қурсин-а! Мутглақо бошқа уруғдан-ку, Бойназарнинг. Қўлидан келса-ку, керакли одамни лойдан ясад, қариндош қилиб олади. Яхшиям осмонда худо бор, одамлигини эслатиб туради. Бўлмаса...

Гапнинг очиги Қаландар чўпон кайфиятининг мазаси йўқ, кетма-кет ўйловлардан боши шишиб қолғанди. Шунинг учун машина тўхташи билан ичкаридан саккиз ўшилчаси «отам келди» дея қичкириб югуриб чиққани-ю, кўксига ўзиши отганини карахт бир ҳолда англаци. Ўрлбой тушириб берган тўрхалтталарни ўғли кетидан келган хотинига «Ол» деб имо қўларкан, каловланиб олдинга юрди. Машина эшигининг карсилааб ёпилишини-ю, маҳмадона шоффёрнинг қаттиқ газ бериб, ҳайдаб кетганига, йўлнинг чангиги қолганига эътибор бермади.

— Ха отаси, мазангиз йўқми? — хотини хавотир аралаш эри-нинг афт-ангорига қараб сўради.

— Узок йўл, чарчадим, — деди у уй олдидаги тахта сўрига ўтиаркан, — кеча кун бўйи мажлис бўлди. Кечаси ҳам яхши ухломадим. Ўрганмаган жой, юмшоқ тўшак. Айтмоқчи, Қаҳрамоннинг ахволи қандай? Бордингларми?

— Ҳозир касалхонадан келдим, — деди хотини. — Дўхтирлар соғлиғи яхши бўлаяпти, дейишмоқда. Яна зўр дорилар керакмиш. Тополмасангиз, пул-мулини берсангиз, ўзлари топнишар экан.

— Ахир туновда бир талай пул, кўй сўйиб уйига элтиб бердим-ку, — деди Қаландар чўпон бўғилиб. Бир томондан ўғлининг ахволини ўйлаб кўнгли ғаш эди.

— Олдинлари имо-ишора, илмоқли ғап бишан тўшакни баҳона қилиб олишарди. Энди замона зайлими ё турмуш сал қийинлашиб қолганиданми очиқчасига ўтишган. Ундан кўра чет эллардагицай пархини чикариб осиб кўйиншса яхши бўларди. Ангинани олиш фаюн сўм, шамоллаган бунча...

— Улар ҳам нима қилсинг ойликка кунлари қолган, — деди хотини раҳмдиллик билан. — Элга машҳур чўпонсиз, бермай нима қиласиз?

— Мен яйловдан пулни супуриб келаягманми? — уништадар турмушни чиқди. — Мана шу қўлларим билан топаман. Тоннларим яйловма-яйлов юриб қадоқ бўлган.

— Ҳозир чой дамлайман. Ичкарига кириб дам олинг. Мен айтдим-кўйдим-да, — аёли наст тущди.

Бу ҳолат Қаландар чўпонга ҳам таъсир қилди. Хотинида нима гуноҳ? Ҳамма ёқда ахвол шундай. Бошка юртларда бундан ҳам даҳшатли воқеалар содир бўлаётганлигини радио, телевизор айтиб турибди-ку! Юрг тинч, осойишта. Киммат бўлсаям бозорда бор. Ҳудо насиб қилса бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Одам боласи шукур қилишниям билиши керак. Қаландар чўпон ичкари уйга кириб тўшакка ўзини ташлади. Жимжитлик. Ўғилласням тўрхалтадан ўзининг ҳақини олиб кўчага югурди. Қизлари ишда, ўқишида. Хотини ошхонада куймаланаяти. Бир пас чўзилиб, хаёлларини тизгинлаб, ҳатто ухлаб олса бўлади. Отарга эртага жўнайди. Чўлиги Отабой садоқатли. Қўйларни яхши кўраши. У ўзини зўрлаб бўлса-да, кўзларини юмб мизғишига уринди. Бўлмади. Тағин кўз олдига Бойназар Ҳолмуродовнинг қизарган афти, ўзи меҳмонхонада кўрган манзара, Ўролнинг машинасини елдай учирив ҳайдачлари бостириб келар, бирдан ўйларининг охири шифохонада бир ойдан буён ётган бемор ўғлига оғиб, дили маъюсланарди. Аслини олганда бунгаям Бойназар сабабчи бўлди-да. Агар йигини

эртарок тугаганда... Бандасининг кўлидан нима ҳам келарди? Яраттанинг ўзи пешанага ёзгани бўлади. Ҳалиям баҳтига Каҳрамон омон қолди. Қаландар чўпоннинг шуурида воқеалар тағин тикла-на бошлади.

Мартнинг ўрталари, яйловда айни тўл олинаётган пайт эди. Чўлиги Отабой, бу йил мактабни тугатиши керак бўлган катта ўғли Каҳрамон, ўзининг кўли қўлига тетмайди. Совлик жони-вирлар худди бир кунда ёриб чикқан қўзиқориндан потирлаб кўзиламоқда. Худди шу маҳалда уни совхоз марказига йигинга чакиришса бўладими? Қайси акли донишдан чикқан гап бу, ҳайрон бўларди Қаландар чўпон. Эси бор раҳбар қишлоқда бекор юрган ёшлардан олиб ёрдам беришнинг ўрнига ҳаммани ишдан колдириб, йигин киладими? Эски замондан қолган бу ярамас одатдан чўпон ҳалки қачон кутиларкан?

Бу хабарни етказган ферма мол дўхтирига ишларни айтган эди: – Катталар билади, мен кичкина одам, лекин тайин, бугун кечгача бораракансиз, – деди елка қисиб.

– Бўпти, бориб катгаларнинг юзига ўзим очиқ айтаман, – аҳд килди у.

Чўлиги ва ўглига отардан хабардор бўлишни тайинлаб, отини миниб марказга жўнади. Боргунича коронги тушди. Идора олдидағи дарахтга отини боғлаб, ичкари кирди. Катта қабулхонада ўзига ўхшаган уч-тўрт чўпондан бошқа ҳеч ким йўқ. Ажабланиб, маълумотчи йигитдан йигилиш хакида сўради.

– Ҳамма йигилгунча ўтириб турарканлизлар, – деди у қофоздан бошини кўтармай. – Юқорининг одамлари ҳали замон келиб қолишади. Бугун кўп юриб чарчашган, чой ичишаяпти.

Қалашар чўпон ўзини босди, бошқалар ҳам бир-бирига далда беришиди.

– Жиддий гап-сўз бўлмаса бекорга чакиришадими? Кутуб турайлик-чи!

– Уларгаям осон эмас, туман катта, тиним йўк.

– Шуларнинг ҳам нони ҳалол...

Йигилиш кеч бошланиб, алламаҳалда тугади. Тўлнинг бориши айрим мутахассисларнинг маслаҳатлари, ўстиришга кўзи қолдириш... Қаландар чўпони қоникмади... Бари ўзи биладиган гаплар... Шунинг учини чиқаргандা Бойназар Холмуродович шартта сўзини кесиб жеркиб ташлади.

– Илғор чўпон шундай деб турса, бошқалардан нимани кутамиз? Ўтиринг! Орамизда тажрибасизлар ҳам бор-да! Бир сизми гап билгич?!

Унинг нафаси ичига тушив, бошқа унини чиқаролмади. Кор-

ни очиб, асаблари караҳтлашиб, ташқарига чиқниса ҳавоғы бир пасда булат қоллаб момақалдириқ гулдираяпты. Отиям безовға кишиаб юборди. Нияти шу кечани уйда ўтқазмокчи эди. Ахир Отабойға қийин бүлади. Үгли ҳам ғұр. Яйловда түкқан қўйлар қолиб кетса, боласням, ўзиям нобуд бүлади. Үгтиз чакирим ма-соғани қаңдай босиб ўтғанини билмаіди. Күнгли бекорға ғаш бўлмаган экан. Отарға етиб келса, Отабой қўйларни эңзи камаб, ем бериб ўтовға кирган, ўғли қора чироқ ёруғида, кипизлар орасида инқиллаб ётарди.

– Бир-иккى совлик, сойда қолиб кетибди, – деди Отабой ўзини оклаб, – ўзим бораман деганинга қарамай кетди. Саксо-вулзорда адашиб қолиб, совук ўтиб кетибди. Ҳозир иссиқ чой ичирдим.

Қаландар чўпон жон аччиғида ўғлининг баданинга қўйди, олов! Бу ахволда ёмон бўлиб қолиши мумкин! Тезда дўхтири топиш керак. Жайрон қашқа тагин кишлоқ сарн учди. Машинасида дўхтири келгандан нақт ярим кечага борғанци. Машинада ўғли билан шифоҳонага жўнаци. Тонгга яқин етиб келишди, ютуриб-елиб керакли шифокорларни топди, икки кун шу ёқда қолиб кетди. Ўғлининг иссиғи тушиб кўзиги очгандан кейингиша кўнгли жойига тушди.

– Ўпкаси қатғиқ шамоллаган, – деди дўхтири, – тезда доридармон топиш керак.

– Мана буни олинг, – деди Қаландар чўпон ҳеч нарса кўзига кўринмай. Бир даста пулни кўйниг, деганинга қарамай дўхтирининг чўштағига тиқаркан, – кам бўлса яна бераман.

Ишқилиб ўғли тузалса бўлди.

– Чойдан ичинг, совуб қолди, – хотинининг овози сергак торғтириди. – Мен овқатдан хабар олай.

– Бўпти, – Қаландар чўпон хотинини чиқариб юбориб, яна ўйга толди.

Бойназар Холмуродович буни эшишиб қатғиқ куюнгланмиш. Бу Ўролбойнинг тапи. Лекин ўғлидан бир марта хабар олгани, дўхтирга тайшлагани рост. Директор шуларни ўйлаганми ёки эскидал қолган одат бўйичами, хуллас Қаландар чўпонни икки кун олдин йининга ўзи олиб кетди.

– Бир айланиб томоша қилинг, дилнингиз яйрасин, – деди очишлиб, – баҳорининг оғирлиги ўтди-ку!

– Раҳмаг, катга, – деди у кўнгли яйраб, – баҳтимизга сиз бор экансиз.

– Биз ким бўпмиз, – деди директор ҳамдардлик қилиб. – Ҳаммамизни аҳиллик бишлай бошқарётган юқорищаги каттапарга

миннатдорчилик айтиш керак. Эртага минбарга чиқиб шундай дейсиз.

– Кандай бўларкин. Ўрганмаганман. Ёлғонга ўхшаб қоладими, дейман-да.

– Шундай йигнида Сизлар айтсангиз ярашади. Бизларниг ҳам очик изҳор қиласидиган жойларимиз бор.

– Ундан бўлса уриниб кўраман.

– Дацил бўлинг, ҳовлиқиб қоламан десангиз, қоғозга ёзиб олиб, ўқиб беринг.

Ҳаммаси директор айтгацай бўлди. Бойназар Холмуродович хурсанд. Нега ҳам севинмасин. Ҳўжалик эскидан илфор, меҳнат илфорлари минбарларда қарсиллатиб тажрибаларидан сўзлаб, замонага шукrona айтмоқда.

Қаландар чўпоннинг эртаси куни тонгда уйкуси кочиб кетди. Ҳонадаги ҳамроҳи Ўролбой машинани миниб бир ошнаси-никига кетгаича тунда ҳам қайтмаци. У уйдан олиб келган гўштидан катта бир бўлагини ионнинг устига кўйиб, рўмолга ўради. Дириектор чой билан тамадди қилсин деб, унинг хонасига йўл олди.

Эшикни охиста тақиилатаркан ҳеч ким жавоб бермади. Ухлаётган бўлса безовта қилмай, нарсаларни кўйиб, кайта қолай, турганда еб-ичар деб эшикни итарганди, очилиб кетди. Ҳеч нарсага қарамай, хона ўртасидаги столгача борганини билади. Бойназар Холмуродовичининг кескин овозидан хушёр торгди.

– Хе одам бўлмай кетинг, сўроқсиз бостириб кираверасизми?
– Караса, каттаси ярим ялангоч ахволда тўшакда ўтирибди. Унинг ёнида ётган жувон жон ҳолатда ўзини айвонга урди. Қаландар чўпон эсини йўқотиб, бир пас хона ўртасида серрайиб турди. Сўнг акли ўзига келиб ташқарига отилди. Қўлидагилар полга тушиб кетди шекилли орқасидан қаттасининг «Бефаросат» дегани кулоғига чалинди, холос. Анчагача ўзини босолмай хонада ўтириди. Сал ўтмай Ўролбой кириб келди.

– Сизни кишлоққа олиб кетар эканман, – ҳамишагидек бепарво дардсиз оҳангда, – кагта шундай деди. Сафарингиз қарибди.

Қаландар чўпон индамай нарсаларини йигиштирди, машинага чиқди. Ийулдаям Ўролбойниг саволлариiga истар-истамас жавоб берган бўлди. У ҳамон кўрганларини ҳазм қилолмас, бунинг учун бир неча кунлар ўтиши лозимлигини хаёлига келтирасди.

Бойназар Холмуродович вилоят марказида яна икки кун қолиб кетди. Тинимсиз ичкилик ва маншат асоратидан ғувиллаётган бошини зўрға кўтариб машинага минар экан, Ўролбойдан

биринчи эшитган «хушхабары» Қаландар чўпонининг ўғли вафот этгани бўлди.

– Йўғ-ей, – деди Бойназар Холмуродович, – дўхтирлар тузалиб кетади дейишганди-ку!

– Ўзи тузалаётган экан-ку-я, аммо осма укол қилишаётган пайтда реакция бернибди. Палатада дўхтир ҳам, ҳамшира ҳам йўқ экан.

– Ўббо, Қаландарга қийин бўлибди-да, – деди Бойназар Холмуродович лўқиллаб оғриётган бошини сикимларкан. – Капча харажат қилиб эди шу ўғли учун.

– Ха, бу Қаландарингиз яна аича тушадиган бўпти. Ўша куни навбатчи дўхтир маст экан. Қаландар чўпон ундан нима бўлганини суриштироқчи бўлса, эшикни ёпиб олибди. Кейин чўпон газабланиб уни роса урибди. Ҳозир чўпонни мелисалар қамаб қўйишганмиш.

– Ўв, бардачогинита қара-чи, у-бу нарса бормикан, бошим ёрилай деялти-ку!

Бойназар Холмуродович Ўролбой узатган ярим шиша арокни пиёлага қуишига эриниб, шундайлигича қўлтиллатиб кўтарди. Ўша Қаландар чўпон ташлаб кетган бир бўлак гўштни ғарчиллатиб чайнар экан, енгил тортгандек бўлди: «Яратганга шукур».

Машина гизилтаганча елиб келиб бир томони Корабоғ кишлогига яна бири хўжалик меҳмонхонасига борадиган чорраҳага келгандан секинлашди. Ўролбой хўжайининг саволомуз караси.

– Гастинсага ҳайда, кейин борармиз-да Қалағашникига.

Бойназар Холмуродовичнинг меҳмонхонадаги тузоғлик дастурхон ва ноз-неъматлар кўз олдидаи ўтиб, ширин тамшаниб қўйди.

ВАФОДОР

Кўёш уфқка секин бош қўйди. Оқшом салқинида қўйларнинг бир маромида ўтлаётганини кўриб, кўнгли тинчиган Қодир бобо гиламдек тўшалган майса устига ёнбошлади. Атрофга чўккан сукунатни аҳён-аҳёнда қўйларнинг маъраши, какликларнинг ва хар турли қушларнинг сайрашигиниа бузиб турарди.

Оёқ тарафида ётган итнинг ниманидир сезигандай хурнайиб олганига эътибор ҳам қилмай, чол кўклам хавосидан тўйиб-тўйиб симиаркан, ўзича хаёл суро бошлиди.

Бундан беш йил бурун уни хўжалик катталари иззат-хурмат билан кексалик «истироҳати»га кузатишди. Аввал қувонгани,

кейин орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас зерикканидан еру-кўкка сиғмай қолган Қодир бобо идорага кириб борганида, у учрашмокка бел боғлаган катталар иш билан аллақаёққа кетишган экан кўнгли синиб ортига қайтди. Эртасига ҳам шундай бўлди. Учинчи куни сабри чидамади, оёғига этигини, этнига чакмонини илди-ю, қадрдон яйловига йўл олди, катталарни ҳам шу ерда кўрди.

– Шундай бўлишини билгандим, – деди директор хурсандлигини яширолмай. – Мана, уч-тўрт кун бўлсаям, бола-чақанинг олдида бўлдингиз. Ишга киришинг. Ўз отарингизни берамиз. Болаларнинг олдига бориб-келишни ҳам эсдан чикариб қўйманг. Тағин кампирингиз устингиздан шикоят ёзиб юрмасин-а?

Бугун байрам. Қодир бобо шогирди Абдурасулни кўярда қўймай уйига жўнатди. Яшги уйланган, чилласини чиқариб яйловга келган кўёв бола тушмагур боласини йўқоттан кўйга ўхшаб мўлтирайди. Уйга бориб келай дейишга юзи чидамайди. Қодир бобо бориб кел деса, уялиб кўзини олиб кочади. Ҳайрият бугун кўнди. Саҳармардандан кўк қашқани миниб, жўнаб кетди.

Итнинг иришилаши Қодир бобонинг хаёлини бўлди. Кўйлар хуркиб, фурра бир ерга тўғланди. Буталар орасидан шиддат билан отилиб чиқкан жонивор ўзини сурувга урди. Кўйлар «дув» этди-ю, тўзигиб кетди. Бўри! Миясидан яшиндек ўтди чўпоннинг. Ит эгаси ёнидалигида шерланиб кетди чоғи, ёввойи бир шижаот билан сакради-ю, бўрига ташланди. Зарбнинг зўридан аввалига йиртқич улокиб қолши. Лекин зум ўтмай ўзини ўнглаб олиб итга хужум қилди. Ит ва бўри ўртасида ҳаёт-мамот жанти бошланди. Ит бўрининг дуч келган жойига оғиз солар, бўри эса итнинг кекирдагида олншга интилар эди. Ит охириги кучини сарфлаб, йиртқичнинг бўйнидан тишлади. Бўри жон таъвасасида итни силтаб-силтаб ташлади, аммо іттаги йиртқичнинг оёқлари остида судралиб, топталиб қолса ҳам тищлаган жойини кўйиб юбормади. Ниҳоят бўри йиқилди. Тун ярмидан окқанда Қодир бобо қўйларни бир ерга тўғлади. Итни силтаб-сийтаб эркалатор экан, кўллари шишлимшиқ конга тегиб сесканиб кетди. Итни кўтариб, текисроқ ерга хас-хашак устига ётқизиб, гулхан ёқди. Сув иситиб итнинг яраларини ювди, яктагидан йиртиб, қон сизиб турган жойларини боғлади. Шундагина корни оч қолганини, касофат ташвишлари боис кечқурун тамадди қилмаганини, итга ҳам нон бермаганини эслади. Хуржундан нон ўроғлик дастурхонни олди. Суви қочган нонни ивитиб, итнинг олдига қўйди. Лекин ит нонга қайрилиб ҳам қарамади. Бўри яралаган ит ўлади, ўлмасаям соидан чиқади, деган гай эсига тушиб чўпоннинг юраги ачиди. Абдурасул

сул келса, итни қишлоққа юбортыриб, парваришиң қилдиришни, зарур бўлса, мол дўхтирига кўрсатишни ўйлаб, ўзига ўзи таскин берди.

Эртаси куни Абдурасул отини йўргалатиб келиб қолди. У кеча шод-хандон жўннатган устозининг қош-ковоидан кор ёғаётганини кўриб, ҳайрон қолди. Хуржундан байрам совғаларини олаётгиб, латта-путталар билан боғлаб ташланган итга кўзи тушибди. Бир четда бўри ёриб ташлаган совлиқнинг ўлиги корайиб кўринди. Абдурасул чолни ёлғиз ташлаб уйга кетганига пушаймон бўлди.

— Ўслим, — деди Қодир бобо Абдурасулга, — кўн йиллардан бери яловимизда бўри йўқ эди, хотиржам эдик. Мана бу жони-вор бўлмаса, билмадим, холимиз не кечарди. Вахший битта кўйининг бошини еди. Сен энди ўслим, итни олиб қишлоққа қайт. Мол дўхтирини топиб гаплаш, кейин кўшофизини ҳам ола кел. Ким билади дейсан, бўрилар бугун кечаси ҳам бизни тинч кўйиш мас. Ҳа айтгандай, мана бу йиртқич терисини элтиб совхозга тошиш.

Абдурасул шу кетганича хуфтонда қайтиб келди. Итни мол дўхтирига кўрсатиб, дори-дармон қилдирганини, кейин уйдагиларга иккин-уч кун боғлаб парвариши қилишни тайинлаганини айтиб, чолга ҳисоб берди.

Тунда шитир этган шарпадаи ҳам уйқуси кочган Қодир бобо милтигини елкасига осиб, кўйлар атрофини бир неча марта айланиб чикди.

Тонгта яқин қўйларнинг хуркиб қочгани эшишиди. Иккала чўпон ҳам ўринларидан иргиб турдишлар. Бўзариб турған ойнинг гира-шира ёруғида бугалар орашаб чўлокланиб келаётган бўри кўзга ташланди. Бўри шошмасдаи, баъзан тўхтаб-тўхтаб чўпонлар ётоги томони келарди. Чол ерга ётиб, йиртқични мўлжалга олди. Шошилиб устма-уст тепкини босди. Ўқ мўлжалга текканди. Бўри мункиб кетганича ўрнидан турмади.

Милтигини қайта ўқлаб олган Қодир бобо билан Абдурасул «ўлжа» томон якынлашдилар. Қодир бобо сёғи остиша бўри ўрнида ўзининг вафодор ити ётганини кўриб, донг қотиб қолди. Жоникиб итнинг бошини кўтарди. Лекин ит аллақачои ўлиб бўлган эди.

Чол қўлидаги милтигини қулочкашлаб, чўл кўйнига улоқтириб юборди. У яна итнинг устига энгашди. Чолнинг қоқ сукяк елкалари силкиниб-силкиниб тушмоқда эди.

ИККИ ЎРИМ СОЧ

Ёзниң охирғы күнлары эди. Ишдан қайтаётіб уйнимиз мұолишиңдеги хиёбонда нафасимин ростлаб олиш учун йүлак четидеги ўриндиклардаң бириға ўтирдім. Хиёбонда одам сийрак эди. Мен ўтган-кетгенларга разм сола бошладым. Бехосдан күзим йүлакпенінг ўргасыда ётган бир бурда нонга тушди. Оёқ остида қолғап нонни олишіга ултурмадым, йүлак бўйлаб юриб келаётган йигит билан қизга күзим тушди – уларниңг ўтиб кетишини кутдим. Йигит узун бўйли, оғзин, қорачадан келгац, қиз эса ўрга бўйли, нозиккина, юзлари лўппи, сочини бир ўрим қилиб орқасига ташлаб олган эди. Улар шима ҳақдадир қизғини сухбатлашиб борар эди. Йигит қизга шиманидир жоп куйдириб гапиравар, қиз эса аҳёп-аҳёнда боши билан йигитниңг галини тасдикларди. Қиз йигитдан олдин поини кўрди, шошиб йигитниңг билагидан тортиб четламокчи бўлди. Лекин кечиккагади. Йигит ўзининг баланд пошнати туғлиси билан нонни эзяилаб ўтди.

Йигит оёғи остидаги эзгиланиб кетган нон ушокларига бепарволик билан назар ташлади-да, юришда давом этди. Қиз унинг бепарволигидан порози бўлиб, нон ушокларини позик кафтига тера бошлади. Йигит уч-тўрт қадам юргач, орқага ўтирилди.

У кизнинг бемалол, чўкка тушиб нон ушокларини тераётганини кўриб, жаҳлӣ чиқди. Рангги ўзгариб, пешонаси тиришииб, кўзлари қисишиб кетди, қизнинг тепасига келиб:

– Жамила, бу нима қилик? Яна айни кинога кеч қолаётган пайтимиизда-я. Нима бало, эснити еднингми? – деди зарда билан.

– Бирпас сабр қилинг, Шожалил ака, – деди қиз ялиниг анҳангида.

– Кеч қолсак шчкарига киритмайди ахир. Бунака ерда ётган нонтар ҳар қадамда учрайди-ку. Қайси бирини йипиштириб оласан. Мен атайлаб босганим йўқ, – деди йигит тутақиб.

– Бу сеансга унгуrolmasak, кейинги сеансга кирамиз. Мана озгина колди. Сиз ҳам салгина қарашиб юборниг. Бирпасда тугатамиз, – деся қиз ушокларни теришини давом эттириди.

Йигит ўзини тутолмай қолди.

– Э, ўргилдим, сендақа поинарвардан, – деб қизнинг кафтига уриб юборди. Нон ушоклари ҳар томонга сочилиб кетди. Қиз сесканиб ўрнидан турди. Кўзлари жикка ёшга тўлди. Ҳозиргина кувонч порлаб турган кўзларница ғазаб ва нафрат акс этарди. Қиз шартта орқасига ўтирилди-ю, тез-тез кета бошлади. Йигит аввалига ганиб қолди. Кейин қизнинг изидан чопди.

Нохуш бу вокеа – бир пайтлар нон ҳакида күйиниб гапирган ўқитувчимизнинг ҳикоясини ёдимга солди.

– Урушдан олдингі йиллар эди, – деб ҳикоя килғанди ўшашда ўқитувчимиз. – Қишлоғимизда Сабоҳат исмли бир жувон яшарди. У ўрта бўйли, қирра бурун, қошлари бир-бирига туташиб кетган гўзал аёл эди. Айниқса, унинг ҳуснинг ҳусн қўшасиган тим кора икки ўрим сочи шу қадар узун эдики, такимига тушарди. Қишлоғимизнинг кўп йингитлари жувоннинг сочига хуштор эдилар. Мен ҳалигача бу қадар узун сочни учратганим йўқ.

Жувон отамнинг бригадасида ишларди. Мен ҳам дарсдан чиккач, отамга келиб кўмаклашардим. Бир куни тушлик маҳалида, отам ҳалиги жувонга:

– Сабоҳат! Сочларнинг менга сотмайсанми? – деб ҳазил қилди.

– Нима қиласиз бу соchlарни, Маматкул ака? – деди жувон жилмайиб.

– Киркиб отимнинг ёлига улаб оламан, – деди отам ҳам кулиб.

– Бу соchlарнинг нархи қиммат, отингиз тугул бутун мол-мулкинитзни йиғсангиз ҳам етмайди, – деди жувон менга кўзини қисиб. Шу орада уруш бошланди. Қишлоғимизнинг ҳамма йингитлари қатори жувоннинг эри ҳам фронтга жўнади. Ҳамма ўз ташвиши билан бўлиб қолди. Бир куни тонг пайтида дарвоза тақиллаши. Чиқиб дарвозани очсам, дарвоза олдида бир аёл турарди. У бошини катта шол рўмол билан танғиб олган, қўлида газегага ўроғли тугун. У отамии сўради. Аёлга яхширок тикилиб карасам, бу ўша – Сабоҳат опа экан. Ҳозир олдингі чиройидан асар ҳам қолмаган, кўзлари ичига кириб кетган, чакка ёнокларининг суклари бўртиб турарди. Мен отамии айтиб чиқдим. Отам жувонни уйга таклиф қилинди. Лекин, Сабоҳат дарвозадан ичкарига кирмади. Отамга қоғозга ўралган тугунни узатди. Негадир унинг кўллари титрарди.

– Олинг, Маматкул ака! Бир пайтлар сиз бунга харидор бўлган эдингиз. Энди сиздан кўп нарса сўрамайман. Бир тўйиб егулик нон берсангиз, бас! Уйда учта болам очликдан чирқилашиб ўтиришибди. Кечадан бери туз тотганилари йўқ. Худо хайрингизни берсин! – унинг овози бўғилиб, сўзлари узук-юлук чиқарди. Жувон гапини тутатар-тутатмас, йиғлаб юборди. Отам газетага ўралган тугунни очиб кўриб раиги оқариб кетди. Газетага бир-бирига зулукдек чирмасиб ётган тим кора соchlар ўралганди...

... Ўшандан бери нон ҳакида гап кетгудек бўлса, ўқитувчи-

миз айтиб берган шу ҳикоя эсимга тушади. Ҳозир ҳам шу ҳолат рўй берди. Сочилиб ётган нон ушоклари сохибжамол жувоннинг ғамгин сиймосини ва такимига тушадига икки ўрим сочнинг аччик қисматини ёдимга солди.

ЖАЗО

«Талабалик – олтин давр», деб ким айтган бўлса ҳам, бекорларни бештасини айтиби! Бу нима кун, қаттиқ нон кавшаб... Тўғри, кўлга талабалик «нафақа»си тегиб, чўнтақ қаппайган қунларнинг йўриғи бошқа. Оҳ-оҳ-оҳ! Ўша сонияларда биздан ўтар хотамтой бўлмайди. Оддий ошхона қолиб, кооператив «кафе»-нинг курсисида ялпайиб овқатланиш, автобус қолиб, таксида сайру саёҳат дегацай... Лекин лаззатли дақиқаларнинг умри негадир ҳамиша қисқа бўларкан. Таъба! Куни кеча нафақа кўрган чўнтақка бугун шамол ўйнаб кириб, ўйнаб чикса! Келгуси нафақагача, эҳе... Ёки, «Ота салом, пул тамом», деб ўйга телеграмма берсам-микан-а? Унда чўнтақдаги «қора кун»га аталган тангалардан ҳам биратўласигача маҳрум бўламан-ку!

Дарсдан сўнг кечга яқин хонамдаги каравотда ағанаганча ғамгин ўйларга чўмиб, карнай чалаштган қориннинг «музиқа»сига қулоқ тутиб, юзтубан ётгандим. Тўсатдан бошимда кимнинг дир беўхшов хириллашидан ҳушёр торғдим. Ўгирилиб қарасам, курсдош жўрам тиржайиб турибди.

– Тур, – деди у устимдан чойшабни тортқилаганча, – бозорга бориб келайлик...

Шавкат билан ҳамқишлоқмиз. Тасодифанми ёки оталаримизнинг «таниши» бир одам бўлганми, хуллас иккаламиз ҳам битта институтга кириб қолғанмиз. Ўзи хушчақчак, ҳазилкаш, мард болаю, лекин аҳён-аҳёнда ўйламасдан сўзлагани ортиқчада. Гапини қаранг «бозорга борайлик!» эмиш. Ўзим сутдан қолған қўзичоқдан турайиб ётган бўлсан, бозорга бориб у ерда турли-туман, анвойн мева-чеваларни кўриб, юрагим бадтар эзилмайдими, ахир?!

– Йўқ, – дея тўнғиллацим юзтубан бўлиб, – хали кўп овқат еб қўйган эканманми, ҳаллослаб ётибман. Ҳазм бўлсин, кейин... Сен ўзинг боравер, жўра!

Шавкатнинг қаттиқ қулгусидан хонамнинг деразаларигача зириллаб кетди.

– Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳаллослаб, дамлаб ётган эмишлар... Ва-ҳа-ҳа! Холингиз бизга матьум-ку, оғайни... Тур, тур... Билмайди, дей-

санми почор ақвонда ётғанлигигин?! Қани тур қоринин түйға-
зишни мен гардапимга оламан... Бүл, тез...

Хайрон бўлиб ўрнимдан кўзгалдим. Қоринин түйдираман,
дедими жўрам? Айтдим-ку бу йигит мард, чапани деб. Ҳали бо-
зордан шашлик олиб берса-я?! Қизик, ахир Шавкат ҳам кунн
кеча «пулнинг ранги ўчди», дея полиб ўтирганди-ку... Демак,
уйидан юборишган... Яшасин!

Шоша-пиша кийиниб, Шавкатнинг орқасидан лўқилладим.
Ҳаш-паши дегунча, автобусдаги паттачи аёллинг кўзини шамғалат
қилиб бозоржойга ҳам етиб олдик. Бекатга тушкач, Шавкат туш-
магур йўлни ошхона томон эмас, мева-чева растаси томон боши-
лади. Узум сотаётган ўрта ёшлардаги кишига яқинлашиб, оғзини
тўлдириб сўради:

– Қани дехқон мевани килосидан ганиринг-чи?!

У шундай дея қаҳрабодек ялтираб турган узум шинтилидан
тўрт донасини олиб, оғзига ташлаши. «Тавба, – дея ўйладим хур-
санд бўлиб, – бу оғайним тушмагур ҳашни мева-чева билан ҳам
сийлайди шекилини!»

– Келинглар, келинглар, – деди сотувчи амаки негадир бизга
синчилаб тикиларкан. – Мусофири ўқувчи болаларга ўхшайсан-
лар... Сизларга энди арzon қилиб бераман-да. Қани неча килю?

Шавкат қўлини яна узум ғужумига узатаркан, менга ҳайрат-
омуз тикилди.

– Қани мазасини кўрмайсанми? Ёқса оламиз-да...

Мен ҳам бошдан икки дона узумни олиб оғзимига ташларкан-
ман, баданимга илниклик югорди.

– Ў-ў, зўр экан...

Шу аснода Шавкат бикинимга киши билмас тушириб қолди.

– Нимаси зўр?! Сен болани оғзинг мазани бісімас экан. Қани
юр олдин олма растасига ўтайлик-чи... Шундай дея Шавкат би-
лагимдан ушлаб олдинга бошлаб кетди. Олма сотувчи бобой ҳам
ўта хуашмуомала экан. Яқинлашганимиз биланоқ, иккаламизга
иккита олма тутқазди.

– Олдин таъмини тотинглар, болаларим... Савдосини кейин
келишамиз...

Шавкат кўйнадиганин икки ямлаб бир ютиб, яна бигта олмани
олиб кавшанаркан, менга «Сен ҳам ол!» дегандек имо қисиганча
тап ташлади.

– Тўрхалта қани?

– Қанақа тўрхалта? – ҳайрон бўлдим. – Ахир...

– Ахир... ахир... – Мени жеркиб ташлади Шавкат. – Меров-
лигинг қолмади, сен болани... Тўхтаб тур қофоз пакет олиб келай.

Шундай дея у яна битта олмани олганича, тез-тез юриб, нари кетди. Йигирма қашамча юргач, мени ўзи томонга имлади. Олдиға яқынлашгағым ҳамон күзларини ола-кула қылганича менга танбек берә бошлади:

— Қапаканги лаңдовур боласап-а? Ўйлама, бунинг чүнтаги сокқага тұла, мени меҳмон килади деб. Ўзим хам сен қатори... Бозорга кепишидан мақсад, ўзимизни харид қылмоқчи бўлған кишидек кўрсатиб, қорини тўйғазиш... Тушундингми, галварс?! Аммамнинг бузогидек оғзинги очасан! Ма, ол мана бу олмани, икки тишила-да, сўнг қайтариб бер... Бирорни ҳаққини ейиш одобдан эмас. Энди юр, шафтоли растасига ўтамиш.

Гапининг очиги, шу тобда Шавкатнинг калласига қойил қолдим. Айтдим-ку, ажойиб бола деб! Унинг ўйлаб топган хийласини мен каллаварам энди тушунган эдим... Шундан сўнг мени хам Шавкатдан қолинимасликка ҳаракат қилдим.

«Шафтолихўрлик»дан сўнг, ажир сотаётганлар томонга, улдан сўнг, хафа бўлмасин деб сабзишурушларга, хуллас, бозорнинг ярмига бормасдан, мева-чевага тўйиб, бўкиб қолгаидим. Ётокхонага хурсанд ҳолда хуштак чаиганча қайтдик.

Одамнинг қорни тўйгач, мазза қилиб ухлайди-да! Бошим ёстиққа тегар-теймас кипринкларим бир-бири билан ўпишиб қолган экан. Алламаҳалда, қорнимнинг бураб оғришидан уйғониб кетдим. Афтідан ювилмасдан ейилган мева-чевалар ўз хунарини энди кўрсатаётган эди. Кўз юмуқ, караҳт ҳолда йўлакдан югуриб кетарканман, кимгацир зарб билан тўқнандим. Кўзимни очиб қарасам, Шавкат! У хам қоринин чангалиаганча менга бақраийб турарди...

КАСАМ

Шодмонқул хонасига кириб, эгидигина ин бошламоқчи бўлиб тургандики, останада котиба киз бўй кўрсатди.

— Сизни бошлиқ, йўқлаяптилар! Тез...

Бошлиқнинг ўз ходимларини йўқлаб туришин табиии ҳол бўлсада, аммо негадир Шодмонқулнинг бу йўқловдан юраги уюнди: «Тез?! Нима бўлди экан-а?! Ишқилиб Мардон Шукуровични кайфиятлари яхши бўлсин-да!»

Шодмонқул юриб бораётган кўйи кечада «бошлиқ» буйруғи асосида бажарган юмушларини бирма-бир кўз олдидаи ўтказди: «Мардон Шукуровичнинг ҳамма айтганиларини... Ҳа-а, ишдан салгина барвактроқ кетганди. Эҳтимол, ўшанга жаҳллариг чиқиб...» Шодмонқул хаёл билан бўлиб, қабулхонага кирганини

хам сезмай қолди. Чүгдай поёндоз устида қатор терилгән ўрин-диклардан бирнәгә ўтиrmокчи булған хам эдики, тирногини мани-кюр килаётгән котиба сүз қотди:

– Сиз кираверинг... Мардон Шукuroвич кутяптилар!

Шодмонқулнинг баданига яна титроқ кирганича қули беих-тиёр эшик балдига ютурди. Тупутини ютиб, ичкарига қадам кўяр-кан, бошлиқнинг юзидағи ишикликтан енгил торти.

– Кирниг... кираверинг! – Мардон Шукuroвич одатига хилоф равинида ўридан кўзалиб, уни қаршилади. – Хўш-ш, ишлар қалай?

Шодмонқул миннеллаб миннатдорчиллик билдиаркан, юраги хаприкди: «Бу мулойим кутиб олишлар бекорга эмас-ов! Ҳозир яна муҳим топшириқ елкамга юкланди...»

– Эшитишимга қараганда... – Мардон Шукuroвич юзига ни-хоятда жиддий тус берди. – Сизнинг ов деган парсалардан ҳам хабариниз бор эмиш?! Кағта овчи эмишисиз?! Учиб бораётган күшни кўзидан урармишсиз. Шу гаглар ростми?

Шодмонқул ўнгайсизланди.

– Ҳа, энди... бир пайтлар тогда яшаган даврларда...

– Бўлмаса тошириқ шуїшай! – Мардон Шукuroвич ходим-нинг гапини чўрт кесди. – Биласиз, анчадаш буён соглигининг мазаси йўқ... Мен бормаган курорт, санатория қолмаци. Кеча бир тажрибали врач айтди-ки, менинг касалимга кийик гўшти шифо бўлар экан! Қалай, шу вазифани сизга ишониб топширса бўладими-а?

Шодмонқулнинг юрагига оғриқ кирди. Уни шу тобда кийикни «Қизил китоб»га киритилган поёб ҳайвон эканлиги ёхуд уни топиш ва овлаш кийинлиги ҳакида эмас, балки... Ўшанда Шодмон гўлабурдай келган полтон келбат ўсмир йигит, төғли кишилеклардан бирида яшарди. Овчилиги туфайли эл орасида «Мерган» деган шом ҳам орттирган эди. Дарҳакиқат, Мардон Шукurovичга етказишгандек бир пайтлар кўлига милтиқ тутганда кўзга чалинган күш ёхуд жонивор ундан кочиб қутулолмасди. Янги уйланган кезларида кимдир «Тирик тутилган айик боласи хисобига» унга катта микдорда пул вайда қилди. Шодмон мергани уйланиш тўйига кетган харажатларни қоплаш ниятида бу шартга рози бўлди. Одатига кўра, қалшаш саҳарлаб ўлжаш кидиришга отланди. Аммо ўща куни омац ундан юз ўтирди. Айик яшайдиган гор томон бораётганида, эҳтиётсизлик оқибатида босган қадамидан юраги орқасига торғиб кетди. Оёғи остидаи кўчган тошиа кўшилиб, ўзи ҳам жарлик томон учди...

... Оёқ-қўли гипсда шифохонаша шифтга қараб термилиб ётар-кан, ўзини кўргани келгандарга, ёшгина хотинига қараб ёлворди:

– Мени бегуноҳ жониворларнинг уволи тутганга ўхшайди! Наҳотки умрим тугаган бўлса?! Сизларниң олдингизда қасам ичиб айтаманки, шу жойда эсон-омон ўлмай оёкка туриб кетсан, бундан буёғига кўлимга миътиқ ушласам, мени ов урсин! Сизлар ҳам менга умр тиланглар... Мен ҳали яшашни истайман!!! Мардон Шукуровичнинг эса бу қасамдан хабари бор ё йўқ эканлигини билмайди. Билгаида ҳам...

– Ҳа, ўйлаб қолдингиз?! – Унинг хаёлинин бошлиқнинг норози оҳангдаги сўзи бузди. – Ё, илтимосимиз малол келдими-а? Ҳў-ӯ, оғанини бошни кўтаринг... Ахир, ҳали сизни яна ҳам юкорирок... Эҳм-м, ёғлирок жойга кўямиз деб ўйлаб юргандим. Эҳ, афсус!..

Шодмонқул зил-замбилга айланган бошини зўрга кўтарди...

– Мардон Шукурович бирор марта хизматдан бўйин товлаганидики? Аммо... бир ўйлаб кўришга рухсат беринг?!

Мардон Шукурович «ўйлаб кўришни» ризолик аломати деб тушунди, шу боис ёйилиб жилмайди.

– Баракалла! Танти йигитлигингизни яна бир марта исботлайсизда-а? Сизга икки кун. Ана, боринг беш кун муддат. Бошибухга айтиб кўйибман, командировочнийни бир йўла ола кетинг. Үлжа билан қайтсангиз кварталий мукофот оласиз. Келишдика?! Ҳўп, хайр! Овингиз бароридан келсин.

Шодмонқулнинг дарди бўғзида котди. Қабулхонага кай тарзда қайтиб чиққанини сезмай қолди.

...Ашқол-дашқоллар сакланадиган қазиоқхонани титкилаб чангта ботган милтиқни топиб чиқкан Шодмонқул хотинига дуч келди.

– Тинчликми?! – Эрининг кўлидаги қуролни кўриб аёлнинг ранги тим оқарди. – Командировкага милтиқ олиб кетадиган одатингиз йўқ эди-ку? Ёки...

Шодмонқул хотинининг кўз қарашидан шу саволни туйди: «Ёки ичган қасамингизни бузиб яна жониворларнинг қонии тўкишгами?!»

Шу боис у шоша-пиша ўзини оқлаган бўлди.

– Кишлоққа олиб бориб... Сотмоқчиман!

Кишлокда ҳар сафаргицек Шодмонқулни қариндош-уруглари, жўралари илиқ қаршилашиди.

– Сени кўрадиган кун ҳам бор экан-ку, – ярим ҳазил, ярим чин оҳангда сўради қишлоқ шўросининг котиби Шодмонқулнинг тенгдоши Раҳмонқул Мирзо. – Бутунлай шаҳарлик бўлиб кетдимикин, деб ўйловдик. Кўпга келдингми ўзи?

– Уч-тўрт кунга, – Шодмонқул ютинди, дўустидан нима ҳакида-

дир сўрамоқчи бўлши-ю, аммо ботинолмади. – Бу тоғда ҳали ҳам кийик... Умуман, тогу тошларин согинди.

Раҳмонқул Мирзо мийинида кулди.

– Сөнинишинг турган гап. Ахир, болагигинг ўтгаш жойлар... Лекин оғайни, кейинги пайтларда тоғларимизга кўз тегди. Олдин бу томонларга машина тутул отда келиш ҳам кийин эди. Эслайсанми, киши кезларинда какликлар еминил излаб қицлоклинг этанигача тушиб келишарди. Кийик деган жониворлар...

Шодмонқул негадир титраб кетди. Раҳмонқул Мирзо эса учининг бу ҳолатини сезмаган кўйи шавк билан сўзища давом этди.

– Ҳа-ҳа... Кийик, олқор деган жониворлар пода-пода бўлшиб юриншарди. У пайтларда тан бериш керак, овчилар ҳам инсофли эди-да, ахир! Шу десам, бу томонларга асфалт йўл, электр токи келди-ю, ҳастимиз ўзгарди-кўйди. Инсофининг бўри етурлар, машинада, вертолётда ов қилишичи-я... Айтгиб қўяй, дунёда одамдай диёнатини ва одамдай ионисофи ҳам бўлмайди. Инсонининг ёёғи етган жойда жонивор деганини шўри курийдиган бўлиб қолди. Хайрият, бу атрофларни заповедникка айлантиргири-ю, талон-торожлик озрок бўлса-да, барҳам топди. Лекин, катталарининг рухсати билан мистик кўтариб келадиганлар ҳали ҳам учраб тураши.

Шодмонқул яна ютиди.

– Бу... Тогда кийиклардан битта-яримта қолганими ё...

Раҳмонқул Мирзо яйт этиб унга қараси.

– Кийик нимага керак сенга? Ов қўймаслигини ҳамма билади...

Шодмонқул кўзларини олиб кочди.

– Шунчакни... Тушларимга ҳам кириб чиқашибган бўлиб қолган, жўра. Жониворларни айтиб ўтирма.

Раҳмонқул Мирзо дўстини юнатгани бўлди.

– Ҳа-а... Ҳакиқатан, туғилган жойини соғишбсан. Ушай бўлса мана, мен қаватинга кириб ўзим айлантираман.

– Йўқ, йўқ! – Шодмонқул ўзини ўта хориган киёфага солди. – Мен ўзим... Ёлтиз айлапиш ниятим бор. Менга факат битта от бериб ва... кийиклар ўтглайдиган жойни кўрсатсанг бас! Негадир ўша жониворларни кўргим келяпти...

Шодмонқул бехос отнини кишинашидан уйғониб кетди. Бу кезда ҳали атрофдан қоронилик қора нардасини йиништириб олмаган, кўктоқида ҳам икки-уч ҳовуҷ юлдузлар шодаси нариплаб совуқ нур сочиб турарди. Шодмонқул ёш болагардек кўзини уқалаб супади тушиб келганда. Раҳмонқул Мирзо қоратўриқ байталининг жиловидан тутган кўйин дарвозахонаса унга маҳтаб турарди.

– Тезрок ювиниб отлана қол... Нонуштанг хуржуңда. Тоғи саҳарлаб томоша қылмасанг... Отнинг ювошидан танлацим, лекин шуңдай бўлса-да, эҳтиёт бўл. Тоғ бегига ҳам тайинлаб қўйғаниман. Қийналсанг, ўшанга учрашасан. Қийиклар ўша ўзинг билган Кийикдара томонида... Тушликка яқин етиб борсанг ҳам катта гап. Улар сув ичгани тошбулоқ томон келишади. Ўшанингчун тезрок отлана қол... Мен кетдим, шаҳарга тушиб келишим керак.

Раҳмонқул Мирзо кетиши биланок у ортига қайтди.

Яшириб қўйған куролини олиб, хуржунга жойлади, сўнг отини стаклаб дарвозахонадан чиқди.

Шодмонқул «шаҳарлик» бўлиб кетганидан бўён улов минишдап чиқиб колга эканми, эгарда ўтиришидан тезда толикди. Байтални жиловидан тутган кўйи сўқмоқ бўйлаб одимлади. Йўлнинг икки томони ўт-ўланларга бурканган, ҳавода хушбўй ҳид анқир, пастда тезоқар дарё шовилларди. Аммо, Шодмонқул ён-атроф манзарасини кўрмас, фикр-хаёлида турфа фикрлар гужюн ўйнарди: «Ишқилиб, Кийикдарарага эсон-омон етиб бориб бирортагина бўлса ҳам... Раҳмонқул Мирзошинг аччини келса-чи? Ҳа, унда... Браконер овчи отган экан, менин кўриб ташлаб қочди дейман-да! Ишонса ишонпар, ишонмаса, қишлоқдан оёғи тортилади... Ҳали у ёқда хотини ҳам бор. Бу ёққа келаётгандан милтиқ олаётганини кўриб ингитингаиди: «Ов қилмайман деб қасам ичгандингиз-ку?! Нега яна... Қасамини бузиш эркак книшига ғуноҳ!» Қасам ичгани-ку ёдида, лекин бу энагар Мардон Шукурович қасамини биладими, бирорнинг қўлидан келадими-йўқми, унинг неча пуллик иши бор?! Портлаган товушдан Шодмонқул чўчиб кетди. Тош орасидан бир жуфт каклинк кўтарилиб жарлик томон ўқдек учди. От хуркиб беювталағанди... Шодмонқул эҳтиёт шарт эгардаги хуржунга қўл тикиб латтага ўроғлик милтигини суғуриб отишга таҳт килиб қўйди: «Айттиб бўладими... Бу тогу тошлар орасида бўридан тортиб қоплонгача учратиш мумкин!»

Шодмонқул милтигини елкага олгач, отни яқнироқдаги писта дарахтига боғлади. Бундан буёғига уловда юриш хавфли эди.

Шодмонқул бир оз тин олди. Хуржундан Раҳмонқул Мирзо солиб қўйған тугундан бир парча патир билан бўлак яхна гўшт олди. Лекин, иштаҳаси бўғилиб яна жойига қўйди: «Кийикдараға кўтарилиш учун бир оз куч йиниб олиш керак. Тошбулоқка эсон-омон етиб олса, ана ўша жойда бемалол овқатланади. Шунча хатти-ҳаракати эвазига ҳали кийик учрамаса нима бўлади? Йўқ, Раҳмонқул Мирзо алдамайди. У айтдими, демак кийик бор. Эҳ, шу ташвишдан бир амаллаб халос бўлсаиди, сўнг иккитчи маро-

таба ов деган нарсанни күчасидан ўтишни буткул йинчишириарди. Барибир шу ичган қасамини бузатганилиги ёмон иш бўлди-да! Иримчи бўлмаганида ҳам гўрга эди. Энди бундан буёнига бирор-бир иши юришмасаям ана шу «қасамни бузганликка» тақайверади. Мардон Шукуровични буйругини бажармаслик эса... Бунинг устига бошлиқ ёғли вазифа ҳам вайда қиласяпти!»

Шодмонқул оғир ўйлар гирдобидан зўрга кутулганича тор сўқмокдан тепага қараб тирмашди. Юраги турс-турс урар, аъзон бадани жик терга ботган, тиззалиари қалтирад, бир зумга бўлсада, Мардон Шукуровичнинг истехзоли башарасини кўз олдига келтирганича яна тепага қараб одимларди.

Шодмонқул Тошбулоқка етиб боргандан тамоман ҳолдан тойған, қўл-тиззаларни шилиниб тушганилигидан муттасил ачишар, аммо анчагина тетиклашган эди: «Ишқилиб, етиб келдим-ку! Бу ёғига бикиниб... Бир кеча-кундуз бўлса ҳам пойлади. Майли, ҳамкишлоклари, ана... хотини ҳам юз ўтирсии! Лекин, Мардон Шукуровичнин тан олдиртиrsa бас... Ана шундан кейин, ишхонада унинг пишагини «Пишт» деб кўрсашар-чи?!»

Шодмонқул ният қилгандек булоқнинг сувидан тиникиб ичди, енгил-елни тамадди қилди: «Шамол йўналишининг тескари томонини танлаши керак. Бўлмаса, кийик деган жонивор олти чақиримдан ҳам бегона ҳидин тужди. Ху, анави ҳарсанг орти... Ўша жой маъқулга ўхшайди. Баланд булоқ атрофи ўша жойдан кафтдек кўзга ташланса керак». Шодмонқул яхшилаб жойлашиб олгач, нима иш қилишини билмай, яна хаёлга ботди: «Барни бир қасамни бузатганилиги кўп хунук иш бўлди-да! Битта порахўр бошлиқнинг буйруни деб элу юрт, ҳамкишлокларидан юз ўтиришса-чи?! Хотининику «Куролши сотиб келаман» деб алдали. Шундай бўлсаем, бу пишинг бирор-бир кун миси чиқади-да. Унда неча пуллик киши бўлади... Йўқ... Йўқ! Бу ишни бажармаса бўлмайди! Ҳамкишлокларини унинг шахсий ҳаёти билан нима ишлари бор? Ўзинг учун ўл етим деган гап бор. Бу оламда қасам ичиб уни бузиб яшаётганлар камми?! Ахир, у ҳам яхшироқ мансаб эгаллашини, яхши еб, яхши кийишни истайди... Агар шу «буйруқни» бажармасин-чи: Мардон Шукурович эртаси кунни унинг думини тугаци. Эй, худо! Шу ташвишдан эсон-омон кутублиб олсайди...»

Шодмонқул муздек тошга суюнниб ҳаёлига эрк берганича мудроқ босганини сезмай қолди. Қанча пайт ўтиганини билмади. Ички бир хисдан туйкус чўчиб уйғонди. Ҳарсанг орасидан булоқ томонига писиб қаради-ю, кичкириб юборишдан ўзиниң зўрга тийди. Бир эмас, бир тўда кийик шундайгина унинг кўз олдиди ўтлаб

юрганди. «Ха, Раҳмонқул Мирзо алдамаслыгига кафил эдим! – Шодмонқулнинг қўли беихтиёр милтиқ томон силжиди – энди худо омадини бериб... Анови четда қоровулликда турғани семиз экан... Э-э, кичкина иккита болачаси бор-ку! Йўқ, улар увол. Яхшиси тўдага қараб отади... Ишқилиб қўли чиқиб кетмаган бўлсин-да!»

Шодмонқулнинг томирларида овчилик қони қайтадан гупургандек бўлди. Ҳаяжондан юраги гушилаб урди. Шу аснода кийиклар тўдасининг сардори ҳавода нохуш хидни туйгандек ғалати сас чиқарганча олдинга иштилди. Ортидан эса қолган жониворлар... Шодмонқул шоша-ниша тепкини босди. У шошиб ўрнидан қўзгалаётib, тиззасини ҳарсанта уриб олди. Сўнг, оғриқни ҳам унугиб, олдинга қараб ҳаккалади. Булок бошига етгач юраги зиркираб кетди. Ён атрофни қоп-кора қонга бўяганича ёшгина кийик боласи жон талвасасида типирчиларди. Шодмонқул ўзидан ўтгиз-кирқ қадамлар чамаси нарида изига қайтган она кийикка кўзи тушиб қалтираб кетди. Шодмонқул ўн йилга яқин овчилик билан шуғулланиб бундай ҳолга тушмаганди. У хушини йиғиб оёғи остига қаради. Кийикча ҳамон жон талвасасида типирчилар, чиройли кўзларининг корачиги торайиб борарди. Шодмонқул пичогини сугурди-ю, кўзларини юмганича жониворни бўғизига кўл сирмади... Еру осмон чиринрак бўлиб айланди. Тогу тошлар акс-садо берди.

– Ичган қасаминти буздинг-а?! Бегуноҳ жониворнинг увалтига қолдинг-а!

... Шодмонқул қабулхонага киргач, бошлиқни суриштирди.

– Йўклар, – котиба қиз унинг юзига қарамасдан жавоб берди. – Лекин, сизни... Келса албатта кутиб туришинизни тайинладилар. Кейин аллақандай мукофот ҳақида гапирдиларми-ей. Марҳамат ана стул... Ўтира туринг.

– Вактим тифиз, – Шодмонқул бир варак қоғозни котиба кизнинг олдига ташлади, – мана бу... ишдан бўшашим, ўз вазифамни этголласлигим тўғрисида. Мен... Қасам урган одамман!

Котиба қиз бошини илкис кўтарди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Шу уч-тўрт кун ичида Шодмонқулнинг соchlарини оппок қиров қоплаганди.

УЗУН КУНЛАР

Эркин сўлим тоғ этагидаги дам олиш ўйига тушга қолмай етиб борди. У ҳали йўлда келаётганидаёқ дурустроқ шерик топгунча зерикиб қолишини ўйлаб ҳавотирлашган, ишқилиб кувноқ

ва бамаъни таниш орттирай-да, деб пият қилганди. Ўзига теккан иккинчи қаватдаги чогроққина хонада нарсаларни жойлаштириб, ноганиш ҳамхонасини кутди. У узокроқ кетган шекилли... Эркин ихчамтинг шахмат тахтасини столининг устига кўйди: бу вақтни ўтказишнинг мақбул эрмаги. Унча жини сўймаса-да, картаниям олиб келганди. Балки ҳамхонаси яхши кўрар... Бошқа майда-чуйдаларининг кўни ваннахонадан жой олди. Кийимларини жавоша илиб, ҳамхонаспининг янгигина уст-боши, пойабзали, ботартиб тўшагига назар ташлар экан, анча-мунча фаросатли, ҳатто ўзидан тўрт-беш ёш қагтароқ одам эканлигини чамалади. Стол устига тахланган кигобларини кўриб, агар шуларни ўқиса, диди чакки эмас-ку, деб кўйди. Аммо, бу каби маскаларда китоб муголаа қиласиганлар кам учрайди. Бундай одамлар билан ўтадиган вақтига ҳам ачинмасам бўлади. Тўғри, янги танишилар орттириш яхши, ҳар қалай, шерикларнинг дунёвий билимлардан хабарлор, фазилатли одамлар бўлишишга нима етсии. Бунинг тескариси бўлса, додингни кимга айтасан? Лекин ҳамхонаси ёмон одамга ўхшамайди.

Эркин йўлак ва пастдан ора-сира эшитиладётган овозларга қулоқ тутиб оромкурснга чўкли. Хаёлга бериниб, кўзининг шиннганини сезмади. Кўн ўтмай оёқ товушидан уйғониб кетди. Киргап кишин ундан аввал салом берди. Эркин алик оларкан, ўриндан туриб қўл бериб кўришиди.

— Ҳамхонамнинг кетганига икки кун бўлли, — деди у кулимсираб, — дарров ўрни билдиши-колди. Нима қилиншимни билмай ўзимга шерик излаб юргандим. Сизни худонинг ўзи етказди. Танишиб кўяйлик, исмим Фарход.

Эркин ўзини танишилар экан, ҳамхонасининг ўрта бўйли, тўладан келган очик чехралин кўзлари ёқимтой кулиб турувчи йигит эканлигини кўриб дили таскин тоғди. Ҳа, ёши ҳам пари борса 35 ларга яқинлашган, нари борса икки ёшга фарки бор.

— И-е, шахмат, карта олиб келибсиз-ку. — Фарходининг кўзлари дарров янгиликни ишаганди. — Энди уйку йўқ экан-да?

— Буям бир эрмак-да, — деди Эркин.

— Айтмоқчи, тушшукка бормайсизми? — деди Фарход соатига қараб, — тугашинга озроқ қолибди-ку. Чой-пой ичдингизми ёки...

— Йўқ. Лекин уйдан у-бу пиширгириб келгандим, — деди Эркин очигинга кўчиб, — шуларни тамадди қилисан қандоқ бўларкин?!

— Булар тураверсин, — Фарход кўпмади. — Ана музхонага кўйини; ҳали чангини чиқарамиз. Тўрт-беш «Оксокол» ичкарида газакни кутиб яхляб ётибди...

У қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Тушликда ошхонада бир күришмасак бўлмайди, – дея изоҳ берди Фарход. – Бошқа шериклар хавотир олади. Айниқса, иккитаси ўрганиб қолган. Дарров дўстликка хиёнатда айблайди.

– Бўлти, борганимиз бўлсин.

Эркин ҳамхонасиning изидан эргашди. Улар тилам тўшалған узун йўлак бўйлаб бориб, кең баҳаво ошхонага чиқиши. Бу ерда одам кўп эмасди. Ўзларига ўхшаган тўрт-беш кечиккан дам оловчилар ташову қилишарди. Аммо Эркин ҳамхонасиning «дўстликка хиёнат» деганица бошқа нарсани хаёлда тутганини сезмагани.

Қараса, эшик ёпидағи ўринликда иккита ҳурлико қиз ўтирибди. Улар Фарҳодни кўришлари билан ўринларидан туриб, ҳазил-қочирим гап-сўзлар отишди. Аммо, унинг қандай жавоб қилганини Эркин антломади. Қизлар йигитлар билан муомаланинг ҳасисини олган шекилини, Эркинга тортишмай савол назари билан қарашиб, салом бериши. Қизларнинг ўрта бўйли, қошкўзи чатма, соchlарини елкасига ёйиб ташлаган ва кулча юз, кўзларидан шаддодлиги билиниб тургани Гуля – Гулшидом, ундан бўйи сал узунроқ, сочи жингалак ва юзини билинар-билинмас сепкил босгани Диля – Диљдора экан. Эркинни билгани шу бўлди. Қизлар епгил нағис матодан замонавий фасондаги енги калтга, елкаси кўкрагига довур очик ва калта кўйлак кийишган, тинмай гапиришар ва қулишарди. Эркин азаидан гапдон қизларни ёқтирамасди. Худо кўрсатмасин мабодо хотини шундай бўлса борми, додини кимга айтарди?! Яхшиям Ойниса оғир, камгап жувон. Фарҳоднинг эса парвойи фалак. Уларга ҳазил қилар, ҳатто билакларидан биштирмай чимчилаб оларди. Тушлик кувноқлик билан ўтди. Эркин ора-чора ганига қўшилар, шу орада Диљянинг Гуляга қулоқ осиши, унинг ҳокимлигигиши англади. Тушликдан сўнг ошхона олдидағи хиёбонга чиқиши. Бу ер жуда салқин, дарахтлар куюқ соя ташлаб турар, сал нарида отилаётган фавиора атрофини янаца гўзал, кўркам кўрсатаци. Мажнунтоллар шамолда оҳиста тебранарди. Узокдан қорли тоғлар, ундан бериша ўркач-ўркач ацирлар ястаниб ётибди. Улар кўм-кўк боғларга бурканган. Тенгацан пимадир қаттиқ шовуллайди. «Шаршара» деб тушунтириди Фарҳод. Ҳозир шу ерга бориб кафеда музқаймоқ еймиз. Бу таклиф қизларга ҳам маъқул тушди. Эркин ҳали бу ерда япганигиги ва таниши йўқлини боис кўичиликка эргашди. Фарҳод шундай усталик билан Диљяни Эркинга ҳамроҳ қилиб кўйдик, эътиrozга ўриш қолмади.

– Қизлар қанчалик гўзал бўлмасин охудаі ҳуркак, йигит эса

бамисоли арслондай, – деди у тантанавор охангда, – төгларда кирлар кўп. Сўқмок йўллар эса ниҳоятда хатарли. Дўстим, бу киз учун бошингиз билан жавоб берасиз.

Гуля унинг гапларидан хурсаң бўлганідан чапак чалиб юборди. Эркин илжайди. Диля Фарҳоднинг чиройли гапига маҳлиё бўлиб, сал бўлмаса, оёғини тошга уриб олаёзди. Фарҳод ёлғондакам огоҳлантириди:

- Бироннинг мулкига кўз олайтирилмасин.
- Фақат бир шартим бор, – деди Эркин ниҳоят тилга кириб, – қизларни ўз оти билан атасам девдим. Ўрисчасига ҳеч кўни-колмаяпман.
- Сиз янги меҳмон, оҳорингиз тўқишимасин, – Фарҳод бу ёнини ҳам тўғрилади, – айтганингиз бажо бўлади.
- Гуля.
- Гулаңдом, – қизнинг ўзи давом эттириди.
- Бу хоним эса Диля, яъни...
- Дилдорахон, – униси ҳам худди саҳнадаги артистлардай йигитнинг гапини ишлиб кетди.

Улар тепага ўрлаган ёлғизоёқ йўлдан боришиб, кўп ўтмай шаршаранинг олдидан чиқиши. Тоғ тепасица тошларни оралаб нақд бир тегирмон сув пастга отилар, овози узок-узокларга эши-тиларди. Шаршара олдида майдонча анча бағандда жойлашганидан узок-яқинлар кафтдагидек кўзга ташланарди. Бу ер янайм салқин. Мажнунтошлар остида стол-стулаар, сал нарида музқай-моқ сотиладиган дўкон... Негадир одам кам. «Кечқурун кўпайса керак, анча баҳаво бўлади», дея Эркин хаёлидан ўтказди. Пастда, водийда ҳозир саратон – иссик нак ёндираман дейди. Уйдагилар мирикиб уйқуни уришаётган бўлса керак. У хотини Ойписава тўрт ёшли ўели Алишерни кўз олдига келтириб ширин энтиклиди. Сўнг хаёли устози – бошқарма бошлиғи Мехрибон Кўчаровга оғди. Устози якнича уни олдиға чакириб, қўлини маҳкам кисиб насиҳат қилди: – Яхши ишлайпсиз, Сиздай қадрларни қадрига етамиз. Ижод қиялпсиз, ихтиrolарингиз ишлаб чиқаришда қўла-нилляпти. Мен бошидаёқ сизни шогирдликка олиб янглишимаган эканман.

- Раҳмат устоз, – деди Эркин кўнгли эриб, – яхшиликларинингизни унутмайман.
- Аммо инсон ўз билганини бирорвга ҳам ўргатиши керак. Майли, бу ҳақида кейин гаплашамиз. Сиз мирикиб дам олиб келинг...
- Дилдорахонни қулайроқ курсига ўтказинг, – Фарҳоднинг гапи унинг хаёлини бўлди. – Хизматда бизлар, иззатда қизлар...

– Бўпти сояга ўтинг, – Эркин гапи беўхшовроқ чикса-да, мослашишга ҳаракат қилди. У буларнинг барисини дўстона гурунг ва ҳазилларга йўяр, дам олиш пайтлари бусиз бефайз ўтишини англарди. Анча ёқимли, кўнгли очик қизлар экан. Бунинг нимаси ёмон?

– Менда бир таклиф бор, – деди Фарход музқаймок олиб келиб стулга ўтирган пайтда. – Оғзимизга нима келса шуни ганириб кулиб ётмайлик. Келинглар, ҳар ким навбати билан қизик ҳангомалар, шеърлар, кўшиктар айтсан. Қўлидан келганича.

– Бўлти, шундай қиласми.

– Кимдан бошлаймиз?

– Алфавит тартибида бўлади. Гуля, яъни...

– Гуландом, – қизнинг ўзи давом эттирди. – Шуниси ёмон-да. Имтиҳонларга ҳам доим олдин кирадим. Домиллалар бошида жуда қаттиқ киришарди. Ҳозир ўзимни синов топширяпман, деб хаёл қиласман-да, яхши кўрган қўшиғимни айтаман. Фарход ака, тарелкани олинг.

– Ўтган йили театралнийни бигирган, – Диљдорахон Эркиннинг қулоғига шивирлади.

Фарход кўлига тарелкани олди. Қиз охиста қўшиғини бошлади. Овози ипакдай майин ва ёқимли экан. Эркиннинг эти жимирлади. Ҳа, унинг юзи очиқлиги, шаддодлигига жоп бор экан-да. Санъаткорлар, айникса, артистлар тортинмайди. Балки, келажакда ундан машҳур кўшиқчи чикар?

Фарход унинг овозига мослаб тарелкани ўйнатар, қиз берилиб, лекин паст овозда қўшиғини кўйларди. Сийрак бўлса-да, дам олувчилар қўшиққа кулоқ тутишарди. Қўшиқ ёшлиқ, гўзаллик, гуллар, баҳор ҳакида эди. Аммо, тезда якунига етди. Енгилгина чапаклар, олқишлар янгради.

Навбат Диљдорахонга келди. У шеър айтишга кўнди. Шеър ҳам ёшлиқ, ҳам гўзаллик ва севги ҳакида эди.

Сокин кечалари кўзим ўнгида,
Мунис карашларинг бўлди намоён...

Эркин ширин этгикди, қалбида ёқимли, ширин ҳислар уйғонди. Нимаданцир коникиш туйди. Қизга меҳрли боқди. Лекин, бу алдамчи туйғулар эмасди, покликка йўғрилган, алланечук сирли туйғулар эди.

Айтиш навбати ўзига етганда, қизик-қизик ҳангомалардан сўзлади. Атрофни кули, қахқаҳа босди.

– Бир куни, – деди у давом этиб, – катта зални одамлар тўлдириб ўтирганда мишибарда турган бошлиқ шундай депти:

– Кани, хотинидан күрккаңлар ўрнидан турсин. Шунда зат-дагиларниң ҳаммаси ёнпасыга дик этиб ўрнидан иргиб турибди. Қарашса, залнинг ўргасила бир киши бамайлихотир ўтирган эмиш. Дархол атрофини ўраб олишибди.

– Койил, хотинидан күркмайдиган бу лунёда бор экан.

– Марслар ҳали яшапти!

– Сири нимада оғайни, бизгаям айтиш?!

Ниҳоят ўтирган одам тилга кирибди.

– Хотин номиниң эшигтанимдаёт, ўрнимдан туриш у ёқда турсин, оёғим шол бўлиб қолши.

Фарҳодниң ҳангомаси ҳам ўзининг даражасига, даврага мос экан.

– Бир киши нарги дунёга борганида Мункар накир сўрек киляти:

– Ер юзида нима гуноҳ иш қилигансиз?

– Ҳеч қанақа!

– Бўлиши мумкин эмас. Айниска, советлар тузумида фариштадек ҳалол яшаш камдан-кам одамга насиб этади. Ўша куни Мункар накир жанобларининг шимадаидир таъблари хира бўлиб турган эканми, хулас, айб топгиси келаверибди.

– Қизлар бишан юрганимисан?

– Йўқ.

– Ароқ ичганимисан?

– Йўқ.

– Майшат қилиганимисан?

– Йўқ.

– Бўлди сенинг жойининг дўзахда.

– Нима учун? – депти бечора, – шунча йил ҳалол-покиза яшаб-а?

– Чунки, – депти фаришта, – у дунёдаги азобу ҳамма роҳатларни Ҳудо одамзод учун яратган. Сен эса меҳнат қилибсану, лекин роҳаидан бебаҳра қолибсан.

Кечки салқинда қизларни ўз гўшасига кузагиб, йигитлар ўз хонасига қайтиши.

– Яхши қизлар. Қандай танишдингиз? – деди Эркин Фарҳодга, – омадингиз бор экан.

– Тўғрисини айтсан, ўзлари мени топишган, – деди Фарҳод тўшакка чўзилар экан.

– Қандай қилиб? – Эркин қизикди, – наҳотки сизда шундай сехрли кудрат бўлса...

– Бор экан-да.

– Ҳа, айта қолинг, балки мендаем бордир.

– Айтайми? – Фарҳод кулимсиради. – Эшитинг; улар менинг банқда бошлиқ эканимни билиб атрофимдан кетмай қолишиди. Бир шаҳарда яшаймиз. Фойдам тегади-да.

– Кўйсангиз-чи, – Эркин ишонмади, – сизни қувноқ, ҳазилкаш ва яхши йигит деб ўйлашши.

– Бу атрофда ўша сиз айтған қувноқ, ҳазилкаш яхши йигитлар тўлиб ётибди. Лекин, қўпининг чўнтағи курук. Гулъя билан Диля уларни бошига урадими? Уларга пулдор одамлар керак. Бойвачаларни излаб ҳар йили шуцай роҳатижон жойларига келишади. Улар ҳисобидан ўйнашши, кулишади. Яна нима керак. Кечирасиз, ўзингиз нима иш қиласиз?

– Бошкармаца ихтирочи – муҳандис.

– Маош юқоришир?

– Олдинлари яхши тўлашмасди. Энди ёмон эмас. Ўзимизга етади.

– Диляни айлантиришга касбингиз ярамайди, – Фарҳод ўрнидан туриб ўтириши, – сўраса бошқа ёғлироқ жойнинг помини айтинг. Акс ҳолда қиз сиздан дарров совийди, – Фарҳод кулди. – Энди топғанда ажралиб қолмайди, ошна. Дам олиш татимайди.

– Мен дўстона муносабатда бўлмоқчиман.

– Ўргада нафс отлиғ бало бор экан, қиз билан йигит ҳеч қачон дуст бўлиб қололмайди. Шуни яхши билинг.

– Нафсни енгиз мумкин-ку!

– Шу ерда дам олишда-я?!

– Бўлмасам-чи!

– Майли торғанишмайлик. Ҳали бир-биримизни яхши билмаймиз-ку. Мен омади гапни айтдим, холос. Келинг, шахмат ўйнаймиз. Фарҳоднинг бу гапи унга маъқул тушди. Ўйинни бошлашибди... аммо Эркиннинг хаёлидан улинг гаплари кетмай қолди. Ҳаммаси аччик, аммо рост гаплар эди. Қизларининг шу ерларда бузуклик килишларини ҳечам кўз ўнтига келтироимасди. Қанча яхши ўйнашга тиришмасин, ҳамма нарсанинг ҳисобини олишга одатланган Фарҳодни енголмаци.

– Сиз бир айланиб келинг, мен озрок ухлайман. Эртага кечкурун қизларни бир знёфат қилмаймизми? – деди Фарҳод.

– Майли, – рози бўлди Эркин ва ташқарига йўналди.

Хиёбоншарни кезди, салқин ҳовузда чўмилди, иссинқ қумда ётди. «Ҳеч нарсани ўйламайман, – деди ўзига-ўзи, – менга нима, ким билан юрса юравермайдими? Бу дунёда ким қандай хоҳласа шундай яшайди. Шунга яраша у савобу гуноҳ ортириши».

– Бошликларинг ким? – деди Фарҳод кечки сухбатда, – балки танирман.

— Мехрибон Кўчаров деган киши. Фан номзоди. Маърифатли одам.

— Кўрганман, лекин сұхбатдош бўлганимиз йўқ. Яхши одам бўлса сиздай мугахассисларни ўстиради-да. Хозир замон ишбильармон, саводли кишиларники, — деди Фарҳод бу мавзуга якун ясаб, — зерикиб кетдим. Музхонани очиб анови зормандани кўйинг.

Бу таклиф Эркингаям маъкул тушди.

Эртаси куни нонуштадан сўнг улар қизларни Кўрғон марказидаги дўконлар томошасига олиб боришли. Фарҳод Гуляга қимматбаҳо совға олиб берганини кўриб, Эркин ўлганининг кунидан Диляга духи олиб берди. Тушдан сўнг қизларни кузатиб кўйиб, бозор-ўчар қилишди. Негаки, кечкурун йигитларнинг хонасида сұхбат ўтказишга келишилган.

Кизлар базмга нихоятда чиройли кийиниб келишди. Гўё одамзод наслидан эмас, осмондан тушган фаришталар, дейсиз. Эркин Дилдорани бунчалар очилиб кеттанидан ҳайратда эди. Аммо олдинига сұхбат қовушмади. Қизлар ичмаймиз, деб туриб олиши. Фарҳод бутун маҳоратини ишга солиб, тошни эритди. Конъяқ Дилдорага ёкиб қолди. Гуля оқидан ичди. Ўйин-кулгу алламаҳалгача чўзилди. Эркин азалдан ичклиликка чидамсиз эди. Фарҳод шуни сездими ёки йигитни синағиси келдими босиб-босиб берди. Эркин Дилдора ёнига йикилаётуб бир нарсани аниқ эслайди. Қиз ундан манзилини ёзив беришини сўраб дафтарчасини узатмоқда, у эса эгри-буғри қилиб ёзишга ҳаракат қиласади. Хонада икковидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ярим тунда ичи ёниб уйғонди. Ванинадаги жўмракдан муздек сувни симирди, сўнг ечиниб сувга тушди. Ҳуши ўзига келди, артиниб хонага чиқди. Қизик, Фарҳод каёкка кетдийкин? Тўшаги бўш, ўзи-чи? Нима қилиб кўйди? Дилдорани ўлганини, кучганини, кейин ўзидан нари итарганини билади. Қиз бадмаст, унга маҳкам ёпишган, унча-мунча куч ажратса олмасди. Сўнг эслолмайди. Шошма, стол устида дафтарчаси қолибди-ку. Қани нималар ёзилган?

Эркин кизиксиниб уни вараклай бошлади. Вой-бўй: хамма жойига манзиллар, шаҳарлар, катта-катта раҳбарлар, ишхоналар, телефон рақамиари, ие, устози Мехрибон Кўчаровнинг исмишарифлари ҳам ёзилган-ку. Наҳотки? Ҳа, мана кўча, уй раками, телефонлар, ҳаммаси тўғри. Факат қизнинг қўли билан ёзилган. Устозининг дастхатини яхши танийди. У киши ҳам Дилдораҳон билан бирга бўлганми? Бўлмаса дафтарчага қандай ёзилиб қолган?! Ўзи ҳам ёзди-ку!

Эркин дафттарчани ғазаб билген йирта бошлади. Йиртиб майдалаб хонага сочди. Мана манзилни ёзиб бериш мана, мана...

Фарҳод эрга аzonда қизлар ёнидан қайтиб, Эркинни кўрмади. Келар деб кутди. Бир пайт қараса, нарсалари йўқ. Ҳатто шахмат тахтаси ҳам. Аммо картга столда сочилиб ётибди. У ҳаммасини тушунди. Тушунди-ю, ичидан нимадир чирг этиб узилгандек булди.

ОЛДИНДА НУР ЙЎҚ

Машина тор кўчани кесиб угаётганда, бир гилдираги бехосдан чукурга тушиб кетиб, мотор учиб колди. Олдинги ўринидикда мудраб келаётган Зебо туйкус боши билан ойнага урилди. Ўзини ўнглаб, рулағи Камолини «чакиб олишга» ултурмасидан, қулогига шу яқин орадаги тўйхонадан эштилаётган қувноқ қўшиқ садолари кирди. «Ха-а, етиб келдик, – деб хаёлидан ўтказди ғазабини босаркан. Тўй тезроқ тугасайди мириклиб ухларди. Бир ҳафтадан бери аҳвол шу. Тўйма-тўй изгишади. Кундузлари кунни иссиғида бирор салқин хонани топиб, сантина дам олишни айтмаганда, бу ёғи эрталабдан то ярим тунгача тиним йўқ. Нима бало, одамларда пул шунаقا кўпми? Ўзним тинимсиз қистиришади-ца. Дам ўтмай, хирарок йигитлар арок тўла пиёлани оғзига туғиб туришади. Оғизлари қулоқларида, қўлларида жарак-жарак пул... «Ичинг, жонидан, кейин оласиз...» Зебо эса толикқанини унугиб, пулни тинимсиз «терарди». Ичкиликдан помига хўплаб қўяди. Барибир, оғзи таъмин сезмай қолади. Аммо нарх-паво ошганидан бери, бўйинбое таққан амалдор ёхуд жинси кийган бойваччаларни хисобга олмаганда, одамлар катта пул қистиришмайди. Ҳаҳ, куригини кетсин-а. Жонга тейди».

Орқа ўринидикдагиларниң тўнғиллагани Зебонинг қулоғига кирмади. Камол: «Кечирасиз опа билмалман», деб ўзича узр сўраган бўлди. Равон йўлдан сал йўл юришганди ҳамки тўйхонанинг чироқлари кўрниди. Тўхташлари ҳамоно уларни бир гала кишилар ўраб олиниди. Сабрсизлик билан кутаётган тўй эгасини ҳабардор килиш учун бўлса керак, кутиб олувчилардан бири: «Артистлар келди», деб шовқини соганича ичкарига чоғди. Сим-ёғочга ўрнатилган радиокарнайдан машхур хонанданинг қўшиғи янгарди. Отарчилар таомилга кўра ичкарида сал тамадди қилиб даврага чиқсанларида тумонат одам тўпланган эди. Ҳамманинг нигоҳи отарчиларга, Зебога каратилганди. Ўртада катга саҳна. Чироқлар атрофни куидуздек ёритган. Артистлар учун тахта сўридан жой қилинганди. Зебо яхшилаб ўриашиб олгач, атрофга кўз

югуртириди. Беш-олти кадам нарида ҳам худи шуңдай тахта сўри тузилган, хонтахта атрофида бир неча эркак-аёл ўтирибди. Афтидан – хоразмликлар. Шеваси тортиб турибди... Одамнинг кўплигини-чи. Кимсан – катта ишоранинг бошлиғи тўй қиласпти! Демак, давра базми тоғтагча давом этади.

Туй бошланди. Давра раиси дастлабки таркибдан кейин Зеболар гурухини ўртага таклиф қилиди. Рақсиша Зебо Чориева, деб эълон қилинганида, тўйхонада гулдурос қарсаклар янграши. Зебо ғуурлапиб кўйди. Ҳа, вилоятда унинг номи машхур. Кўшини элларда ҳам яхши танишади. Қанчадан-қанча кишилар унинг рақсига парвона. Бу ёғи Тожикистон, бу ёғи Туркманистондан ҳам атаяй сўраб келиб, тўйларига таклиф қилишади. Ёшлиар орасида машхур хисобланган Жумаев ҳам унинг рақсига мафтун бўлиб, қўлидан ўпид қўйган ва ўзининг фиолармониясинга таклиф қилганди. Ўшанда Собирнинг рашик оловларида ёнгандарни...

Саид «Феруз»ни тутатиб, шўх кўшикни бошлаб юборди. Зебо нарвончадан охиста саҳнага кўтаришлар экан, давра аҳлига ҳар галгидек майин табассум хадя килди-да, кўшикка мос равишда йўргалай кетди. Тўйларда юравериб, унинг тажрибаси ошиб кетган эди. Базм бошланди дегунча, ўзини чарчатмасликка уринади. Шундай қилмаса, давра қизиганда, айникса, пул қистиришлар бошланганди чарчаб қолади. У чарх уриб айланаркан, хирсу ҳавас тўла нигоҳларни сезиб турарди. Саид кўшикни тугатадётганда, хоразмлик артистлар даврага чиқишга тайёргарлик кўра бошлишди. Зебо уларга менсимай разм солди. Ҳаммаси ёш. Ўйинчиши ҳам нари борса ўп еттида. Лекин ниҳоятда келишган экан. Кўзлари сузук, коп-кора, айникса, кулгичидаги ҳол жуда ўзига ярашибди. Афтидан, бундай катта даврада биринчи иштирок этиши бўлса керак, кўзини ердан узолмайди. Зебонинг юраги шувиллаб кетди. Ҳа, бу ўйинчи ниҳоятда кўҳлик! Зебо беихтиёр ёшлигини – дастлабки тўйига қатнанинги эслади. Шўрлик, бу қиз ҳам тузокқа тушганлардан бўлса керак. У жойига бориб ўтирмасдан рақкоса оккушдай парвоз қилиб, даврада гир айланашади...

Ҳамма нарсага меҳр юракдан бошланар экан. Зебо мактабда ўқиб юрганидаёк, ўйин деса чидаф туролмасди. Телевизорда ракс берилса, ҳамма ишни йигиштириб, берилиб томоша қилиар, яхши кўрган қўшигини эшитганда эса, ўзи ҳам рақсига тушиб кетарди. Ота-онасининг қаршилиги ҳам уни бу йўлдан қайтаролмади. Кўшни қишлоқлик Сожида билан бирга маданият техникумига хужжатларни топширди. Биринчи имтиҳонни қорақадан келган ўшгина йигит олди. Зебонинг жавоблари тумтароқ эди. Ўқитув-

чи унга қараб, майингина жилмайганича: «Синглим, жавобла-
рингиз «икки» баҳодан ҳам паст. Лекин чиройли күзларингиз
учун «тўрт» кўяман. Ўқишига кирсангиз карашарсиз...», деди.
Зебо қип-қизариб жойидан туриб кетмоқчи бўлди. Лекин ўқиши
истаги уятдан устун эди. Иккинчи имтиҳонда эса омади чопмаци.
Юзи заҳил кекса аёл экан, мафтункор кўзлари ҳам ёрдам берма-
ди. Икки кундан кейин ҳужжатларни қайтариб олиш учун пав-
батга турганида бир хотин келиб, билагидан ушлади:

– Ҳужжатларни олишга шошишманг. Агар хохласангиз, сирт-
қига ёрдамлашаман. Ҳозир бизнискига бориб озрок дам оламиз.
Танишамиз.

Зебо нима қилишинни билмай, боши қотиб турувди, аёлнинг
ширин сўзлари кўнглини ёритиб юборди. Қандоқ қилиб унга эр-
гашибанини сезмай қолди. Оқ рангили «Жигули»да шаҳар орашаб
анча юришигач, яшил дарвоза олдига келиб тўхташди. Зебо осто-
нашап уйга кириши билан ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Бундай
шоҳона безакларни фақат киноларда кўрган эди. Чўғдай поёндо-
лар, ажойиб жиҳозлар кўзини қамаштиради. Худди бошқа дунё-
дек. Аёл уни чап томонидаги эшикка бошлади. Бу хона чоғрокки-
на бўлліб, тўрдаги ёюч каравот, деворга эса гилам қоқилган эди.
Аёл жавондан ғулдор халат олиб, унга узатди:

– Кийиб олинг! Кейин бирга чой ичамиз.

Чой устида танишиб ҳам олишди. Аёлнинг исми Ҳафиза экан.

– Ёлииз турасизми? – сўради Зебо.

Ҳафиза жилмайиб:

– Ёлииз эдим, мана сиз келдингиз. Агар рози бўлсангиз бирга
яшайверамиз, – деди.

Зебо унинг кўзиаридан: «Пайти келиб ҳаммасини билиб ола-
сан. Ҳозир суриштириб ўтиришинг бефойда», деган маънони уқди.
Дарҳақиқат, кейинчалик ҳамма нарсанинг фахмига етди. Ҳафиза
сўзища турди: техникумнинг сиртқи бўлимига киришига ёрдам берди.
У кечалари қаёққадир кетар, тош отар-отмас кўзлари уйқусиз-
ликдан қизарган ҳолда пайдо бўлар, кейин кун бўйи ётиб ухлар-
ди. Овқат пишириш, уй тозалаш Зебонинг зиммасида. Қизнкиб
юриб, ниҳоят, сирнинг тагига етди: Ҳафиза отарчиларга кўшил-
ган, тўйларда раккосалик қитар экан. Бу зебу-зийнатлар, шоҳо-
на ҳаёт, жарақ-жарақ пуллар шунинг орқасидан. Зебо ҳам ту-
зокка қандай илишганини билмай қолди. Чиқиб кетишга уриди.
Ўрганган кўнгил ўртанса кўйимас экан. Вактинчалик шоҳона ҳаёт
унинг бошини гангитиб кўйганди. Шу-шу умри тўйларда ўта
бошлади. Лекин, баязан жон-жонидан ўтиб кетарди. Начора ти-
шинини тишига кўйиб чицайди. Ахир, бу ёруг оламда ҳар ким ўз

пиширган ошини ўзи ичади. Аммо бир армон юрагининг тубида маҳкам ўрнашиб қолган. Ўйласа, юраги ҳаприқиб кетади. Армон яна бош кўтаради, тинч кўймайди. Бу гал ҳам шундай ходи-са рўй берди. Саҳнанинг чап томонидаги ўрнатилган ўриндик-лардан ясан-тусал аёллар жой олишган. Баъзи бирларининг кўлла-ридаги эмизикли гўдаклари тинмай талпиниб кийкиришарди. Бунга кўзи тушиб, Зебо хўрсиниб кўйди. Ха, у оналик меҳридан маҳ-рум эди. Бунинг тарихи узок.

Ўшанда у Собирга турмушга чиқкан эди. Энди Собир уни тўйга олиб боришдан қизғанар, кўпроқ уй ишлари билан шуғул-ланишини истарди. Шу орада бўйида бўлиб қолди. Бўлғуси фар-заңчини ўйлаб, ёқимли хаёлларга берилар, тўйларда тушган ҳар хил матолардан кўйлакчалар тикарди. Узини авайлаб-асрашга ҳаракат қиласарди. Бир куни тушдан сўнг Собир ҳовлисиб келди. Унинг авзоини кўриб, Зебо: «Нима гап, тинчликмикан?!» деб хавотирга тушди.

– Тингчилик. Сени олиб кетгани келдим, – деди асабийлашиб.
– Ҳазратқуловнинг тўйи бор эди. Ўғлини уйлантираётганмиш...
Кайсицир тўйда рақсингта хуштор бўлибди, сенга элчилар жўна-тишибди. Кимсан Ҳамидов – вилоят маданият бўлимининг муди-ри. Паастда, машинада сени кутиб турибди.

Зебо қулогига ишонмади. Ахир, кечагина эмасмиди, сени еру кўкка ишонмайман деганлари? Буун эса... Боз устига ҳозир тўйлар-га борадиган аҳволдами?

– Керак эмас, – деди у, юраги сиқилиби.

Бу сўзлар ёниб турған оловга мой сепгандек бўлди.

– Нима, қапанта ўт кўймоқчимисан?! Мени бу ердан бадарға килмоқчимисан? – деб ўдағайлаб кетди Собир. – Кимсан – Ҳаз-ратқулов-а! У билан ўйнашиб бўлмайди! Мен кимман? Не-не зўрларнинг ҳам бутини айириб юборади-ку!

Зебо унинг бу аҳволидан нафрatlаниб кетди. Бунча тубан...

Аммо хотинининг зорланиши Собирнинг юрагини юмшата олмади. Ноилож кийинди. Шундан кейинги Собир ҳовуридан тушди. «У ерда бизга ўҳшаган артистлар тикилиб ётибди. Теса, бир марта навбат тегади. Ўзингни эҳтиёт қиласан. Қорнингни тортиброк боялагин».

Зебо саҳнага чиққанида, гулдурос қарсаклар янгради. Жарак-жарақ пуллар қистира бошлашибди. Собир буларни кўриб, қўшикни тўхтатишни хаёлига ҳам келтирмас, Зебонинг имоларини пайқа-мас эди. Бикинида қаттиқ санчик турди. Пешонасини тер босиб, ҳолдан кета бошлади. Тўй тугаб машинага ўтириши билан хушини йўқотди. Кўзини очганида касалхонаца эди. Операция узок давом

этди. Пешонаси шўр экан. Ўзи тирик қолди-ю, боласи... Бунинг устига дўхтирлар, «энди фарзаш кўрмайсиз» дейишди.

Касалхонадан чиккач, тўғри Ҳафизаникига борди. Собирнинг ялиниб-ёлворишиларига парво ҳам қилмади...

Доирачи Ҳаким чой узатиб, хаёлинни бўлиб юборди. Нихоят, хоразмлик артистлар саҳнани тарк этишди. Давра энди қизиган. Ширақайф қўйчириклар эшигитиди. Тор ушлаган йигит пешонасидаги терни рўмолчаси билан артар экан, даврага қайта-қайта таъзим қиласади. Лекин бу олқишилар унга эмас, ёш, гузал раккосага қаратилганини сезмади.

Зебо бошлиқ гурух эса юракларни ховучлаб ўтиришарди. Хоразмликлар даврани тарк этгашиларига қарамасдан, қарсаклар узоқ давом этди.

Навбат Зеболарга берилди. Аммо қарсак ў ёқда турсин, ҳатто бир бурчакдан: «Керак эмас, керак эмас, Раънохонининг ўзи чиксин», деган норози қийикириклар янтраци. Зебо барибир саҳнага кўтарилилар экан, оёқларидан мадор кетиб, пешонасини тер боса бошлади. Бу нимаси? Шунча йил тўйма-тўй юриб, бунақасини кўрмаган эди. Бунинг ҳолатини сезгандай, ашулачи сўнти чорани ишга солди. «Илон рақсини» бошлади. Бундан Зебонинг кўнгли ёришди. Баданига илиқлик югорди, оёқ-қўлларига жон кирди. Ҳа, бу рақс уни машҳур қиласади. Бошқа рақкосалар ҳам ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, ундаи қиёмига етказиб ижро этишолмаган...

Зебо берилиб ўйнар экан, бенхтиёр ёшлигини эслади. Кўз ўнгидан ҳаяжонли боққан кўзлар ўта бошлади. Бор маҳоратини ишга солди. Нихояг, мусика тугаб, навбатдаги қўшиқка ўтилди. Зебо, ҳар галгидек энг севимли рақсидан кейин гулдурос қарсакларни кутаётган эди. Лекин, бу нимаси? Ҳеч ким бунга эътибор қилмаяти-ку? У кўзлари жовдираб, атрофга илинж билан бокди. Наҳотки, ҳатто иримига ҳам бирорта қарсак чалишмаса? Унинг кўз олди коронғилашиб кетди. Кўзлари жикқа ёшга тўлди. Томонига бир нарса тикилганшек бўлиб, нафас олиши қийинлашди. Демак, энди ҳаммаси тамом! Олдинча ёруғлик йўқ! Энди у кимга керак? Ота-опаси аллақачон юз ўтиришган. Эри, фарзанди йўқ... Каерга бораци? Ким унга кўз тикиб турибди?

У саҳнани алам билан тарк этаркан, маглуб бўлганини чин дилдан хис қиласди. «Одамлар бунчалик бешафқат бўлмасалар!» деб ич-ичидан ингради. Миясига бирдан шуңдай фикр урилди: ҳар бир инсонча учта доимий йўлдош бўларкан – дўстларн, душманлари, томошабинлар... Инсоннинг иши олдинга ёки орқага кетиши шу тоифадатиларнинг қайси бири кўшилиги ёки камлигига

боглиқ экан. Демак, томошабинлар... Бир имосига маҳтал бўлиб, бойликларини хазондай сочмоқчи бўлганлар – томошабинлар экан-да. Афсус, минг афсус...

Энди унга хеч ким эътибор килемасди. Даврада эса яиги қўшик янграр, ёш, сулув раккоса ўртага чиқиб, чир айланиб эркаклар кўнглига ғулгула соларди.

МУХАББАТ ВА НАФРАТ ҚЎШИФИ

Рустам дарсдан қайта туриб, ёгоқхонага кираверишдати стол устида қалашиб ётган хатларга кўз югуртириди. Лекин ҳафсаласи пир бўлиб, кўнглини умидсизлик чулғаб олди. У Дилшоданинг чиройли, жимжимашор дастхатини мингта хатнинг ицидан ҳам дарров танирди. «Унга нима бўлдийкин, тиҷчиликмикан?» Безовтаданинг ўйлади у. Бугун ўттиз уч кун бўлди. Ҳафтасига ундан камида битта хат оларди. Бориб келсаммикан-а кўнглидан ке-чирди у. Аммо ҳозир сессия пайти. Мана жиёни Одил хат ёзибди-ку. Негадир кўнгли ғаш эди. У хатни очиб ўқишини ҳам унтиб хонасига кирди. Нохуш фикрлардан чалғиш учун бошини муздек сувга ювди. Ечинишга ҳам ҳафсаласи бўлмай, тўшакка чалқанча чўзилиб жиёнининг хатини кўлга олди.

Одил кўнгли очик, шоиртабиат йигит. Ўтилан йил ёзда шаҳодатномасида чет тилидан баҳо бўлмагани учун журналистика факультетига хужжатларини топшира олмаганди. Хужжатларинги бошқасига топшириб омадингни синаб кўр, деган маслаҳатнига кўнмади. Ўн йилда ўрганиб бўлса ҳам шу факультетга ўқишига кираман, деб оёқ тираб олди. Ҳозир қишлоқда. Чет гилини мустакил ўрганаётган эди. Одил тез-тез хат ёзиб, зарур китобларни сўрар, Рустам ҳам иложи борича уларни топиб жўнатишга ҳаракат киларди. Бу сафар ҳам ҳойнаҳой биронта кўлёzmани сўрагандир, дея ҳафсаласизлик бишан мактубни кўлга олди. Лекин бу хат бошқача эди.

«Салом тоға. Авваламбор мени кечиринг. Бу галги хатим сизни қаттиқ изтиробга солади. Лекин начора... Якшанба куни Дилшода опамнинг тўйлари бўлди. Универмагда ишлайдиган Нусратхўжа деган йигитга турмушга чиқди. Сизни олдинроқ огоҳ кила олмадим. Чунки тўй шошилнич ўтди. Мен бу хабарни тўй куни эшидим...»

Рустам хатни охиригача ўқий олмади. Унинг кўз олди коронғилашиб кетди. «Нима? Тўй? Дилшодагая? Наҳотки, йўқ ишонмайман». У эсидан оғтан одамдек ғудранар, у ёқ-бу ёкқа юрар,

пима деяётганини, қандай ҳаракат қилаётганини ўзиям сезмасди. Ҳаёли жойига келганды эса ўзини поездда күрди...

Тоңг сахарда бекатда тушиб қишлоққа пиёда жүнади. Даражтлар, дағаларни оралаб ўтган илонизи сўмокдан кайфи ошган одамдек бораркан, атрофида нималар бўлаётгани унинг учун фарқсиз эди. Кўнглида битга ўй. Қизни кўриб нимага бундай қилганини ўз оғзидан эшишта бас. Бошида факат шу фикр чарх уради. «Мабодо Нусратхўжа зўрлаб ёки алдаб тузокқа илинтирган бўлса, омон кўймайман. Кейин отиб ташласалар ҳам розиман». Рустам шундай хаёллар билан тўғри Нусратхўжаникига бормоқчи бўлди. Кутимаганида тоңгда қўйларни далага ўтлатгани чиккан укаси олдидан чиқиб қолди. Ҳаёллари тумандек тарқаб, бир оз ўзига келди. Бу ахволда Нусратхўжанинг уйига кириб борса ота-онасини, қавм-қарндошларини номусга кўймайдими?

– Отамлар уйдами? – укаси билан кўришаркан, ҳаяжонини сездирмаслик учун кўзини чеңта олиб қочди.

– Ҳа. Чой ичишяпти. Бораверинг. Мен ҳам қўйларнинг бир оз ёғини ёзив, тезда қайтаман.

У укасиинг кейинни сўзларини эшиштади. Салом бериб остоидан хатлар экан, Рустамни кўрган онаси унга пешвоз отилиб: «Вой отаси, аймавдимми пиёладаги иссиқ чой тўкилди, ҳозир меҳмон келади, деб. Мана болажоним кеиди», дега у Рустамини ялаб-юлкаб кўришди. Рустамдан соғлигини, ўқинини сўрай кетди.

Ҳамма дастурхон бошида ўтириб, дуо қылиб, ҳол-ахвол сўрашга киришдилар. Рустам зарур иш билан келганини, кечрок кайтишини айтиб, шошилиб уйдан чиқиб кетди. Уйдагилар ҳайрон бўлганича, унинг изидан қараб, қолишди. Шу куни Дилшоданинг якин дугонаси Шарофатни ишхонасида учратиб, тўй тафсилотини тўла эшилди. Тажрибасизлик килибми, катта суммага камомад қышнибди. Универмаг директори Зокир Шарипович Дилюшода-га уч кун муҳлат бериб: «Камомадининг ўрнини тўлдирмасанг, ишишгни судга ошираман», деб пўписа қилган. Дилюшода боши берк кўчага кириб қолган. Касалманд отаси бунча пулни қаердан топади? Битгаю бигта ишонгани Рустам бўлса, у ҳам ҳали талаба. Қамалиб кетса-чи?! Бу номусга ота-онаси қандай чидайди. Дилюшода факат йигига зўр берган. Универмагда экспедитор бўлиб ишлайдиган Нусратхўжа деган йигит ўзининг «Волга» машинасини сотиб унинг камомадини узиш эвазига ўзига турмушга чиқишига розилигини сўраган. Дилюшода бир неча марта уни уйдан ҳайдаб солган, ҳатто ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлган. Вақтида Шарофат буни сезиб қолиб унга ахволни тушуғтириб Дилюшодани тақдирга тан беришга кўндирган...

Рустам қыз билан учрашишдан воз кечди. Энди у бироннинг қайлиғи. Турмушига рахна солиб нима қилади. Қизни бевафоликда айблай олмайди. Бахтли бўлса бас. Асли пешонаси шўр экан...

Рустам уч кун ичида ўзини олдириб қўйди. Ҳатто ўзи танлаб кирган ҳуқуқшуносликдан хам кўнгли қолди. Фақат орадан маълум вақт ўтгач, гагнинг тагига еттанидан сўнг бағтар куйиб ўрганди. Маълум бўлишича, Дилшода ҳеч қандай камомад қилмаган. Аксинча бу – икки боласи билан хотинини қўйган Нусратхўжанинг Дилшодани қўлга тушириш учун қилган найранги экан. Дилшодани кўз остига олиб юрган Нусратхўжа шу хийлани ўйлаб топган. Универмаг директори Зокир Шариповичга ялиниб-ёлвориб, авраб уни ахийри кўндиради. Эвазига Нусратхўжа директорга антика совға берган.

«Волга»нинг сотилгани рост. Лекин унинг пули тўғиш-тўғри омонат кассага бориб тушган. Буни Нусратхўжа улфатларнинг гаштагида кайфи ошиб оғиздан гултаб қўйган. Рустам бу гапдан воқиф бўлгач, Дилшода билан учрашишга аҳд қилди. Бу ишда Шарофат унга ёрдам берди.

Уни кўчада Шарофаг қарши олди. Ва ҳовли четидаги хонага бошлиди. У Дилшодага кўзи тушгач, ўз кўзларига ишонмади. Қарисида бир пайтлар унинг оромини ўғирлаган, кўзини юмди дегунча сиймоси кино лентасидек ўтаверадиган Дилюшода эмас, оғир хасталикдан эндиғина турган бир аёл турарди. Сўлғин юзи эрга сарғайган гулга ўхшарди. Шафқатсиз ҳаёт Дилшоданинг юз-кўзларига ва дилига ўзининг ўчмас муҳрини босганди. Устига-устак кенг кўйлак кийиб, шол рўмол ўрагани учунми анча қаримсик кўринарди. Рустам Дилшодани бу ҳолда кўраман деб ўйламаганди. Начора, дунёда ўзинг учун энг азиз хисобланган, еру кўкка ишонмайдиган кишинини бу алғозда кўриш унинг юрагини зирқиратдики, аламидан лабини қаттиқ тишлиб олди.

– Салом! – деди Дилшода ўрнидан туриб. Шарофат чой келтиришни баҳона қилиб уларни холи қолдириб чиқиб кетди. Дилшода шуни кутиб турган эканми, елкалари учеби пиқиллаб йиғлашга тушди. Рустамнинг томоғига нимадир тикилгандаи бўлди. Дилюшода хўрсиниб-хўрсиниб узоқ йиглади. Рустам: «Майли йиғлаб, кўнглини бўшатиб олсин, енгил тортади», дея уни овутмади. Йиғлаб кўнглини бўшатгач, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артаркан бўғиқ овозда: «Фирт гўл эканмац, ҳатто бундайроқ биронта кишига маслаҳатта ҳам бормабман! Улар нима деса кўниб лаққа тушиб кетаверибман. Мана оқибати ўз ёғимга ўзим жизғанак бўлиб ўтирибман», дея ўртанди.

– Мен уларни жазосиз қолдирмайман. Сизга қылған бу қилимиклари учун ўч оламан, – деди ғазабдан тугилған муштини ерга бир үрнидан тураркан.

Рустамнинг авзойини кўрган Дилшода бирдан хавотирланиб ялиниб-ёлворишга тушди: «Кўйинг Рустамжон ака, улар билан ўчакишиманг. Ўта разил одамлар. Ҳар қандай пасткашлигу қабиҳликдан қайтишмайди. Мен пешонамта ёзилганини кўраман. Кўриб турибсиз, энди мен олдинги Дилшода эмасман».

Рустам Дилшоданинг доғ тушган юзлари, анча катталашиб қолган қорнига зимдан назар ташларкан, шаштидан қайтди. Ала-мини ичига ютди...

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Рустамга қанча қизлар дуч келди. Лекин уларнинг бироитаси ҳам дилига ўтирумади. У фақат Дилшодани кўмсарди. Бошқага кўнгил кўя олмади. Бу орада Рустам доришуғунунни тамомлаб ўз туманига ишга келди. У ала-мини фақат ишдан оларди. Ёш бўлишига қарамай билимли, ишчан ва тадбиркорлигини ҳисобга олиб номзодини ҳалқ судьялигига кўрсатиши.

Такдир ўйинига қаранг, эргага у ўзининг баҳтини ўғирлаган толе кушандаси ва муттаҳам Нусратхўжа ҳамда унинг ҳамтоворкларининг ишини кўради. Бир кўнгли буни сенга ҳудонинг ўзи етказди, марҳамат ундаи кассос ол деса, иккичи бир кўнгли эса шайтонга ҳай бер, Дилшода пима деб ўйлади, сизнинг касбкорингиз йиқилганини тепиш экан деган хаёлга бормайдими, дея ўртанди. Икки ўтнинг орасида колган эди. Ҳеч бўлмаса бир марта Дилшодани келар деб ўйлаган эди. Афсус у кутгандек бўлмади. У ана шу хаёллар билан кечани ўтказди. Суд залига кирганида ҳам уни шу хаёл тарқ этмаганди. Котиба қизнинг: «Туринглар, суд келяпти», деган жарангли овозидан бирдан ҳушёр тортиди. Бориб курсига ўгирап экан залдагиларга кўз қириши ташлади. Нигоҳи залнинг орқарогида буқчайиб ўтирган Дилшодага тушгач, кўнгли аллағачек бўлиб кетди. Унинг кўзлари маъносиз котиб колганга ўхшарди. Ҳозирти ахволдан унинг на куйининганини, на суюнганини билиб бўларди.

Нусратхўжа қўринишдан яхши инсонга ўхшарди. Аммо унинг қиликлари-чи?! Жондан азиз севтилиснин мунофилик билан тортиб олди. Бирорнинг баҳтсизлигин эвазига баҳт излаган одамдан яхшилик кутиб бўладими? У бугун Дилшодани алшаб хаётига оғу согани учун ҳам жавоб бериши керак. Аммо вазият Рустамдан нафрат билан эмас, қонун бўйича иш тутишни талаб қиласарди.

Ниҳоят, суд ҳукми ўқилди. Ҳукм оғир. Лекин одил эди. Залнинг орқарогида кимдир гиқиллаб йиғлаб юборди. Рустамнинг

жони ҳалқумига келиб ялт этиб ўша томонга қаради. Хайрият, йиглаётган Дилшода эмас экан.

Рустам хонасига кириб деразани очиб юборди. Хонага кирган тоза шаббода билан бирга қалбига қандайдир бир ширин иликлик юргургандек бўлди. У хаёлида кўпдан буён йўқотган нарсасини топгандек эди шу дамда. Дераза олдида яшнаб турган дараҳтларга ҳавас билан назар ташлади ва беихтиёр: «Дилишодани умрбод севаман, у ҳамон мен учун фаришта мисол нок ва бокира...», дея шивирлади.

РАЙХОН ҲИДИ

... Шу расм қўлинга тушмаганида, тинчи бузилмасми? Унгача кунлари осойишта эди. Ҳамма қатори ишга бориб қайтар, кечкурунлари хотини, ўғиллари билан телевизор кўришарди. Кўпинча, ишхонасидан олиб келган ҳужжатларни қайта титкилайди. Бир маромда кечаетган турмуш. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак? Бахт деганилари шу эмасми?

Аммо сурат... Журналдаги сурат хаёлини ўғирлади. Киз боланинг сурати. Унда қанцайцир сехр бор, термилиб қоласан. Бошига кизил рўмол ўраган кўйи кора кипмиш тўлдирилган лаганини чап кўлида кўтариб турибди. Бир кўлида қайчи. Жиулмайиб ёки кулиб тургани йўқ. Дуррачаси остидан «кўпириб» чиқкан қоп-кора сочлари пешонасига тушиб, чап қовоги устини қоплаган.

Иброҳимни расм сехрлаб қўйди. Қизининг истараси ниҳоятда иссик, жозибали. Томошабинни хаёлга чўмдирап, қалбига ўрнашиб қоларди.

Зулфия... У рўмолини шундай ўради. Шунчаки пешонасига танғиб қўярди. Бошқа-бошқа факультетда ўқишида-да, ётокоҳонада беш йил ёнма-ён яшашди. Қизлар орасида босиклиги, ўйчанилиги билан ажратиб турарди. Зулфия... Такдирнинг зарбаси бошига жуда эрга тушган. Ўрга мактабдан сўнг, бир ҳамқишиғига севиб турмушга чиқкан. Бир йилча яшашади. Сўнгра, эри катта шаҳарга ишга ўтиб, «кўзи очилади» ва «қишлоқи хотин»дан воз кечади. Қиз дардини ичига ютиб, ўқишга қасд қилди. Зулфия негадир Иброҳимни ўзига якни олар, дарсдан бўш пайтлари, имтиҳонлар орасида университет боғида сухбатлашиб ўтиришарди. Китобий гаплар, майда-чуйда тафсилотлар... бошқа ниманиям гапиришарди? Лекин Иброҳимга турмуш куришда шошилмаслик, бошқа кўп нарсалар ҳакида насиҳат ҳам килиб қоларди. Бу ярашарди унга...

Киз билан хаёлан аста-секин сухбаг қура бошлайди. Кизик, бундай пайтда негадир қулоги остида Зулфиянинг овози янграйди. Овоз уники, расм ҳам жуда-жуда ўхшайди. Мана қоғозларни йигиштириб уйга қайтмоқчи. Расмни кўлига олди, шивирлади: «Хайр гўзал қиз, мен кетяпман». Қизнинг Зулфиянинг лаблари бирдан ҳаракатга келиб ёқимиши, жарангдор овози қулоги остида янграб кетди.

– Яхши бор, Зайнабга мендан салом айт.

– Уни қаёқдан биласан?

– Тўйларингда бор эдим.

– Ёлғон айтяпсан? Сенга кўзим тушмаш.

– Яхши қарамабсан. Кишлоқ қизлари орасида ўтиргандим.

Тўйинита бир лаган чилги узумдан олиб келгандим. Шошиб қайчини ҳам кўтариб келаверибман. Келнилик либосида қайлигиниг жуда очилиб кетганди. Бахтиёр эдинглар.

– Ўзимни ғалати сездим. Кўл-оёқларим ўзимникига ўхшамасди. Тўйга адашиб кириб колгаңдайдим. Рўзғор аталмиш аравани бирга тортиб кетавердик. Кунлар ўтиб турибди.

– Дарвоке уни нега севмайсан? Зайнаб ажойиб аёл-ку.

– Сен каердан биласан?

– Биламан-да.

– Нима десамикин? – у ўйланиб қолди, сўнг икрор бўлди. – Хурмат қиласман, болаларимиз бор. Лекин севолмайман, айб мендами?

– Ўйлаб иш тутиш керак эди. Нега шошдинг?

– Ўзиммам тушумайман. Ўқишни битириб, ишга энди кирган пайтларим. Район прокурори, узок қариндошимиз Бобоназар Оллоназаров мени кўлтиғига олиб, ўзига ёрдамчи қилиб олди. Ишлайвердим. Онам холи-жонимга кўймади. «Тўрт куёлигим борми-йўкми... Ёшинг ўтиб кетяпти, бошингни икки, оёғингни тўргта қиласлик». Ташилагалим бўлмаса, оёқ тираб туришдан нима фойда. Рози бўлдим.

– Бу ёғи нима бўлди?

– Ҳеч нарса. Яшайверамиз-да, беш йил ўтди-ку.

– Шундай-а? Бир-бирингизга худди бегонадай?

– ...

– Ўзингни алдама. Турмушдан кун сайни кўнглинг совиб кетяпти. Нега яширасан?

– Нима қиласлик?

– Ўила, йўлинни топ. Оқ-корани таниган одамсан. Одамларга қандай яшаш тўғрисида ақл ўргатасан. Оила, инсоний туйгулар ҳам моддалардай бўлишини истайсанми?

— Саволлар билан қийнаб қўйдим. Бутунга етади. Бор уйингга.

— Сенчи тураверасанми?

— Қочиб кетолмасам, — қиз маъюс жилмайди, — мендан ташвиш тортма. Йўлинглга кўз тутиб туравераман. Шунча енгил торасан. Инсон дардини ичидаги саклаб яшолмайди.

— Раҳмат, — деди Иброҳим кулимсираб, — яхши айтдинг. Баъзан шундай бўлади, юрагинг тўлиб кетганда тинглайдиган дўстинг топилмайди. Агар хозир бир силкиниб ёнимда пайдо бўлсанг эди...

— Ортиқча хаёлларни кўй, хайр.

Расмни тортмага ўз жойига қўйиб, хонадан чиқиб кетди.

Оёқлари тортуб-тортмай, уйига жўнади. Хозир боради. Хотини одатдаи идеқ кечки овқат тайёрлаётган бўлади. Газеталарни хафсаласиз вараклайди. Бир оздан сўнг, кечки овқат, палов ёки қовурма... Ейсан, телевизор кўрасан. Болалар оғзини очиб, энаб-эснаб ухлаб колишади. Эр-хотин вактни бир-бирини алдаб жим ўтказаверишади. Нимани галиришади? Бир-икки оғиз рўзгор, болалар ҳақида гап-сўз. Нега керак шу зерикарли турмуш?!

Иброҳимнинг юраги сикилиб, йўлни бошқа ёққа солмоқчи бўлди. Қаерга боради? Кимни унга кўзи учиб турибди. Айтмокчи, посёлкада дўстлари кўп. Лекин, ҳеч қаёққа оёғи тортмади. Электр нуридан чароғон кўчаларни узоқ айланди. Кинотеатрга кириб, фильмга шунчаки қараган бўлди. Эл ухлар маҳалда уйга қайтди. Қаерда эдингиз, деб хотини сўрамади. У ҳам айтмади. Диванда ухлаб қолди. Эрталаб нари-бери ионушта қилгач, ишга жўнади. Расмни кўлга олди.

— Кайфиятинг йўқ. Зайнаб билан уришдингми?

Касби шундай. У бирорларни сўрок килади, ўзини эса...

— Сен ҳакингда, Зайнаб тўғрисида тун бўйи ўйлаб чиқдим. Айтганимни қилишинг керак.

— Эшитайлик-чи.

— Ўғилларинги яхши кўрасанми?

— Яхши кўрмай бўладими?

— Отлари нимайди?

— Фарход тўртга кирди, Дишод энди иккига чиқяпти. Хозирдан бирам шўх, — у ўғилларини кўз олдига келтириб, дили ёришди.

— Шундай севимли ўғилларни дунёга келтирган аёлни севиши ҳам камлик қилади. Кўлда кўтариш керак. Барibir севмайман деб ўзингни ишонтириб, буткул совиб кетибсан. Дуруст эътибор

бергии-а, ўзига қараса, ундаи хушрүй аёлни тополмайсан. Факат севгаң киши назари билан қарашиңг керак. Нега жим қолдинг?

Хуснига нон ботириб ермицим, рўзгорга бош бўлиб турса бас, деб ўйларди. Факат шуларнинг ўзи стмас экан. Ҳозиргидай яшайверса, кейин нима бўлади? Севикли ўғиллари тирик етим бўлиб қолмайдими? Одамлар, ёр-дўстлар нима дейди? Улар олдиша қандай бош кўтариб юради? Кўча-кўйда ялтираб безаниб, кўзини ўйнатиб юрган жувонларнинг хотинидан қаери ортиқ? Баҳорда ер бағрига қадалган ниҳолга боғбон меҳрини бермаса, қуриб қолади. Нега у фарзандларидан, умр йўлдошидан меҳрини аяйди? Қадимни кўшикни эслайди: «Йўлдошини хоритмайди мард киши...»

Шуларни дилидан кечириб, кўнгли ёришди.

– Бўпти, – деди қизга жилмайиб, – айтганингни килиб кўраман.

Шу кун уйга бошқача кайфиятда кириб борди. Ўғиллари упинг бўйнига осилишди. Уларни ўпди...

– Бугун эрта қайтибсиз? – деди хотини, – яна бунинг устига хурсандсиз?

– Иш кам бўлди. Энди ҳар куни эрта келавераман.

– Тинчликми?

– Ўзим ҳам билмайман. Кийимингни алмаштиранг-чи. Ҳў, ўша сайилдан олиб келганимни кий. Бирам ярашади. Айтишларича зирани эзив солиб, юзни ювса окартиармиш...

Хотини бу гапдан мирикиб кулди.

– Тўйга бораётганимиз йўқ-ку! Чин айтяпсизми?

– Барибири эмасми? Доимо ўзингга қараб юр. Кимсан фалончининг хотини...

Меҳри жўш уриб хотинини қучоғига олди. Ёқимли бир бўйдан боши айланниб энтиқди. Ахир бу раҳонни хиди-ку! Дарвоқе, хотини ҳовлини айлантириб раҳон экиб ташлаган. Бир тутам узиб, кўпинча чаккасига такиб юради. Онасиам раҳонни яхши кўради. Нега эътибор бермасди? Яна кимдан раҳонни хиди келарди. Эслаб кетди. Зулфиядан... Боф ўртасидаги сухбат пайти қўлидаги бир тутам раҳонни силкитиб ўйнар, ҳидлаб-ҳидлаб кейин дарслик орасига қўярди.

Хотинига расм билан бўлган сухбатларни айтгиси келди. Лекин шунчча қылса ҳамки, айттолмади. Балки, шуниси тузукдир. Эрталаб ишга хуш кайфиятда жўнади.

– Салом соҳибжамол, мен келдим.

– Салом, хурсанд кўринасан, – кизнинг лаблари қимиirlагандай бўлди, – бирор кувончли воқеа...

– Гапинг тўғрига ўҳшаяпти.

У расмни жойига қўйиб, ҳужжатлардағ бирини кўлга олди. Эшик очилиб, хонага 60–70 ёшлардаги қария рухсат сўраб кирди. Узоқ ҳол-ахвол сўрашди. Иброҳим бош қимирлатиб, ўти-раверди.

– Келинг, отахон?

– Бир иш билан келдим, ўғлим, – қария унга мўлтираб, умиц кўзларини тикди.

– Нима воқеа рўй берган? Тушунтириб беринг.

– Ўғлимни такдири сени қўлингда, болам. Гунохини ентиллатсанг...

Иброҳим суриштириб керакли ҳужжатларни қидириб топди. Чолнинг ўғли тўйда жанжал қилиб, колхознинг омбор мудирини урган. Жабрланувчи шифохонаса. Қандай ёрдам бериш мумкин? Безори. Бугун бўлмаса, эртага яна бироннинг бошини ёради. Қилмишининг жазосини тортсин. Балки жабрланувчи қасдан ётиб олган бўлса-чи? Врачлар билан хам келишиб... Йўқ, жонидан ўтган. Бўлмаса... бошини кўтарди.

– Бирор пима дейиш қийин отахон. Ўғлингиз биринчи бўлиб урган. Уни оқласак, катта хатоға йўл қўямиз.

– Биронга ноҳакдан кўл кўтарадиган бола эмас. Уларнинг орасида хусумат бор. Ўғлим институтни битириб келган йилин машумоти паст деб уни ишдан олишган эди. Ўрнига бош инженер бўлиб ишлайди. Шунинг алами. Ишонмасаиг колхоз раҳбаридан сўра. Кимлигини айтар ахир.

Чол жон қўйдириб гапирап, «катта амалдаги йигит»ни ишонтиролмаётганидан изтироб чекарди.

– Суриштириб кўрамиз, – деди Иброҳим шаст овозда, – гуноҳи бўлса, жазодан қочиб қутулолмайди. Майли бораверинг.

Чол қайта-қайта илтижолар билан хонадан чиқиб кетди.

Яна жимжитлик. Иброҳим ҳужжатни нари суриб, тортмадан расмни олди.

– Нима қилиб қўйдинг? Шундай муомала қиласими киши?

– Нима қилибман, конун бўйича иш кўряпман.

– Гапларинг бирам қуруқ, одамнинг эти музлаб кетади. Конунни пеш қиласириб, юрагинг музга айланганщек.

Кизнинг овозида надомат оҳангি бор эди.

– Сендан ранжидим. Хайр.

– Кетма.

Эшик овозисиз очилиб кимдир кирди. Иброҳим расмдан кўз узиб, оstonада прокурор Бобоназар Олоназаровни кўрди. У истиҳзоли жилмайиб турарди. Корамтири, негадир совук юзлари кишининг этини сескантиради.

– Боядан бері ким білан сұхбат қуряпсиз? – у бенисандағынан жауапты. – Шүгіча кутаман. Хонага бирорғасыни камаб олған бўлсаннан халакит бермай, деб. А, лаббий? Қани ўша жонон?!

У қах-қах уриб кулди. Иброҳим поилож кўшилди.

– Мана у, – деди кулги аралаш расмни кўрсатти. Аммо бу гапдан юраги зирқираб кетди. Нотўғри иш қилганинни ўйлаб пижинди. Ҳамроҳи култишаш тўхтаб, расмига ҳайрат билан тикилиб қолди.

– Иссигингиз йўқми? Ёки эрталабдан отиб олдинизми?

Бобоназар Оллоназаров яқин келиб қўлинни Иброҳимнинг пешонасанга кўйди. Расмни қўлига олди.

– Нимаси гўзал? Қошлирга ўсма чаилаган қишлоқи киз-да. Пардозиям яхши билмайди. Рассомлар ҳам ғалати. Шахарда шунча жонон, келишташ қизлар туриб, қаердаги ипприскиларни чизиб юрибди. Шу рассомларга сал етишмайди. Тўғрими-а? – у яна беписанд, қаттиқ кулди. Ҳатто дераза оїшшари зиришлаб кетди.

– Билмасам, – деди Иброҳим расмни унинг кўлидан қандай олишни ўйлаб.

– Э шошманг, кўрайшик, сизни атжиратиб ташлаган бу мөхитобонни кўзга сурғиб, термилиб ўтиришшиздан бир гап бор экан.

– Кўйсангизчи...

– Буни ўртоқларига ҳам айтиш керак. Хоналарига шу расмдан битта-битта осиб кўйишсин.

Бобоназар Оллоназаров маза қилиб қах-қах уриб кулди. Шу аснода Иброҳимнинг узатилган қўлинни четлаб, расмни шартта иккига бўлди. Сўнгра тўртга. Сўнгра... когоз бўлаклари худди дарахт япроқларидай ҳавода оҳиста нарвоз қилиб, пол юзини коглади.

– Нима қилиб кўйдингиз... Қалб деган нарса борми сизда ўзи!?

– Китобдаги гаиларни кўйсанг-чи ука, – Бобоназар Оллоназаров сенсираб юборди. – Расм. Қалб. Юксак орзулар... Булар ҳаммаси балапинарвуз гаилар. Айтсанг жараиглайди. Лекин бир тийинлик фойдаси йўқ. Қаердаги киз боланинг расмига хаёлинг кетиб, ишни барбод қиляпсан. Бошқалар буни эшитишса нима қилишади, биласанми? Кулишади. Роса мириқиб, ётуб қоринларини ушлаб кулишади. Майли, бирорвга айтмайман. Аммо-лекин бу гўдак қилиғингиз ташла...

Овозсиз очиб ёнилладиган эшик бу гал қарсиллаб кетди. Иброҳим хона ўртасида ҳайкалдек тош қотди. Очик деразадан раён-хон ҳиди оқиб киради.

КОРАКҮЗ

Чүлдаги хұжаликка іок олиб борган Айвар түшдан сүнг шаҳарға қайтиш учун катта йўлга чиқди. Эрталабданоқ гоҳ тиңиб, гоҳ тўхтаб ёғаётган куз ёмғири анча кучайғап, ҳалш-бери тинадиганга ҳам ўхшамасди.

Айвар ҳаво айнигандан шуңдай кезлари ўзи ёқтирган қўшикни хиргойи қилиб, бир маромда юришга ўргангандан. Ёмғир томчилари зарб билан машинанинг ойнасига урилар, ҳавода намхуш рутубат кезарди.

Катта йўлда машиналар қатнови суст, бекатларда одамлар сийрак. У кичик канал устидаги кўприкдан машинани оҳиста ҳайдаб ўтаётиб, бехосдан нарироқдаги дараҳт остида қўл кўтариб турган аёлни кўрди.

«Бирон зарур иши бордирки, шундай пайтда йўлга чиқибди, – дилидан ўтказди у, – ҳамроҳ бўлса зерикмайман. Бечора ўзиям анча ивиганга ўхшайди. Соябони ҳам йўқ экан».

Машинани аёлнинг ёнида тўхтатиб, узалиб кабина эшигини очди.

– Қаршигача олиб кетинг, – деди йўлювчи аёл унга илтижоли термилиб. – автобус кетиб қолибди.

– Чикинг, – деди Айвар йўлдаи кўз узмай, – барибир бўш кетяпман.

Аёл кўлидаги тугунни ўриндицка кўйиб, сўнг ўзи ҳам чиқиб ўтиргди. Бошидаги қизил дуррачасини ечиб олди, рўмолчасини чиқариб, юз-кўзларини артди.

– Бемаюл ўтиринг, – деди Айвар ушинг кўнглига тегмайдиган оҳангда, – ичкари иссик.

Аёл индамаци. Машина ўртача тезликда кўлмакларни сачратиб борар, Айвар ойна тозалагични кузатганча, йўлдан кўзини узмасди. Аҳён-аҳёнда ўзига бўйсуммаган қизиқиши туфайли ҳамроҳига ўғринча караб кўярди. Аёл ҳам буни сезар, лекин ўзини беспарво тутиб, хаёл сурганча кетарди. У кўрининишидан йигитма беш-йигирма олти ёшлар атрофида эди. Чехраси очик, бодомконок, пешонасидан тушган соч толалари ўнг кўзини қоплаган, афтидан бу унинг шарвосига ҳам келмасди. Айвар жим кетишни эп кўрмай, оҳиста йўталди.

– Бу... бегона машинада кетишидан кўрқмайсизми, синглим? – деди шўхлик билан.

– Йўқ, – деди ҳамроҳи гап оҳантига яраша, – кўрининишингиздан ёмон йигитта ўхшамайсиз-ку??

– Ёмонларнинг нима... пешонасига «ёмон» деб ёзиб қўйишар-

миди? – Анвар завқланиб күлди, – одамнинг қандайлигини билib буларканми?

– Мен биламан, – деди аёл бүш келмай, – инсонинг кимлиги ростдан ҳам пеционасига ёзib күйилади. Фақат уни кўра билish керак.

«Бало-ку», деб ўйлади Анвар. Сўнг: – Сиз шифокор ёки муалимасиз, тўғри топдими? – деб сўради.

– Йўқ, – деди аёл, – боғчада ишлайман.

– Сал адашибман, – Анвар тан олди. – Барибир бегона машинада келганингизни кўриб, хўжайинингиз рашк килса керак?

– Йўқ, – деди ҳамроҳи яна кулимсираб ва чўзиб. – Қилмайди!

– Нимага?

– Хўжайининг ўзи йўқ-да!

Анвар унга ажабланиб қараганин, аёлнинг юзига нигоҳи тушиб, юраги беихтиёр сесканди. Аёлнинг ўзи кўзи корачигининг ўрнини бутунлай оқиш парда қонлаганди. Нафаси ичига тушив кетди. Аҳволини сездирмаслик учун ундан исмими сўраганини билмай қолди. Бир оздан сўнг ҳамроҳининг «Коракўз», лея истар-истамас жавоби эшитилди. Орага яна покулай жимлик чўқди. Машинанинг гувиллаши ҳам бу сукунатни бузолмасди.

– Кўринининг бу ахволда-ю, яна мунака дабдабали исмга башо борми, деб ўйлаётган бўлсантиз керак, – тўсатдан Қоракўзнинг ўзи гап бошлади. – Тўғри топдими?

– Йўғ-э, – Анвар рулии буриб юборишига бир лаҳза қолди.

– Менга баҳтенилик ҳадя этган бу исмдан қугилишга кўн ҳаракат қиёдим. – Бу сафар Қоракўзнинг овози сўнник чикди. – Лекин онам кўпмаци. «Бу исмни раҳматлик момониг кўйганиар. Арвоҳи чиркиллаб колади. Сенга кўз теккан, болам». Мен бу гапларга ишонмасам-да, лекин онами аярдим. Бусиз ҳам у мени ўйлаб, ўзини олдириб кўйганди.

– Ҳаётда кўнгилсиз ҳодисалар кўп бўлади, узоқ вакт фарзанд доғида куйган ташнишм яқинда фарзанд кўрди. Гўдакнинг бир кўзи ожиз эди. Лекин улар шундай хурсандки, асти кўявериниг, – деди Анвар аёлнинг кўнглини кўтариш илинжида.

– Менини тұғма бўлганда тақдирга тан берардим, – деб жавоб қайтарди Қоракўз. – Бироқ, бу анча кейинги воқеа. Булга бир одам айбдор. Аммо уннинг кимлигини ўзим ҳам билмайман.

– Бу қизик-ку, – деди Анвар. – Сизни бир умрга ногирон килиб, ўзи ялло қилиб юрса... Сиз уни билмасаңгиз?

Қоракўз эски яраси янгитапгандаими ёки маизилга ҳали узоқлиги учунми, бўлиб ўтган воқеанин ҳикоя қила бошлади.

– Бу воқеа содир бўлганица тўргичи синфда ўқирдим. Бир

куни мактабга кетаётувдим. Бехосдан қаердандаң бир тош учиб келиб зарб билан күзимга урилганини биламан, холос. Мени қасалхонага олиб борган Расул бобопинг айтишича, чинқыриб ётгашымда ёнимда бир бола пайдо бўлган. Лекин, у Расул бобопи кўриб кочиб кетган. У киши ҳам мени конга беланиб ётганимни кўриб қувламаган. Кейин отам қанча изласа ҳам болани тополмади. Лекин у... бир қизнинг баҳтига зомин бўлганлитини, умрбод ногирон килиб қўйганини билармикин?! Бу – бизга коронғу...

Коракўзининг кейинги сўзлари Анварнинг қулонига кирмади. Қул-оёғи бўшашиб, устидан совуқ сув қуйилганцек азойи баданнига титрок кирди. Машина йўлдан чиқа бошлади. Хайрият, ўткипчи машина йўқ эди.

Коракўзининг «Сизга нима бўлди?» – деган сўзларни уни хушига келтирди. Шошиб тормозни босди. Кўкраги зарб билан рулга урилди. Қани энди буларнинг барчаси туш бўла қолса, туш бўла қолса, туш бўла қолса?..

... Ўшанда Анвар бешинчи синфда ўқирди. Бир куни онаси узок бир қарилошиникига олиб борди. Аёллар сухбатлаша бошлилагач, бир ўзи зериқкан Анвар қарилошиарининг боғига чиқди. Аввал дарахтларга қўнган кушларга тош ота бошлади. Кейин, кушларни ҳайдагач, боғ четидаги пахса девор устига бўш шинашини кўйиб мўлжалига олди. Кесакларни мўлжалига тегмаганидан хуноби ошди. Катгароқ қайроқ тошини олиб, деворга яқин бориб, бор кучи билан иргитди, лекин мўлжалдан адашди. Шу пайт деворининг орқасидан қағтиқ чинқириқ эшиги ўди. Шошиб девордан караса беш-олти қадамча нарида, кўчанинг ўртасида ўн-ўн икки ўшлар атрофишаги киз ерда юмалаб, тинимсиз чинқиради. Ютуриб қизчанинг ёнига борди. Ўзи боягини отган тош бир чеккада ётар, қизчанинг кўзидан оқаётган кон този ва кийимларини белаганди. Анвар қўрккапицан йиглаб юборди. Кейин шу томонга югуриб келаётган чолни кўриб қочиб қолди.

Бу воеадан сўнг анча вактгача лабларига учук тошиб, кечалари ўйқудан чўчиб ўйғонадиган бўлди. Ота-онаси қанча суринтиурса ҳам ўтган воеани уларга айтмади. Вакт ҳамма нарсага даво экан, бу воеа аста-секин болалик дунёсидан унугилиб кетди. Лекин... мана, яна ҳаммаси қайтасан янгиланди. «Тоғ тоғ билан учрашмайди, лекин одам одам билан учрашади», деб шуни айтар эканлар-да. Айни шу дамда униш қалбини изтироб беаёв кемира бошлади.

Индамай кетавермайсанми, ўшлиқ – бебошлиқ деганилар, ахир сен атайлаб қилмагансан-ку?! Ҳаёғда тасодифлар кўп бўлади. Ҳаммасига ҳам чора излаб бўлмайди-ку?! Ҳозир икрор бўлсанг,

зулукдай ёпишиб олган изтироб азобидан кутуласан. Йўк, йўк, айтиб бўлмайди. Айт – кейин томошани кўрасан. Ҳаммага гапсўз бўлиб, маломатда қоласан, ўзинг' уйланиш таращудида юрибсан, балки айтиш керакдир, бўлмаса умр бўйи таъқибдан кутула олмайсан. Кўлингдан келган ёрдамнингни бер. зора Қоракўз сени кечирса...

Шу пайт ҳамроҳининг «тўхтанг, стиб келдим» деган сўзларни ундиаги туйғулар курашига хотима берди. Қоракўз сумкачасидан пул чикариб узатди. Шу пайт Анварда қандайдир куч пайдо бўлди-ю, қизнинг икки бишагидан маҳкам ушлали. Юраги бўғзига тикилгандай бўлди. Ҳансираб ганира бошлиди:

– Қоракўз! Сиз лаънатлаб юрган ўша қочоқ бола менман. Эшиятпазими, менман ёки ишонмайсизми?! Ҳаммасини бир бошда айтиб бермоқчиман!

У гапини тутатолмади. Қоракўз ялт этиб унга қаради. Бирпас ҳайрон бўлгандай тикилиб турди. Шундан сўнитина, Анварининг гаплари шуурига етиб борди шекилли, кўзларига дув-дув ёш күйилиб келди. Эшикни шарт очиб, пастга отишди ва зарб билан ёпиб жадал юриб кетди.

Анвар кабинадан иргиб тушиб, қизнинг изидан икки-уч қашам ташлади. Чақиргани билан тўхтамаслигигин билди ва шаффоф ёмғираро синигиб бораётган қизнинг органдан карахт бир холда термилиб қолди.

ҲАЛКА

...Хушинга келигач, кўзи дастлаб окка бўялган шифтга тушди. Икки қаричча симда электр ламна осилиб турарди: кўзи буларга ўргангач, атрофга беҳол назар ташлади, бу ерда ҳамма нарса оқ рангда эди, фақат қизғиши бўёқда бўялганди. Шомурод aka бу ерга қаңдай келиб колгаништанин эслашга уринди. димоғига дориларининг ачимсик хиди урилиб, кўнглини айнитди.

Ҳа, бир кун олдин енгилоқ кийинган эканми, қаттиқ шамоллаци. Бир томони қариллик, ёнбошидан машина қаттикроқ ўтиб кетсаям шамоли анча ганиратиб ташлайди. Ўтиб кетади деб, иссик-иссик чой ичиб ҳовлига кириб-чикиб турди. Уйдан чиққанида ити Қоплон югурниб келиб, оёғига суркалар, ётиб эркапланарди. Кечига бориб қаттиқ-қаттиқ толикқанидан иситмаси кўтарилиб, боши гир-гир айлана бошлиди. Қизлари хабар топиб, «тез ёрдам»ни чакиришгунча, хушини йўқотди. Мана энди шифохона «мехмони»... Бундай «мехмондорчилиги» у, дўхтирининг «мезбончилиги» курсин.

Шомурод ака секин ённга аударылди, түшак симлари гичирлади. Беморнинг ўзига келишини кута-кута толикиб, энди мудрамокка чоғланаётган ҳамшира киз чўчиб кўзили очди. Юзига кизиллик югуриб, шифокорни чакириш учун шошилди.

Деразашан күёш нури тушиб, Шомурод акалинг кўзини камаштирди. У нурдан қочиб, бошини ёнбошга бурғанда нариги бурчакдаги түшакда ётган йигит ўриндан туриб парданни нари суриб кўйди. Шомурод акага хайрихоҳлик оҳангидга гап қотди:

– Хайрият, ўзингизга келдингиз. Насиб бўлса, умрингиз узок бўлади.

– Раҳмат, – деди Шомурод ака ҳамхонасишинг галидан кўнгли кўтарилиб, – касал ўтиб кетгач, дўхтирга борамиз. Жуҳут ҳалқи бемор бўлишидан бир ой олдин дўхтирга бораркан, ўзбек деган ҳалқ эса бир ой кейин...

У гапини тугатолмади. Эшик очилиб ўрта ёшлардаги узун бўйли, буғдойранг, кўзлари мулоийм врач, изидан бояги ҳамшира киз кўринди. Врач кулимсиради:

– Бизлар юракини ховучлаб, дорн-дармонини ишлатиб, кўзини очармикан, деб пойлаб ётибмиз-у, бу ёқда акамлар латифа айтиш билан оворалар!

– Сал жони бор одам бу ерда ётадими, ичини бўшатгани маъкул, – деди йингит бунга жавобан, – амакнга энди оғирлашгани рухсат бермаймиз.

Шомурод ака ичиди «кўнгли очик йигит экан», деб ўйлаши-ю, врачнинг гапига жишимайиб кўя колди. Врач элди хотиржам ҳолда кон босимини ўлчади, юрак уришини текширди. Нафас олишига қулоқ солди.

– Нормага тушяни, – деди мамнун, – кечадан буён қилган муолажаларимиз самарасиз кетмади. Яна икки-уч кунда оёкка турасиз. Факат кўп қимирламанг, уринманг. Овқат ейиш ва кўпроқ ухлашга ҳаракат қилинг. Қадимпі буюк табиб айтганидек, сизу биз биргаликда ҳаракат килсак ўзи чекинади.

Врач ҳамширага ўғирилиб, керакли муолажаларни тайшилади ва ўзи бошқа касалларни кўриш учун ташқарига йўналиди. Ҳамшира киз укол қилди. Бацани ҳамон караҳт, нинанинг оғриғини ҳам сезмади. У чиқиб кетіач, ҳамхонаси чой узатди. Бўш косага бир бош узум солиб түшак устита кўйди. Шомурод ака гавдасини йигит ёрдамида озгина юқори кўғариб, чойни иссикиссик хўплади, узумдан бир дона узиб оғзига солди. Таяминни унча сезмади, оғзи тахир эди. Сўнг яна түшакка чўзилиб ётди. Толикқанидан кўзларига уйқу келди. Кечга яқин кизлари ва неваралари кўргани келишди. Бемор енгил тортди.

Шомурод ака беш күншап кейин анча соғайиб, үзини енгил хис қила бошлаци. Бөш айланиши тұхтади. Иштақаси очылди, үйкесини топди. Уколлар камайди. Аммо сал дармонсизлиги бор эди. У шиппиакин обғига илиб, оқиста қадам босганича шифохона ҳоялсига чиқди. Куз. Дараҳатларниң сарғая бошлаган барглари сұнғы құшигини айтты, ердаги хазонларға келиб құшилади. Қуёш майин ва ёқимли нур сочади. Ҳаво илиқ на тоза. Бүш үришіндікқа үтирди. Ҳовлида үзи каби беморлар айлапиб юришибди. Йигилиб гурунг күлшімокда. Шомурод ака үйга толди. Ҳаёт қизик. Инсон ҳаёті табиат фаслларына үшшайди. Бахор инсоннинг болалығы ва ёшлиғы. Камолотта тайёрғарлық ва ҳоказо. Гүзәллик, навқиронлик. Юксак орзу-умидлар... Эз эса камологияның фасли. Ҳамма нарса нишикчилик сингари инсон ҳам бу даврда үзининг яхши ишлари билан одамларға, жамиятта қасби, механики орқали фойда келтирәди. Келажакка заман яратади. Болашака бокади, тарбиялайди... Куз қартғая бошлайди, умр мазмуннининг якуний қысми. Сұнгра қииш. Умр аташынан карвон чарчаб, ҳолдан тойиб, сұнити бекатта келади. У ёғига йўл йўқ... Яна бахор келади. Янги овозлар дунё юзиниң күраади. Ҳаёт шу тарзда давом этаверади.

Даринде, одам үзининг қартайганини қачон сезаркан? Буни орзу-умидлардан воз кечиб, факат хотигалар билан яшай бошлаганица хис қылладими? Нукул орқага, босиб үтилган изиннега қарайверасан. Энг кизиғи үтмишпеніңтә қалбаниң осойиши, ағасусланымай назар тащлай олишингда. Акс ҳолда олдинға ҳам, орқага ҳам қарамай аросатда қолиш ёмон...

Оёнига келиб сүйкелгән յомшок нарса Шомурод аканинг фикрини бўлди. Қўзини очиб қараса, Қоплон! Севиниб, кўзларин ёниб хурсандчичини думини ликилдатиши билан ифодалаб, кўзларини ҳидлади. Шомурод аканинг дилида шу тилсиз жониворга нисбатан бўлган меҳр қайта уйғонди. Қоплонининг садоқатидан кўзларига ёш келди. Бошнин силади. Рӯпаражаги үришіндікда үтирган ўрта ёшши бир бемор гаи қотди:

– Сизга жуда ўрганиған экан. Икки-уч кундан бўён шу ерда кўраман. Кеча қоровул уриб хайдаса ҳам нари кетмаси.

– Ҳа, – деди Шомурод ака, – Қоплонга ўрганиб қолганиман. Бунинг тарихи узок. Зерикмасантиз ит билан боғлиқ баъзи бир воқеанин айтти берсам.

– Майли, барибир бекор үтирибмиз.

У киши келиб Шомурод аканинг ённега чўқди. Қоплон энсан ёнида ҳамон эркалапарди.

– Парвардигор ер юзидағи барча жониворларни яраттиб, улар-

шинг умрини белгилай бошлабди, – деди Шомурод ака гапни узокдан бошлаб, – навбат эшакка келибди. Унга қирқ ёш тегибди.

– Бунча йил мен нима билан шүгулланамаш? – дебди у худога.

– Инсоннинг хизматида бўласан, – дебди Оллоҳ, – оғирини енгил қиласан, юкини ташийсан.

– Унда менга қирқ ёшнинг кераги йўқ, – дебди эшак, – бирор ларнинг мардикорлигини килиш учун шунча йил яшайманми?

– Бўпти, – дебди худо, – унда сенга йигирма йил умр берамай. Энди навбат итга. Унга ҳам қирқ ёш белгиланганд.

– Мен пима қиласман? – дебди ит.

– Сен ҳам инсоннинг измида бўласал. Ҳавф-хатардан асрыйсан. Кечаю кундуз мол-мулкини кўриклайсан. У сени буни эвазига бокади.

– Менга ҳам қирқ йил кўп, – дебди ит.

Навбат инсонга келибди. Унга ҳам Оллоҳ қирқ ёш бермоқчи бўлиб шундай дебди:

– Сен жамики мавжудотнинг эгасисан. Улар сенинг хизматинда бўлади.

Шунда инсон жавоб қайтарибди:

– Уша менга бу ёш камлик қиласди. Узайтирмасасиг бўлмайди. Чунки орзу-умидларим энди ушала бошлаганида қирқقا бориб қоламан.

Худо ўйлаб туриб, инсонга эшак ва ит олишини истамаган қолгани ёшни кўшиб берибди. Бунинг маъноси шуки, инсон қиркдан олтмишгача уй-жой куриш, фарзандларни ўстириш ва ўйлантириш, хуллас тирикчилик ташвишлари билан яшайди. Эшакдай тинимсиз меҳнат қиласи. Олтмишдан кейин эса қариб-картайиб бир жойда ўтириб, фарзандларнинг меҳр-муҳаббатига кўз тикиб қолади. Бу энди бир ривоятнома гап. Аслини олганда инсон ўзига берилган ёшдан оқилопа фойдалана олса, хўп ажойиб бўлади. Умримизни беҳудага совурамиз. Вақт ўтгандан сўнг, эшакка, итга ўхшаб, қанча жон куїдирмайлик, фойдаси йўқ.

– Тўғри, – деди шериги жонланиб, – баъзи одамлардан шу жониворлар ҳам оқибатли. Бир йили чет элга бордим. Маммакатни айланиб, хўп томоша қилдик. Ҳаммасидан эсда қоларлиси, бир шаҳарга борганимнанда кичик майдонча яқинига ўрнатилган ит ҳайкаланин кўрганимиз. Икки-уч метрларча баландга, супачага ўрнатилган. Ит бошини кўтариб, узокларга қараганича кимнингдир келишинни кутаётганига ўхшарди. Шу ерда яшаган қариядан сўраганимда у шундай жавоб қилди: Бу Лицейнинг ити эди. Кучукваччалигида ахлатдан тоғиб олиб, уйда боқкан. Ит унга жуда ўрганиб қолганди. Оғаси анча йиллар бурун урушга

кетди ва дараксиз йўқолди. Лекин жонивор уни ўн етти йил кутди, шу ерда жон берди. Шу атрофда яшаётган одамлар бундан қаттиқ таъсиrlаниб маблағ йиғицди. Унга ҳайкал ўрнатишиди. Биз бу ерга келингларга, ўтган-кетганга итнинг салокати ҳақида гапириб берамиз.

— Анча қизик ҳикоя экан, — деди Шомурод ака, — бизнинг ҳам оғайнигарчишитимиз булдан кам эмас.

Шомурод ака шу куни Қоплон ва у билан боғлиқ воқеалирни яна бир бор эслаци. Ҳамроҳига чарчагунча ҳикоя килди, бундан дини равшан тортди.

... Қоплоннинг ховлинига келиб қолиши тарихи шундай бўлганди. Бундан беш-олти йил мукашдам, Шомурод ака ҳозир ўзлари яшаёттан посёлка яқинидаги чорвачилик хўжалигида зоотехниклик қилас, ҳали пенсияга чиқмаганди. Бир куни кечқуруп уй ёнидаги бօғ олдида машинага жавоб бериб юбориб, пиёда қайтди. Ўшанда ҳам худди шу пайтдагидек куз эди. Бонни оралаб келаркан, ҳар ер-ҳар ерда ёқиб кўйилган ҳазон уюмларидан чиқсан тутуп ҳавони қўланса ҳидга тўлдирганидан димоги ачишди. Шунда қаердандир оёғига келиб ўралашган жонивор уни дафъатан чўчитиб юборди. Қараса, бир кучукча. Шомурод ака йўлида давом этганида, у яна изидан келаверди. Уйга етиб қолди, ховли олдида невараси Бўрибой ўйнаб юрган экан. Кучукчани кўриб, севиниб кетди. Олдига югуриб борганди, у кочмади, эркаланди. Кучукчани ховлини киритиб, олдин яшаган итлари Олапарининг уйчасига жойлаштириди. Кўл ўтмай, невараси отаси билан шахарга, кўп қаватли уйга қўчиб кетишиди. Кучукча эса жойнда яшайверди. У овқатни кўп ерди. Бир йилда каттакон итга айланди. Фақат уй атрофида итларнинг айланниб юриши ғашита тегарди. Бу пайтда у хўжаликда машина ўрнига от миниб яқин отарлардан хабар олишга ўрганганди. От миниб юриш ўзинга ҳам хуш ёқарди. Отда хохлаганча ўй сурини, табиат манзараларини кузатиши мумкин. Даштдаги сокишлиқ, белоён кенглиқ, отининг ажабтовур қиликлари дилига ором берар, чўпон-чўликлар билан шламаҳалгача туринг қилиб қатинини ичиб, кўзи гўшиига тўйиб, уйга тун ярмица қайтарди. Доим отда ёлғиз юради. Итдан яхши ҳамроҳни топиб бўпти. Шу хаёlda ҳар куни эрталаб Қоплонни эргаштириб кетадиган бўлди. Бунинг устига итнинг «хушторлари»дан ҳам қуттилди.

Аммо Шомурод аканинг Қоплонни шерик қишиб олиб юриши узокка бормади. Қишининг ўртасига боргандга Қоплон учта кучукча туғди. У Қоплоннинг болаларидан бигасини асраб олиб, иккитасини чўпонларга бериб юборди. Кўзларни атрофини кора

жун коплаган, түмшүғи ингичка ва оёклари йүғон күчүкчани Сиртлон деб атади. У ҳам онасига тортиб, гавдаси йүғон, оёклари бақувват бўрибосар ит бўлди. Кун сайин Шомурод ака қувонар, Сиртлоңдан уй кўриқчи чиқишига ишонарди. Лекин эгасининг ўйлаганича бўлиб чикмади. Сиртлон туилари дайдиб кетар, уч-тўрт ўзи тенги итни ҳовлига бошлаб келиб сарқитга меҳмон қиласарди. Қоплон кўпинча уларни ҳовлига йўлатмас, Сиртлон эса онасининг кўзини пана қилиб сұяқни тишлаб қочарди. Шу кундан эътиборан ҳовлидаги ва кўшиналарнинг товуклари йўқоладиган бўлиб қолди. Шомурод ака буни Сиртлоңдан кўриб, бир-икки бор тутиб урмоқчи бўлганида туткич бермади.

Бир куни ярим тунда уй эгаси ҳовлида итларнинг қаттиқ ириллашларидан уйғониб кегди. У кечкурун кўй сўйган, гўштини нимта-нимта қилиб суви силиқисип учун сим дорға осиб қўйғади. Югуриб чиқиб қараса, Сиртлон ва унинг шериклари аллақачон ғўшти дордан тушириб олиб ғажиб ётарди. Шомурод ака кўлинга илашган белкуракни олиб итларга отилди. Улар гўштини ташлаб кочиб кетишли. Шомурод ака ғазабдан ўзини босолмай, итларни анча жойга қувиб борди. Лекин тунда улар кўздан йўқолди. Шунда қаердандир Қоплон келиб сёғига суйқалди. Шомурод ака ўша аччиқ билан бор аламини ундан олди. Белкурак билан итнинг кок белига тушириди. Бу билан чекланмай, сёғи остига олиб тепди. Ит жон аччиғида оғриқдан вангиллаб юборди. Лекин узокка кочмади. Эгаси яна бир-икки тепгач, ҳоври босилиб, белкуракни улоқтириди ва сўқиб уйга кириб кетди. Қоплон анча пайт калтак зарбидан вангиллаб ётди. Шомурод аканинг ғазаби босилгач, итни бекорга урганидан ачинча бошлости. Охири сабри чидамай яна ҳовлига чиқди. Ит эгасини кўриб энди аразлади. Гавдасини кўтариб, оқсокланиб, ҳовли чешидаги пастак девордан сакраб ўтиб, тун кўйнига кириб кетди. У шу кетишида уч кунгача қорасини кўрсатмади. Сиртлон ҳам ҳовлига келмай кўйғашибди. Факат тўртингчи кунга келгандан Қоплон эрталаб оқсокланиб юриб келди. Жунлари қонга беланганди, териси тишланганди. Кўча бошида яшайдиган Азamat деган йигит гап тониб келди.

– Кеча ишдан қайтаётсан, эски кўптик остида иккита ит бир-бири билан ғажишиб ётибди. Якинрок бориб, ажратишга кўркдим, ким билади, кутурган бўлиши мумкин. Аммо эътибор бериб карасам, Қоплон билан Сиртлон. Она-бала бир-бирини ейишияти. Тавба, одамлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб боряпти, бир-бирларини хурмат қилмай кўйди десам, жониворлар ҳам бундан ўrnак олибди шекилли. Ит бўлса ҳам она боласини танийди. Ҳидидан сезади-ку! Қоплонга нима бўлган?

– Охири нима бўлди? – Шомурод ака босиқчилик билан савол берди.

– Нима бўларди. Кооплон Сиртлонни охири остига босиб олиб, томоғидан тишлиб олди. Буёғига сабрим чишамади. Уларни ҳай-ҳайлаб тош огиб ажратдим, уйга қайтдим. Бошқа нарсани билмайман.

Шомурод акага бу қаттиқ таъсир килди. Кўпприк томонга чопди. У йинит айтган жойга боргандা Сиртлон кўринимасди. Арик ёқалаб олдинга озгина юргаиди, ўтлар орасида конга беланиб ётган гавда корайиб кўринди. Яқинроқ бориб қараса – Сиртлон ўлиб ётарди. Ҳайҳот, Кооплон боласининг килмишидан орияти келиб, уни қаттиқ жазога хукм қилганди. Демак, орият, алам тилемиз жониворларда ҳам бор экан-да!

Шомурод аканинг Қоғионга ихлоси орғди. Уни яхши овқатлар билан сийлади. Аммо ит бир неча кун ундан бегонасираб овқатга қайритиб қарамади. Бу бир томондан ўзи ўлдириган бўлсада, оналик туйгуси билан боласи учун қайфураёттаи, иккинчидан эгасидан аразлаган эди. Ҳар холда Шомурод ака шу фикрга келши.

Бу орада унинг дилини хира қиласиган бир неча воқеаллар рўй берди. Анчадан бери қасалманд ётган хотини вафот этди. У аста-секин қайгули маросимларга кўйинса-да, дилини бир алам кийнарди. Шахарда яшайдиган ўғли Арслон дағғига ҳам, кейинши маъракаларга ҳам келмади. Факат орадан бир ойлар ўтгач тўсатдан келиб, изидан ит қувгандек ўша куни кетишга отланди. Шомурод ака оғирликка олиб индамади, ўзи тушунар, ўқиган, катта бир идоранинг раҳбари деб ўйлади. «Кетмайсан, онамининг маъракасини ўтказасан. Ёғиз ўғилсан, ишхонанидагилар ҳам одам, тушупишади», деб куйинишиди опалари.

– Менга оғирлигини биласингларми? – Арслон опаларининг эътирозларини рад қиларди, – партия аъзосиман. Яқинда институтимиздаги бир домламиз акасининг дағи маросимида қатнашгани учун партиядан ўчирилди. Проректоримиз онасининг қазосини эшишиб курортга қочиб кетди. Менинг ҳам художўй, эскича фикрлайди, деб ҳайдалашимни истайсизларми? Зўрга амалга илашганимда учиб кетсан, онам тирилиб келармиди?

– Тавба, – деб ўйлади Шомурод ака, – болани бир парча этдан одам қиласан, боқасан, кийинтирасан, ўқитасан, уйлагиги расан. Бола-чака, рўзгор деб ўлиб-тириласан. Нима учун? Бир куни қариб картайгаида кўлгигинингдан олаши, мадаҳ бўлади, деб ўйлайсан. Бир менинг ўғлим ноқобил бўлса тўрга эди. Пешонада бори, ёмон тарбия қилганман, деб овуниш мумкин эди. Аммо кўпчилик одамларда меҳр-окибат, одамгарчилик қолмаягти. Кимни

күрсанг, қаёккацир шошади. Юрак очиб даршташадиган одам йўқ. Ўғлимнинг ҳоли маълум. Шаҳардан бери келмайди. Онаси-нинг ўлимига шундай бефарқ, отадан хабар олармиди? Кизлари эса уйли-жойли бўлиб кетган. Кундузини бир амаллаб ўтказса бўлади, аммо туплари ҳайҳотдай ҳовли одамни ютаман, дейди. Дунёда инсон боласи учун ёлғизликдан онир жазо йўқ экан. Коплон ҳам ёлғиз. Хайриятки, баҳтига у бор. У юракка далда берид туради. Шомурод ака зериккан, сикилганда унинг олдига боради, дардларини айтади. Юраги енгил тортади. Ит гапларини тушун-ётгандек бошини ерга қагишириб, жим қулоқ солади. Кўзлари-ни юмиб хаёлга ботади. Баъзан сўзларини тўғри деганидай боши-ни кўтариб, кимирлатади, секин ҳуриб кўяди. Ҳа, ит бўлсам одамни тушунади. Лекин ўз пушти камарингдан бўлган боланг сени билмаиди. Кайғу-дардларинигта бегона. Наҳотки, охирзамон деганилари якинилашиб колган бўлса?

Шомурод ака негадир кечкурун ўзиши ёмон ҳис кила бошлади. Уни ўғлинииг бефарклиги ва амалпарастлиги, ўзининг ёлғизлиги, одамлар орасидаги оқибатсизлигу иллатлардан азоб чекар, уларни ўйламайман, деса ҳам ёмон хаёллар бостириб келарди. Ўзининг эртанги кунида ёруг нурлар кўзга ташланмас, бу эса уни тобора ҳаётдан бездириб, одамлардан йироклашти-рарди. Юрагига оғир зарб бўлиб тушаётган ўйлардан ҳолос бўлишга ожиз эзи. Ярим тунга бориб, ахволи оғирлашиди. Ҳуши-ни йўқотиб, алаҳсирай бошлиди. Шифокорнинг тепасида туриб укол қилишлари асло кор қилмади. Унинг иситма аралаш: «Коплон», «Сиртлон», «Арслон» деб такрорлашига врач ва ҳамши-ралар ҳайрон бўлишарди...

Унинг дафи маросимиға кўп одам тўпланди. Лекин ёлғиз ўлини кўринмасди. Тобугни кўтариб, сўнити маизил сари элгаётганилар оқимиға озгин, суклари саналиб ётган ит эргашиб келаётганини кўпчилик пайқамади.

ОҚИБАТ

Искандар Зулқарнайи ср юзини қўлга киритгач, сувостини ҳам бўйсундириш пайига тушади. Сув ўтмайдиган асбоб ясатти-риб, узок йиллар зинчонда ётган икки маҳбусни сувости подши-сининг ҳузурига туширади. Элчилар сувости подшосига Искандарнинг шартини етказдилар. Сувости подшоси чукур ўйга то-либ, элчиларга бир коса тутқазади-да, дейди: «Майли, биз бўйсу-намиз, фақат бир шартимиз бор. Искандар шу косани олтинга

түлғазиб берсін». Элчилар косаны Искандарға келтириб, сувости подшосининг шартинің айтишады. Искандар қаҳ-қаҳ оғиб кулади-да, хазиначига бир ҳовуч олтис келтириши буюради. Лекин, коса түлиш үрнінде ҳеч нараса солинмаганцай бўлиб турарди. Яна зар келтириб солишади. Шу ахвол, Хузлас, Искандарнинг бугун хазинаси хам косаны тўлдиrolмайди. Кейин шоҳ косанинг сирини билмоқ учун элчиларни қайтадан сувостиға туширади. Сувости подшоси уларга: «Искандарға айтинглар, шу косага бир ҳовуч тупроқ солиб кўрсинг-чи», дейди. Во ажаб, бугун бошини шоҳ хазинаси тўлғизолмаган косани бир ҳовуч тупроқ тўлдира-ди-кўяди. Искандар бу синоатдан лол бўлиб қолади. Саройдаги доиниманд вазирлардан бирин шундай дейди: Сувости подшоси жуда аклли одам экан. Искандар бугун ер юзини олибди, наҳот бу унга камлик қиласа. Бу коса унинг бойликка тўлмайдиган кўзи-дир. Уни факат тупроқ тўлдира олади...

Искандар пешонасига бир урибди ва шундай васият қилибди:

— Мен ўлсан икки қўлимни тобутдан чинкариб қўйинглар. Ер юзини босиб оғлан бўлсан хам, у дунёга икки қўлим бўш кетаёт-ганини одамлар кўрсинг.

Боя бошлиғи айтиб берган ривоят Ўқтамжонининг хаёлидан нари кетмасди. Негадир бу ривоят дилида маҳкам ўрналиб колди. Назарица бошлини шимагадир шама қашаётгандай туоларди. Ҳагто кейинги пайтлар юрагида тутғиб юрган гагиларни унга очиб ташламоқчи бўлди. Лекин, журъати етмади. Ҳаёли хогинига қўчди. Ҳамма хотишлар Салимага ўҳшаганми кан ёки факат у шунаками? Латта-пугтага, зару бойликка бунча ўч бўлмаса бу хотин зоти? Онасининг қашоқ кўлларни кўз ўнгидага гавдаланди. Ҳа, раҳматли қаноатли аёл эди. Эришиниг борини бор айлаб юарарди. У йўқ, бу йўқ деб худа-бехудага иолимасди. Салиманинг бир тукиям қайнопасига ўхшамайди.

Уйланганига саккиз йилдан ошиди. Дуруст дам олганини хам эслолмайди. Тун корописидан кечігача рўзюрнинг кам-кўсти деб елиб-югуради. Хотиншам бирордан кам киймасин, кизалюбим қўғирчокдек бўлиб юрсин деб жони ҳашлак. Ҳайдовчилар орасида ундан ошириб маош оладиганий йўқ. Аввалинга ҳамма унга ҳавас қиласади. Энди очикдан-очик ачиннишади. «Бир жониннан шунчак ташвиши заруми?» — дейиншади. Ахир ҳар нарсаннинг чегараси бор-ку. Ко-мандировкага кўп кепиши ва узоқ рейсга қатнагани учун автокор-хона раҳбарлари машиннани уйда саклашга рухсат беришган. Бу ҳаммадан Салимага маъқул тушди. Ҳар гал эри рейсдан қайттунча бирорта олибсотар билан гашлашиб кўяди. Ўқтам чойинни чарап ишар-иичмас яна йўлга отланади. Олибсотарнинг юкни бозорга

олиб боради. Кўпинча, кечалари йўлда қолиб кетади. Қани энди бормай кўрсин-чи, Салима томоша кўрсатади... Ўкта табиатан юмшоқ бўлгани учунми, жанжалга тоби йўк. Унча-бунча аччиктиззиқ гагиларга «сеники маъкул» деб индамай кўя қоларди. Дўстларипинг оиласидаги тотувликка, ўзаро иззат-хурматга ҳавас қиласарди. Башқаларнинг аёллари хизматдан толикиб қайтган эрини қанакадир олибсотар ёки баққоллар билан эмас, балки очиқ чехра билан кутиб олади. Ҳордигини чикариш, кўнглини ёзиш учун жони ҳалак. Буларни эслаганда Ўкталиниг кўзларига дунё қоронги кўриниб, ҳаммасига қўл силтагиси келащи. Лекин қизини, олди-оркаси ни ўйлайди-да, фикридан қайтади. Ўзи ота меҳрига зор ўсганидан қизининг тирик етим бўлиб қолишини истамайди. Хотинидан шунчалик безибдики, уйнга факат қизини деб келаётганини англаб, юраги ғашланади. Сафарда юрганида ҳам факат қизининг қиликлари, гап-сўзларини қўмсаиди. Ишдан батъян ярим кечаси қайтганда ҳам уч яшар қизчаси ухлаб қолган бўлса-да, салпина шарнага ўйғониб «Дадажон» деб бўйнига осилади. Шунда Ўкталиниг бутун чарчоклари ёзишиб кетгандек бўлади.

Ўша куни негадир уйга осғи тортмади. Машинасини ариқ ёқасига олиб бориб, шошилмай ювди. Кейин машина атрофида юрган болаларни «сайр» қилдириди. Уйга шом қоронғисида кириб борди. Салима дарвоза олдида кутиб турган экан. Ширин муомаласидан ёғлирок юмуш ҳозирлаб турганга ўхшайди. Ўкталининг энсаси котди. Чойни чала-чула ичди-ю, хонтахта ёнбошидаги кўрпачага чўзилди. Шунцагина қаттиқ чарчаганини сезди. Бутун аъзон бағани қакшади. Кўзи эндиғина ишинган экан, хотиниning овозидан ўйғониб кетди.

– Туринг даdasи. Ҳали болалар ухлайдиган вакт бўлганий йўк. Машинани ҳозирлаби: Нариги маҳалладаги Эргаш баққол эргалабдан бери уч марта келиб кетди. Юки бор экан. Шаҳарчага элтиб беринг.

Ўкталиниг кўзига шу тобда хотини янаем хунук кўринди. «Тавба, одам ҳам шунақа бўладими?! Мол-дунёга бунчалик хирс кўймасанг! Қизлигида бунақа эмасди шекилини. Ёки сезмадиммикан?!»

Салиманинг ўйлари бошқача эди. Тезроқ ишнинг битишини, пулнинг тезроқ келишиш хаёл қилиди. Шунинг учун бўш келмади.

– Баҳосидан кўрқманг, келишиб кўйганмиз, юз сўм беради. Бизлар ҳам одамлардаи яшайлик. Кейин роҳатини кўрасиз. Бўлинг энди.

– Бас қил-эй! Ҳеч қаёққа бормайман. Жонимга тегиб кетди ҳаммаси.

– Нима, нима? Нега бормайсиз? Ҳазиллашяпсизмн? Вой, одамни кўркитиб юбордингиз-ку!

– Бас қил, дедим. Мен бугун ҳеч қаёкка бормайман.

Хотинининг юзидаи олдинги табассуми йўколди. Кўзлари хунуклашди. Юзи қаҳрли тус олиб, заҳрини тўқди.

– Тирикчилик курсин. Эл қатори яшгаймиз деб, ўзимни тўрт томонга ураман, кошкийди ҳамма нарса магазиндан топилса.

Ўқтам тескари ўтирилиб олганча жим ётаверди.

– Сизнинг қорамойинизни ювиб, умрим ўтятти. Шу рўзюр деб қўлим косов, сочим супурги.

Хотинининг узоқ вақт жағи типмади. Оқибат шу бўлдики, машинанинг ўт олшириб яна йўлга чиқди. Эргали баққолининг юклирини бозорга тушириб, шаҳардан қайтаёттанича тун ярмидан оқкан эди. Йўлда келаркан, кўзлари дам-башам юмилиб кетарди. Озрок мизніб олай деса, эрталаб ишга вақтида етиб боролмайди. Кечагина охирги огохлантиришин олган эди. Назаридаги унинг шуури карахглашиб қолганга ўхшайди. Бора-бора машина моторининг овозини қулоқлари эшитмай кўйди. Хозир у ерда эмас, гўё бўшлиқда, чексиз фазода учиб юргандай эди...

Пачакланыб кетган машинадан уни аранг судраб чиқариб олишаётгаща кўкрак чўнгагидан ҳайдовчилик гувоҳномаси ерга тушибди. Унинг орасидаги бир қанча қоғозлар билан қонга белангтан иккита эллик сўмлик пул ерга тушди-ю, шаббода уни хазонлар орасига кўмиб юборди.

МУНДАРИЖА

Кисса	4
Сени күмсаймай	
Хикоялар	
Чорраҳа	73
Вафодор	78
Икки ўрим соч	81
Жазо	83
Касам	85
Узун куилар	91
Олдинда нур йўқ	99
Мұҳаббат ва нафрат қўшиғи	104
Райҳон ҳиди	108
Қоракўз	114
Ҳалқа	117
Оқибат	124

РАССЫЛКА

Адабий-биданий пашр

ЖУМАҚУЛ ҚУРБОНОВ

ЧОРРАҲА

(қисса ва ҳикоялар)

Тошкент «Маънавият» 2003

Мұхаррир А. Жўрлаев

Рассом М. Аглимов

Техн. мұхаррир Т. Золотилова

Мусахих Х. Зокирова

Теришга 18.03.2003 й.да берилди. Босишга 15.05.2003 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 Таймс гарнитураси. Офсет босма усулиша босиши. Шартлар
б.т. 6,72. Шарилни кр.-отт. 7,14. Нашр т. 6,63. 2000 нусха. Буюргма № К-9827.
Нархи шартнома асосица.

«Маънавият» нашриётн. Тошкент. Буюк Турон, 41-й. Шартнома 29-03.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборог агентлигигининг Тошкент мат-
бба комбинатида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-й. 2003.